ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ МИНИСТРЛИГИ
А.Навоий номли Самарқанд Давлат университети

Н.АБДУРАҲМОНОВ

# ҚАДИМГИ ТУРКИЙ ТИЛ

Университетлар ҳамда педагогика институтларининг филология факультетлари сиртқи ва кечки бўлим студентлари учун қўлланма

ЎзССР Халқ таълими министрлиги тасдиқлаган

Тошкент "Ўқитувчи" 1989

www.ziyouz.com kutubxonasi

www.ziyouz.com kutubxonasi

# СЎЗ БОШИ

Ўзбек тилшунослиги 70 йил ичида беқиёс ютуқларни қўлга иритди. Ҳозирги замон ўзбек тилини ўқитиш, ўрганиш соҳасида лимларимизнинг йирик тадқиқотлари, дарслик ва қўлланмалари зага келди.

Ўзбек тили тарихини ўрганиш бўйича ҳам шундай ишлар амал-а оширилди ва ҳозир ҳам бу борада кўп ишлар қилинмоқда. Нати-ада ўзбек тили тарихи деган тушунча чегараланиб, даврлар бўйи-а дифференциация қилинди.

Ҳозир университетларнинг ўқув планига киритилган "Қадимги уркий ва эски ўзбек тили" курси ўзбек тили тарихининг дастлаб-и – УI–ХIУ асрларни ўз ичига олади. Бу даврда яратилган тур-ий рун (УI–ХШ аср), уйғур (ХI–ХIУ аср) ва туркий тилдаги араб зувида битилган обидалар киради. ХУ асрдан инқилобгача бўлган авр эса "Ўзбек тили тарихи" курсида ўрганилмоқда.

Масаланинг мураккаб томони шундаки, шу пайтгача ўзбек тили арихи бўйича яратилган мақолалар, монографиялар ва қўлланма-ларнинг кўпчилиги асосан араб графикасида битилган қўлёзма манбалар тилини ўрганиш ва тасвирлашга бағишланган.

Тўғри, тюркология ва ўзбек тилшунослигидаги мавжуд ишлар-да туркий рун, уйғур ёзувларидаги текстлар тили маълум даража-да ҳам илмий, ҳам ўқув-методик планда ёритиб берилган. Бироқ бу монография ва қўлланмаларнинг ҳеч бири ҳозир ўқитилаётган "Қадимги туркий ва эски ўзбек тили" программаси мундарижасига мос келмайди. Жумладан,бундай ишлар сирасига С.Муталлибовнинг ХI аср ёзма обидалари материаллари асосида яратилган "Морфология ва лексика тарихидан очерк" (Тошкент, 1959) китобини киритиш мумкин. Аммо бу тадқиқот хронологик жиҳатдан ҳам, тил ярусларининг ёритилиши жиҳатдан ҳам мазкур курсни ўқитишда қўлланма вазифасини ўтай олмайди. Бундан ташқари, Э.Фозиловнинг "Ўзбек тилининг тарихий морфологияси" (Тошкент,1965) китобида графика, фонетика, лексика, синтаксис масалалари ёритилмаганлиги туфайли студентларга дарслик сифатида тавсия қилиб бўлмайди. (Ундан морфология масалалари қараб чиқилиши мумкин). Ғ.Абдураҳмонов ва А.Рустамовларнинг "Қадимги туркий тил" (Тошкент, 1982) дарслиги ҳозир ушбу курс бўйича ягона ўқув-методик қўлланма ҳисобланса ҳам, фақат қадимги турк даврига оид материалларнигина ўз ичига олади, холос. Қолавер-

www.ziyouz.com kutubxonasi

са лексика бўлими ва араб ёзувларининг хусусиятлари қўлланмадан ўрин олмаган, шунингдек, фонетика, морфология, содда гап синтаксиси жуда қисқа ёритилган.

Ушбу курснинг у ёки бу томонларини ўрганиш мумкин бўлган илмий ишлар эса анчагина. Уларни студентларга мустақил ўқиш учун тавсия қилиш мақсадга мувофиқдир.

Демак, "Қадимги туркий тил" курси олий ўқув юртларининг филология факультетларида кўп йиллардан бери ўқитилаётган экан, бу фан ўқитувчилари студентларга ўзлари тўплаган материаллар асосида лекциялар ўқиб, практик машғулотлар ўтказиб келаётганлиги табиий. Муаллиф ҳам айниқса кечки ва сиртқи бўлим студентларининг имтиҳон ва синовларда программа асосида қўлланма йўқлиги туфайли қийинчиликларга дуч келаётганликларини ҳисобга олиб, бир неча йиллик тажрибаларини системалаштириб, мазкур қўлланмани нашр этишни лозим топди. Аммо мавжуд анъанавий классификациядан чекинган ҳолда, қўлланма УI-XIУ аср ёзма ёдгорликлари тилини ўз ичига олади. Шунинг учун мазкур қадимги туркий тил деган термин ва тушунча бошқа дарсликлардаги классификацияни инкор қилади деган гап эмас. Биз УI-XIУ аср ёзма ёдгорликларининг фонетик системаси, лексиксостави ва грамматик қурилишидаги умумийликдан келиб чиқиб бир ном остида қарадик. Шунингдек, қадимги туркий қабилалар, уларнинг жойлашув ўринлари ва тиллари ҳақида маълумотлар келтирилади. Намуна сифатида туркий рун, уйғур, араб ёзувларидан текстлар ҳам берилади, бу нарса амалий машғулотларни ўтказишда қўл келиши мумкин. Мисоллар лозим ўринларда тегишли графикада ёки транскрипцияда берилди. Манбалар қавс ичида кўрсатиб ўтилди (М., Кт.- Кул тегин битикташи каби).

Авторнинг бу ҳаракатларини СамДУ ўзбек тилшунослиги кафедраси аъзолари маъқулладилар ва қўлланмани нашрга тавсия қилдилар. Профессорлар Р.Қ.Қўнғуров, Б.Ў.Ўринбоев, доцентлар Ж.Ҳамдамов, ТошДУ профессори И.Қ.Қўчқортоев, Бухоро ДПИ профессори Ҳ.Неъматов каби мутахассис олимларга қўлёзма билан танишиб ўз мулоҳазаларини билдирганликлари учун ўз миннатдорчилигимизни изҳор қиламиз.

Қўлланмада баъзи бир мунозарали ўринлар ёки камчиликлар бўлиши табиийдир. Чунки бу курснинг мундарижаси, хронологияси тўлиқ ҳал қилиб олинмаган. Шунинг учун қўлланма юзасидан бил-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дириладиган танқидий фикр-мулоҳазалар, истаклар автор томонидан миннатдорчилик билан қабул қилинади.

Университетлар ва педагогика институтларининг ўқув планида "Қадимги туркий ва эски ўзбек тили" курсига ажратилган соатнинг учдан икки қисми амалий машғулотларга /лаборатория ишига/ ажратилган.

Ҳозирги кунда студентлар қадимги туркий тилнинг фонетик, лексик, морфологик ва синтактик хусусиятларини ўзлаштириб олишларида қийинчиликларга дуч келмоқдалар.

Ана шуни ҳисобга олиб "Қадимги туркий текстлари юзасидан амалий машғулотлар"ни тузишни лозим топдик. Ушбу ишнинг асосий вазифаси студентларнинг қадимги туркий ва эски ўзбек тилидан олган назарий билимларини амалий равишда ўзлаштириб олишларига кўмаклашишдир.

Студентлар олти машғулотда турк-рун, уйғур ва араб ёзувларини ўрганадилар. Бу билан улар қадимги туркий тилдаги унли ва ундош товушларнинг ишлатиш позицияларини, бу тилнинг лексик, морфологик, синтактик хусусиятларини ўрганадилар.

Машғулотлар учун берилган текстлар хронологик тарзда туркологияда қабул қилинган транскрипция белгилари асосида кўрсатилди. Ҳар бир машғулотда бажариладиган иш турлари кўрсатилди.

Ишда синтактик таҳлил учун алоҳида текст берилмади, бироқ ўқитувчи берилган текстлардан бирортасини танлаши ва синтактик таҳлил ўтказиши мумкин.

Амалий машғулотларда фойдаланиладиган турк-рун, уйғур ва араб ёзувларида ёзилган текстлар /Тўнюқуқ битигтоши, Кул тигин битигтоши, Билга хоқон битигтоши, Унгин битигтоши, Ирқ битиги, Мақухей ва Олтун ёруқ ва ҳ./нинг баъзилари тўлиқ, айримлари қисқартирилган ҳолда берилди. Текстлар С.Е.Маловнинг "Памятники древнетюркской письменности" /М.-Л.,1951/, "Енисейская письменности тюрков" /М.,1952/ ва "Памятники древнетюркской письменности Монголии и Киргизии" /М., 1959/ каби асарлардан олинди. Шунингдек, кейинги йилларда чоп қилинган "Девону луғотит-турк" /М.Кошғарий/, "Қутадғу билиг" /Юсуф Хос Ҳожиб/, "Ҳиббатул-ҳақойиқ" /Аҳмад Югнакий/, "Қиссаи Рабғузий" /Рабғузий/. "Юсуф ва Зулайҳо" /Дурбек/ ва "Муҳаббатнома" /Хоразмий/ каби асарлардан ҳам текстлар берилди.

Ишнинг охирида текстларда учрайдиган қийин сўзларнинг луғати берилди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

## ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР

Абушқа – Луғати Абушқа
Аттуҳфатуз – Аттуҳфатуз закияту филлуғатит туркия
Адҳа – Атавакадеви ҳақида афсона.
Бадаи ал луғат
Бх – Билга ҳоқон битигтоши
Ен – Енисей битигтошлари
Иб – Ирқ битиг
Длт – Девону луғотит турк
Кт – Кул тигин битигтоши
Кч – Кули чур битигтоши
Мч – Мўюн чур битигтоши
Оё – Олтун ёруқ
Сю – Секиз юкмак
Тўн – Тўнюқуқ битигтоши
Тлб – Талас битигтошлари
Х –Хуастуанифт (Монавийларнинг тавбаномаси)
Қп – "Шаҳзодалар Қалйанамқара ва Папамқара" достони
Унг – Унгин битигтоши
Қб – Қутадғу билиг
Рабғ. – Қиссаи Рабғузий.
Ғл – Ғиёс-ул луғат
ҲҲ – Ҳибатул-ҳақойиқ

Қўлланмада мисоллар қуйидаги транскрипцион белгиларда берилди.

### I. Унлилар учун

а – тил орқа, лабланмаган, кенг унли.
э – тил олди, лабланмаган, кенг унли.
э – тил олди, лабланмаган, ўрта кенг унли.
ы – тил орқа, лабланмаган, тор унли.
и – тил олди, лабланмаган, тор унли.
о –тил орқа, лабланган, ўрта кенг унли.
ө – тил олди, лабланган, ўрта кенг унли.
у – тил орқа, лабланган, тор унли.
ү – тил олди, лабланган, тор унли.

www.ziyouz.com kutubxonasi

2. Ундошлар учун
е,ё,ю,я+й · ундош фонемаси шаклида.

## К И Р И Ш

Қадимги туркий тил курси умумсовет тилшунослигининг ажралмас бир қисми ҳисобланади. Ҳар бир фандаги сингари қадимги туркий тилнинг ҳам ўз ўрганиш ва текшириш объекти мавжуд.

Юқорида таъкидлаганимиздек, биз эрамизнинг XIУ асригача бўлган давр тилини қадимги туркий тил деб номлашни лозим топдик. Чунки, бир томондан, шу давргача яратилган ёзма обидалар туркий халқларнинг барчасига тегишли бўлса, иккинчи томондан, ёзма обидалар фонетик, лексик, морфологик ва синтактик жиҳатдан умумийликка эга. Умуман, XIУ асргача туркий халқларда интеграция процесси кучли бўлса, шу даврдан бошлаб дифференциация процесси кучаяди. Ана шу нуқтаи назардан ҳам XIУ асргача бўлган давр тили қадимги туркий тилга эга эди деб эътироф этиш тўғрироқ бўлади. Йирик турколог С.Е.Малов "Бу ёдгорликлар (XIУ асргача ёзилган ёдгорликлар - изоҳ А.Н.) ёки ёдгорликларнинг тиллари кўпчилик туркий тилларнинг қадимги тарихи учун умумий фонд, умумий тарихий асос бўлиб хизмат қилади"[1], - деб айтганда ана шу умумий қонуниятларни (фонетика, лексика ва грамматикадаги ) назарда тутган эди.

Марксизм-ленинизм классиклари қадимги ҳодисаларни билиш ва тасаввур қилиш учун тарихий принципга асосланиш зарур эканлигини алоҳида қайд қилганлар. Муайян маънода бу тил тараққиётини ўрганишга методологик асос бўлиб хизмат қилади:

Фридрих Энгельс шундай деган: "... Она тилининг вужудга келиши ва аста-секин ривожланиши кузатиб борилган тақдирдагина она тилининг материяси ва формаси тушунарли бўлади. Бу эса, биринчидан, унинг ўлик бўлиб қолган формаларига ва, иккинчидан, қариндош жонли тилларга эътибор қилмасдан туриб бўлмайди"[2].

Доҳийнинг бу кўрсатмалари тилга ва тил фактларини тарихий жиҳатдан ўрганишга ҳам бевосита тегишлидир, чунки туркий

---

[1] С.Е.Малов. Памятники древнетюркской письменности.Москва, 1950, стр. 96.

[2] Ф.Энгельс. Анти-Дюринг. Тошкент,1957, 412- бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

тилнинг фонетик системаси, лексик қатлами, морфологик структураси ва синтактик қурилишида бўлган ўзгаришлар ва бу ўзгаришлар жараёнида тил системасининг такомиллашуви, қардош бўлмаган тиллари билан алоқаси, айрим сўз ва грамматик формаларнинг (сўз ясовчи, сўз ўзгартувчи ва форма ясовчиларнинг ҳам) архаиклашиб қолиши, айрим сўз ва аффиксларнинг тилда пайдо бўлишларини синчиклаб ўрганиш натижасидагина қадимги туркий тилнинг ҳолати ва эволюцияси ҳақида муайян бир фикрга келишга имкон бўлади. Шундан кейингина шу тилни яратган халқнинг ўтмиш тарихини тиклаш, унинг маданияти, урф-одати, диний эътиқоди, географияси ва бошқа шунга ўхшаш томонларини аниқлаш мумкин бўлади. Герман Пауль "Инсоният яратган барча маданият сингари, тил ҳам тарихий жиҳатдан текшириладиган предметдир",[I] деб бу соҳага алоҳида урғу беради. ва психофизиологик процесслар тил ярусларининг ўзгаришида энг муҳим факторлардан бири эканлигини таъкидлайди.

Жамиятда кишиларнинг энг муҳим алоқа воситаси бўлган тил бир қанча даврлар маҳсулидир. У узоқ асрлар давомида жамият тараққиётига мос ҳолда аста-секин ривожланади. Шунинг учун ҳам қадимги туркий тил ёлғиз тил фактларнинг ривожланиш қонуниятларини ўрганибгина қолмайди, балки қадимги туркий тил билан боғлиқ бўлган ёндош соҳаларни ўрганишга ҳам йўл очади. Жумладан шу асосда бу тилни яратган халқнинг тарихини ҳам атрофлича билиб олиш имкони туғилади. Тилнинг структураси – унинг фонетик системаси, лексик қатлами, морфологик структураси ва синтактик қурилиши асрлар давомида аста-секинлик билан ўзгаради. Тил тараққий этган сари айниқса унинг грамматик моделлари соддалаша боради. Жамият тараққиёти ва ундаги ўзгаришларга боғлиқ равишда тилнинг луғат состави турли йўллар билан ривожланади , бойиб боради. Ҳатто тилнинг луғат составида актив ишлатиб келинаётган айрим сўзлар эскириб қолади ва унинг ўрнида ё шу тилнинг ўзида мавжуд бўлган сўзлар ишлатилади , ёки қардош бўлмаган тиллардан ўзлаштирилган сўзлар қўлланади, ёхуд сўз маънолари кенгайиши ёки торайиши мумкин. Бундай ўзлаштиришнинг туб моҳиятини билиш учун ҳозирги туркий тилларни қадимги туркий тил билан таққослаб ўрганиш зарур бўлади.

---

I Г.Пауль. Принципы истории языка, М., 1960, с.25–30.

Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, туркий тилнинг УI асргача бўлган тарихини тиклаш анча қийин, чунки УI асргача яратилган ёзма ёдгорликлар бизгача етиб келмаган. УI асрдан кейинги туркий тилнинг хусусиятларини ўрганиш учун бизда етарли ёзма манбалар мавжуд. Булар Кул тигин битигтоши, Тўнюқуқ битигтоши, Ўнгин битигтоши, Мўюн чур битигтоши, Енисей битигтошлари, Билга хоқон битигтоши каби урхун - енисей (туркий рун) алифбосидаги ёдгорликлар, Хуастуанифт, Шаҳзодалар Қалйанамқара ва Папамқара ҳақида қисса, Олтун ёруқ, Атавака деви ҳақида афсона, Ўғузнома каби эски уйғур ёзувидаги ёдгорликлар, Қутадғу билиг, Девону луғотит турк, Ҳибатул-ҳақойиқ, Қиссасул-анбиё ва бошқа шунга ўхшаш араб ва айни пайтда уйғур ёзувидаги обидаларни кўрсатиш мумкин.

Бу ёзма ёдгорликларни топиш ва ўқишда рус ва чет эл ҳамда совет туркологларининг хизматлари катта. Бу ёзма ёдгорликлар қадимги туркий халқлар томонидан ёзиб қолдирилган ёки бошқа тиллардан қадимги туркий тилга таржима қилинган (жумладан юқорида номлари зикр этилган эски уйғур ёзувидаги ёдгорликлар). Ана шу ёзма ёдгорликларнинг тил хусусиятларини практик ва назарий томондан ўрганиш аввало туркий уруғ, қабилаларга ва уларнинг тилига идеалистик нуқтаи назардан қаровчиларга зарба бериш ҳамда шу тилда гаплашувчи халқлар тарихини тиклаш учун муҳимдир. Шунинг учун марксизм-ленинизм классиклари тилнинг ўтмиш тарихини жамият тарихий тараққиёти билан боғлаб ўрганиш зарурлигини уқтирганлар. Чунки тараққиёт, ўзгариш ўзича юз берадиган ҳодиса эмас. Жумладан, тилдаги ўзгаришлар ҳам. Уни яратувчи халқ бўлса, ўзгартирувчи ҳам халқдир. Ъотан диалектик қонуниятлар халқ ва унинг тили, жумладан қадимги туркий халқлар ва уларнинг тили учун ҳам тааллуқлидир.

Ҳозирги туркий тиллар луғат составида мавжуд бўлган сўзларнинг аксарияти (кўпроқ от, қисман сифат, сон, олмош, туб феъл-ларга оид сўзлар) ёзма ёдгорликларда ўз ифодасини топгандир.

Демак, юқоридагилардан келиб чиқиб, ўзбек тили тарихини қуйидагича даврлаштириш мақсадга мувофиқдир: қадимги туркий тил (эрамизнинг XIУ асригача бўлган давр), эски ўзбек тили (XIУ асрдан Улуғ Октябрь социалистик революциясигача бўлган давр) ва ҳозирги замон ўзбек адабий тили (революциядан шу кун-

www.ziyouz.com kutubxonasi

гача бўлган давр). Ўзбек тилини мазкур кўринишда даврлаштириш бир-бирини инкор қилмайди, балки тўлдиради. Қадимги туркий тил ҳозирги замон ўзбек тилининг фонетик, лексик, морфологик ва синтактик қурилишини аниқроқ тасаввур қилишда асосий восита бўлиб хизмат қилади.

Умуман, XIУ асргача яратилган ёзма обидалар тилининг фонетик системаси, лексик қатлами, морфологик структураси ва синтактик қурилиши қадимги туркий тил предметининг объектидир.

## ҚАДИМГИ ТУРКИЙ УРУҒ, ҚАБИЛАЛАР ВА УЛАРНИНГ ТИЛЛАРИ ҲАҚИДА

Қадимги туркий халқлар уларнинг шаклланиши ҳамда тили тўғрисида шу кунгача ҳар хил фикр-мулоҳазалар билдирилган. Бундай фикр – мулоҳазалар Сибирь, Ўрта Осиё, Шарқ ва ҳозирги Қозоғистон территориясида мавжуд бўлган давлатлар , шаҳарлар ва шу жойларда яшаган аҳоли тўғрисида ёзилган ишларда, тузилган карталарда, эрон, грек, ҳинд, араб, хитой, мўғул, арман ва бошқа халқлар тарихчилари томонидан ёзиб қолдирилган манбаларда, шунингдек, Авеста, Бехистун, туркрун, уйғур, брахма, араб ва шунга ўхшаш ёзма ёдгорликларда ҳам сақланиб қолгандир.

Бу манбалар эрамизгача ва эрамиз бошларида Сибирь, Ўрта Осиё ва Қозоғистон территориясида қандай қабила яшаганлиги, уларнинг урф-одатлари, туркий бўлмаган қабила, уруғлар билан алоқа қилганлиги, ва булар қандай тилларда гаплашганликларини билишга имкон беради.

Эрамизгача УП асрда Хунн давлати ва унга яқин бўлган давлатлар картасида, яъни Сибирь, Ўрта ва Кичик Осиёда, ҳозирги Қозоғистон территориясида Дунху, Хунн, Юэчжи, Сак, Тўпар, Гунь, Усун, Диван, Лэулан Банди каби давлатлар бўлганлиги кўрсатилса[I], П-I асрларда шу территорияларда Янцай, Қангуй, Даван, Юэчжи, Баиди, Хунн Тунгус, Парфия каби давлатлар бўлганлиги таъкидланади[2].

---

[I] Л.Н.Гумилев. Хунну. М., I960, с.26.

[2] Л.Н.Гумилев, Юқоридаги асар с. I52,I83.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Эрамизгача ва эрамизнинг ХУ асрларигача шу жойларда яшаган уруғ ва қабилалар, биринчидан, қабила номи билан, иккинчидан, шу жой номи билан юритилган, учинчидан, тили ҳам шу жой номи билан аталган, мазкур территорияда яшаган уруғ ва қабилалар туркий тилда (кенг маънода Олтой) сўзлашганлар[I].

Шарқ халқлари тарихи тўғрисида ёзилган ишларда ва унинг иқтисодий географик ва этнографик карталарида эса Ўрта Осиёда массагетлар (Орол денгизи бўйлари, ҳозирги Сирдарё ва Аму оралиғида), Хоразм , (Ҳозирги Амударёнинг ғарбида), Сўғдиёна (ҳозирги Зарафшон дарёси бўйида), Бақтрия (Мурғоб дарёси соҳилида), Марғиёна (Арип дарёсининг ғарбий қисмида), Парфия (Каспий денгиз жанубида), Ариона (ҳозирги Афғонистон территориясида) Сухатия каби давлатлар бўлганлиги кўрсатилади[2]. Бироқ шу жойларда яшаган уруғ, қабилалар ва уларнинг тили тўғрисида бирор фикр баён қилинмаган. Аммо бошқа бир манбаларда I минг йилликнинг I ярмида Ўрта Осиёда ташкил топган юқорида номлари тилга олинган давлатлар эроний тилда гаплашганлар[3] деб кўрсатиладики, туркий қабилалар ва уруғлар умуман эътибордан четда қолиб кетади. Кейинги археологик тадқиқотлар туркийлар ва эроний халқлар ёнма-ён яшаганлигини кўрсатмоқда. Лекин шу жойларда яшаган уруғ ва қабилаларни грек тарихчилари скифлар ва массагетлар деб атаган бўлсалар, Эрон ёзувчиларининг асарларида эса саклар номи билан юритилади[4].

Скифлар Ўрта Осиёда бошқа қабилаларга қараганда мавқе жиҳатдан анча устун бўлган. Ҳанузгача скифлар эроний тилли қабилалар группасига киритилади (гарчи скифларнинг ёзма манбалари сақланиб қолмаган бўлса ҳам). Аммо скифлар билан туркийлар маданияти ўртасидаги генетик алоқалар хусусида билдирилган фикрлар масалага бошқачароқ қарашни талаб қилмоқда[5].

---

I Ғ.Абдурахмонов, Ш.Шукуров. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси, Тошкент,1973, I2- бет.

2 В.И.Абдиев. Қадимги шарқ тарихи. Тошкент, 1964,500-50I-бетлар.

3 Х.Г.Короглы. В заимосязи эпоса народов Средней Азии, Ирана и Азербайджана, М., 1983, с. 5.

4 В.И.Абдиев Юқоридаги асар. 598- бет.

5 Қаранг: Н.Рахмонов. Инсон руҳининг садоси. Тошкент,1986, I5-I9- бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Хунн ва Юэчжи уруғ қабилалари яшаган даврда ҳам Ўрта Осиёда туркий уруғлар яшаганлигини далилловчи фактлардан бири турли номлардир. Эрамизгача тузилган карталарда учрайдиган сўзлар лексик - грамматик ва семантик томондан таҳлил қилинса, унда учрайдиган сўзлар ҳам турк уруғ ва қабилалари тилига, ҳам Эрон тилларига хос эканлигини кўрсатади. Бундай сўзларга оқсой (туркча), тоғой писта (туркча-эронча), Чашма Хўтон (эронча - туркча)кабиларни кўрсатиш мумкин.[1]

Шу жойларда яшаган уруғ ва қабилаларнинг аралаш ёки территория жиҳатдан як... либ яшашлари, бир жойдан иккинчи жойга кўчиб бориб ўтро...лашиб қолишлари давомида чатишиб ҳозирги Ўрта Осиё халқлари вужудга келди.

...иқса эрамизгача турк тилида сўзлашувчи ... юэчжи ҳамда хунн уруғ ва қабилаларининг Ўрта Осиёга келиши шу жойларда туркий тилда сўзлашувчиларнинг кўпайиб боришига имконият туғдирди.

Ф.Энгельснинг "Биз тарихни қанчалик ичкарига кириб текширсак, келиб чиқиши бир бўлган халқлар ўртасидаги фарқларнинг шунчалик кўп йўқолиб боришини кўрамиз"[2], деган фикри қадимги туркий халқлар ва уларнинг тилларига ҳам бевосита тегишлидир.

Демак, эрамизнинг УI асригача шу жойларда яшаган уруғ ва қабилаларнинг ёзувлари тўғрисида маълумот берадиган бирорта манба бизгача етиб келмаган бўлса ҳам,[3] Сибирь, Ўрта Осиё ва Қозоғистон территориясининг қадимги харитаси қадимги туркий тил ҳақида маълум тасаввур туғдириш имкониятига эга.

Эрамизгача ва эрамизнинг УI асригача Сибирь, Ўрта Осиё, Ғарбда яшаган уруғ ва қабилалар, уларнинг этник состави, тили тўғрисида гап борганда илмий адабиётларда "Олтой тили даври"[4] деган термин кўп ишлатилади. Бу ҳақда Б.Я.Владимирцев

---

[1] В.М.Абдиев. Юқоридаги асар,600- бет.

[2] Иқтибос қуйидаги асардан олинди: Н.Маллаев . Ўзбек адабиёти тарихи, Тошкент, I969, 30- бет.

[3] В.В.Бартольд. История турецко-монгольских народов. Ташкент, I928, стр 5I.

[4] Н.А.Баскаков, Тюркские языки. ИВЛ, М.. I960,с.29.

www.ziyouz.com kutubxonasi

шундай ёзади: "Мўғул, турк, тунгус тиллари умумий ўтмишга эгаки, уни шартли равишда "олтой тили" деб аташ мумкин. Ҳозир олтой тили маълум эмас, лекин олтой тиллари, яъни мўғул, турк, тунгус тиллари борки, улар ўша тилнинг тараққиёти натижасида пайдо бўлгандир"[1], яъни дифференциация процесси натижасида генетик жиҳатдан бир бўлган бир неча адабий тиллар юзага келди. Туркий, мўғул ва тунгус-манчжур тилларида қадимги олтой тилининг фонетик, лексик, грамматик хусусиятлари давом этган деб тахмин қилиш мумкин.

Эрамизнинг IУ асрида Ўрта Осиёда эфталитлар давлати ҳукм сураётган бир даврда Олтойда кўчманчиларнинг бир давлати вужудга келади. Бу давлат тарихда Турк ҳоқонлиги билан машҳурдир.

Турк ҳоқонлигига Булғория, Ҳазар, Хоразм, Кидан ва бошқа давлатлар қараган[2].

Турк ҳоқонлиги Шарқий Туркистон , Еттисув, Суғдиёна, Тибет, Тогон каби жойларни ўзига бўйсундиради. Шунингдек, шимолий Хитойдаги обод ўлкалар турк ҳоқонлигининг шиддатли ҳужумлари натижасида таслим бўлади.

Турк ҳоқонлиги кейинчалик Ғарбий ва Шарқий ҳоқонликка бўлинади. Бу жойларда уйғур, қорлуқ, басмил, суғд, тургеш, болгар, ҳазар ҳамда уларга яқин қирғиз , қуриқан ва бошқа шу каби уруғ, қабилалар яшаганлар[3] .

Афсуски, турк ҳоқонлиги даврида яшаган уруғ ва қабилалар ҳамда уларнинг этник состави, тиллари тўғрисида маълумот кам, шу кунгача қадимги туркий адабий тилнинг шаклланишида қайси қабилалар тили етакчи роль ўйнаганлиги ҳам ҳозирча ноаниқ.

Бу даврда турк ҳоқонлигининг кенг омма учун мўлжалланган ўз ёзуви бўлган ва бу ёзув битилган бир қанча обидалар бизгача етиб келган. Ана шу обидаларда турк ҳоқонлиги тасарруфида турк, аз, оғуз , бокли, тупут, қирғиз, қуриқан отуз татар, татаби, қарлуқ, қипчоқ, чигил, танғут, уйғур, суғд , қитаний ва бошқа бир қанча уруғ ва қабилалар истиқомат қилганлиги қайд этилади[4].

---

1 Б.Я.Владимирцев. Сравнительная грамматика монгольского письменного языка и халхасского наречия. Л.,1929,с.45.

2 Л.Н.Гумилев. Древние тюрки. М.,1967,с. 27.

3 Л.Н.Гумилев. Юқоридаги асар,с.127.

4 С.Е.Малов. Памятники древнетюркской письменности. М.-Л., 1951,с.353-[illegible].

www.ziyouz.com kutubxonasi

Турк ҳоқонлиги даврида аҳоли суғд ва турк рун ёзувларидан, айни пайтда туркий ва сўғд тилидан кенг фойдаланганлар. Бу ёзувлар Сибирь, Мўғулистон, Шарқий Туркистон, Ўрта Осиё, Волга бўйи, Венгрия, Кавказ территориясида тарқалган.

УП асрнинг охири УШ аср бошларида араб истилочилари Эрон, Хуросон, Мовароуннаҳр ва бошқа мамлакатларни босиб ола бошлайди, босиб олган жойларда ўз ёзуви ва тилини маҳаллий аҳолига мажбуран сингдира бошлайди.

Аммо араблар босиб олган территорияларда ҳам туркий қабилалар йўқ бўлиб кетмади, аксинча, аввалгидек ўз мавқеи ва тараққиётини сақлаб қолди. Маҳмуд Кошғарий "Девону луғатит турк" (XI аср) асарининг "Турк қабилалари ва қабилаларнинг баёни ҳақида" деган бўлимида "Турклар аслида йигирма қабиладир. Улар ҳаммаси Нуҳ пайғамбар ўғли Ёфас, Ёфас ўғли Туркка бориб тақаладилар , Булар "Рум" авлодининг Иброҳим пайғамбар ўғли Исҳоқ, Исҳоқ ўғли Ису Румга бориб тақалишига ўхшайди. Ҳар бир қабиланинг саноқсиз аллақанча уруғлари бор, мен булардан асосини, она уруғларини ёздим, шоҳобчаларини ташладим... Шарқдан бошлаб ҳар бир қабиланинг турар жойларини бирин-кетин тартиб билан кўрсатдим. Румдан кунчиқаргача бўлган мусулмон ва бошқаларни зикр қилдим. Румга яқин биринчи қабила байнак, сўнг қипчоқ, оғуз, ямоқ, бошқирт, басмил, сўнг қай, сўнг йабақу, сўнг татар, сўнг қирғиз келади. Қирғизлар Чин яқинидадир. Бу қабилалар ҳаммаси Рум ёнидан кун чиқаргача чўзилгандир. Сўнг чигил, сўнг тухсу, сўнг йағма, сўнг иғрақ, сўнг ярақ, сўнг нумул, сўнг уйғур, сўнг тангут, сўнг хитой. Хитой "Чин"дир. Сўнгра Тавғач, бу "Мочин"дир.

Бу қабилалар жануб ва шимол ўртасидадир"[I], деб туркий қабилалар географияси ва келиб чиқишини кўрсатади. Туркий қабилаларнинг генезиси ҳақидаги М.Кошғарийнинг фикри афсонавий характерга эгадир.

Жануб ва Шимолда яшаган қабила ва уруғлар , М.Кошғарийнинг кўрсатишича, бир неча тилларда гапира олганлар: "Мочинликлар ва чинликларнинг алоҳида тиллари бор бўлса ҳам, шаҳар-

---

I М.Кошғарий. Девону луғотит турк. Тошкент,1960, 64- бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ликлар туркчани яхши биладилар, бизлар билан ёзишмалари туркчадир.

... Тубутларнинг тиллари алоҳидадир. Шунингдек, хўтанликларнинг ҳам ёзувлари ва айрим тиллари бор. Тубутликлар ҳам, хутанликлар ҳам туркчани яхши билмайдилар... Шунингдек, қай, ябақу, татар, басмил қабилаларининг ҳар бирининг тили ўзига хосдир. Шу билан улар туркчани ҳам яхши биладилар. Қирғиз, қипчоқ, оғуз, туғси, йағма, чигил, иғроқ, ёруқ тиллари туркчадир. Яман вабошқирт тиллари буларга яқиндир. Румгача чўзилган булғор, сувор, баянаклар тили бир хилдаги сўзларнинг охири қисқартирилган бир туркчадир...

Баласағунликлар суғдча ва туркча сўзлайдилар. Тираз (Толос) ва Матунатулбайза шаҳарларининг халқлари суғдча ҳам туркча сўзлайдилар"[2].

Бу маълумотлар Сибирь, Ўрта Осиё, Қоғозистон, Шарқда цивилизация жуда қадимдан бўлганлигини ва аҳоли бир неча тилларда гаплашганлигидан далолат беради.

Эрамизнинг УI асридан кейин бизгача бир қанча ёзма ёдгорликлар етиб келган. Бу ёзма ёдгорликларни ўрганиш орқали туркий халқлар яшаган жойларни ва уларнинг тилларини билиш мумкин бўлади.

Эрамизгача ва эрамиз бошларида шу жойларда яшаган уруғ ва қабилалар ҳозирги кунда СССРда, чет элларда яшаётган туркий халқларнинг ота-боболаридир.

## ҚАДИМГИ ТУРКИЙ ТИЛНИ ЎРГАНИШГА АСОС БЎЛАДИГАН ЁЗМА ОБИДАЛАР

УI-ХIУ асрларда Сибирь, Мўғулистон, Шарқий Туркистон, Ўрта Осиё, Волга бўйи, Кавказ ва бошқа жойларда яшаган қадимги туркий уруғ, қабилалар суғд, турк-рун, уйғур, брахма, моний ва араб ёзувларидан кенг фойдаланганлар. Бу ёзувларда туркий тилда бир қанча ёзма обидалар битилган. Айниқса туркий-рун ёзуви бу жиҳатдан диққатни жалб қилади. Бу ёзувдаги обидалар тош,

---

I М.Кошғарий. Кўрсатилган асар. 66- бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

пиширилган лой, металл, ёғоч, қоғоз ва шунга ўхшаш материаллардан иборат[1].

Мазкур ёзма ёдгорликлар Лена, Олтой дарёлари бўйларидан, Монголия, Ўрта Осиёдан, Сибирнинг барча территориясидан топилган[2].

Ҳозирги кунда бу топилмалар Минусинск, Қизил, Абакан, Красноярск музейларида, Москвадаги тарих музейида, Хельсинкидаги миллий музейда, Ленинграддаги давлат Эрмитажида сақланмоқда[3].

Турк-рун ёзувида битилган ёзма ёдгорликларнинг катта қисми қабртошлардан иборат. Айни пайтда бу ёдгорликлар қадимги туркийларнинг мукаммал ёзма адабиёти ва қадимги туркий тилнинг ноёб дурдоналаридир. Бундай қабртошларга Тўнюқуқ битигтоши, Билга ҳоқон битигтоши, Ўнгин битигтоши, Кули чўр битигтоши, Мўюн чур битигтоши, Сужи битигтоши, Енисей битигтошлари ва бошқа бир қанча ёзма ёдгорликларни киритиш мумкин. Тўнюқуқ, Билга ҳоқон, Кули чур, Моюн чур битигтошлари – Уржун битигтошлари (Уркун дарёси бўйларидан топилгани учун), Сибирдан ва Монголиядан топилган баъзи ёдгорликлар Енисей битиглари деб юритилади. Ирқ битиги тексти эса синтактик қурилиши жиҳатидан Уркун ёдномаларидан ҳам, Енисей ёдномаларидан ҳам фарқ қилади[4].

Бу битигтошларни топиш ва лингвистик жиҳатдан ўрганишда рус, чет ва совет туркологларининг хизматлари беқиёсдир.

1692 йилда Николай Видзен қандайдир номаълум ёзувда ёзилган қабр тошга дуч келади.

Сибирь картасини олиб юрган рус олими Семён Ремезов Урхун ва Талас дарёлари соҳилида номаълум ёзувда битилган шундай қабр тошларни учратади[5].

1730 йилда Сибирда сургунда юрган швед офицери Филипп Иоган Страленберг Енисей дарёси бўйида қандайдир номаълум алфавит билан ёзилган қабр тошларга дуч келади. У Швецияга қайт-

---

[1] Н.Раҳмонов. Тошга битилган китоблар, Тошкент, 1983, 8-бет.

[2] Н.Раҳмонов. Тошга битилган китоблар, 7-8- бетлар.

[3] Н.Раҳмонов. Кўрсатилган асар, 7- бет.

[4] Қаранг: Н.Раҳмонов. Инсон руҳининг садоси.., 9-10-бетлар.

[5] В.М.Насилов. Язык орхоно-енисейских памятников.М., 1960, с. 7.

www.ziyouz.com kutubxonasi

гач, номаълум ёзувларнинг жадвалини нашр қилади.

Шундан сўнг Сибирда археологик ишларни олиб бориш учун Монголия ва Сибирга археологик экспедициялар ташкил қилинади. Қидирувлар натижасида бундай обидалар Урхун, Енисей дарёлари бўйларидан, Тува , Талас ва бошқа жойлардан хам топила бошланади. Айниқса, I889 йилда Н.М.Ядринцев бошчилигидаги экспедициянинг Монголияга қилган сафари Урхун обидаларининг бутун дунёга ёйилишига сабаб бўлди. У Қорақурум шахри харобалари яқинидан Култигин ва Билга хоқон бититтошларини топади. Сибирда топилган ёзма ёдгорликлар тўғрисида хар хил фикрлар мавжуд эди. Бу жойлардан топилган ёзма обидаларни Н.М.Ядринцев туркий уруғ ва қабилаларга мансуб эканлигини исботлади.

I896 йилда Елизавета Клеменц турмуш ўртоғи Дмитрий Клеменц билан Мўғулистонга борганда, Селенга дарёси соҳилидан Тўнюқуқ, I909 йилда Г.Расмтедт Мўюн, I912 йилда В.Л.Котвич Қули чур битигтошини топдилар. Хозиргача урхун-енисей обидалари Сибирь, Мўғулистон территориясидан кўплаб топилмоқда.

I891 йилда Россия фанлар академияси Сибирдаги ёзувларни топиш ва уни тўплаш учун археологлар группаси ташкил қилади ва академик В В.Радлов экспедиция раҳбари қилиб тайинланади. Экспедиция даврида тўплаган материаллари асосида у I892 йил турк рун ёзувлари атласини тузади ва чоп қилдиради[I].

В.В.Радлов ва Гейгель томонидан тўпланган материаллар асосида Дания фанлар академиясининг академиги Вильгельм Томсон биринчи бўлиб турк рун алифбосини аниқлайди ва Култигин битигтошини ўқийди.

В.В.Радлов хам ўзи мазкур ёдном билан шуғулланиб I894 йил I9 январда Россия фанлар академиясининг йиғилишида Култигин битигтошини ўқигэнлиги хақида маълумот беради[2].

Ана шундан кейин туркий рун графикасида ёзилган қабр тошлар туркий халқларга тегишлиги эканлиги яна бир марта исботланди.

------

I В.М.Насилов. Кўрсатилган асар, с. 9.

2 С.Е.Малов. Памятники древнетюркской письменности, М., I95I, с. I3-I5.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қадимги туркий тилнинг рун ёзувида битилган обидаларини ўқиш, турли тилларга таржима қилишда ва уларни чоп қилишда В.В.Радлов, В.Томсон, С.Е.Малов, Ҳ.Ўрқун, Т.Текин,Д.Россе, Х.Шедер, Ж.Клосон, А.Стейн, А.Қаюмов, И.В.Стеблева, Ғ.Абдураҳмонов, А.Рустамов ва бошқаларнинг хизматлари каттадир.

745 йилда турк хоқонлигининг Шарқий қисмини уйғурлар босиб олади. Энди урхун-енисей ёзувлари билан параллел равишда уйғур ёзуви ҳам қўллана бошлади.

Уйғур ёзувидаги ёдгорликларнинг аксарияти таржима асарлари бўлиб, турли диний ва фалсафий оқимларни ўзида ташийди. Бу ёдгорликларни қайси оқимлар... ифодалашига кўра моний ёдгорликлари, будда ёдгорликлари, хри... ...н ёдгорликлари каби турларга бўлиш мумкин.

Уйғур ёзувида битилган аксарият юридик ҳужжатлар Турфон текстлари номи остида юритилади[I].

Хуастуанифт (Монавийларнинг тавбаномаси) моний ёдгорлиги, Олтин ёруқ будда ёдгорлигидир.[2]

Уйғур ёзувидаги туркий ёдгорликларни топишда ва турли тилларга таржима қилишда, лингвистик томондан ўрганишда В.В.Радлов, С.Е.Малов, А.Штейн, А.Лекок, П.Пеллио, К.Мюллер, Э.Р.Тенишев, Л.Тугушева ва бошқаларнинг хизматлари улкандир.

Араб ёзуви Мовароуннаҳрда қатъийлашган пайтда ҳам, уйғур ёзуви араб ёзуви билан параллел равишда қўлланаверди. Жумладан Қутадғу билиг", "Ҳибатул-ҳақойиқ"нинг араб ёзувидаги нусхаси билан бирга уйғур ёзувидаги нусхаси ҳам бор.

"Қутадғу билиг"нинг Вена нусхаси (уйғур графикасидаги)ни топган олим Хаммер Пургштал бўлиб, уни Венадаги Қирол кутубхонасига топширади. Асарнинг иккинчи нусхаси I897 йилда Қоҳирада топилган ва фанда Қоҳира нусхаси деб юритилади. Бу нусха ХУ асрда араб ёзувида кўчирилган.. Учинчи нусхаси I9I4 йилда Наманганда топилган ва Наманган нусхаси деб юритилади. Бу нусха ҳам араб

---

I С.Е.Малов. Кўрсатилган асар, 200-20I- бетлар.

2 Ғ.Абдураҳмонов, А.Рустамов. Қадимги туркий тил, I47-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ёзувида ёзилган бўлиб, ЎзССР ⸗анлар академияси Шарқшунослик институтида сақланади.

"Девону луғотит-турк" асари Маҳмуд Кошғарий томонидан 1076–77 йилларда ёзилган. Асарнинг 1915 йилларда нашр этилган нусхаси асосида С.Броккельман немис тилига (1939), Басим Аталай эса турк тилига (1928) ва турк тилидан С.Муталлибов ўзбек тилига (1960–63) таржима қилди.

Аҳмад Югнакийнинг "Ҳибатул-ҳақойиқ" асарининг биринчи нусхасини биринчи жаҳон уруши йилларида турк олими Нажиб Осим Истамбулда топади. Асар уйғур ёзувида кўчирилган, сўзларга арабча ва форсча изоҳлар берилган. Асарни у 1916 йилда турк тилига таржима қилади.

Хоразмийнинг "Муҳаббатнома" асари, Лутфийнинг айрим ғазаллари,"Ўғузнома", "Тазкиратул-авлиё", "Меърожнома" каби асарлар ҳам шу даврларга тегишли бўлиб, уйғур ёзувида битилгандир. Бу асарларнинг фонетик, лексик ва грамматик хусусиятлари УI-ХIУ асрларда яратилган асарлар тилидан деярли фарқ қилмайди.

Уйғур ёзувидаги туркий ёдгорликлар тўғрисида С.Е.Малов шундай деган: "Бу ёдгорликлар ёки бу ёдгорликларнинг тиллари кўпчилик туркий тилларнинг қадимги тарихи учун умумий тарихий асос бўлиб хизмат қилади"[1].

## ГРАФИКА

### 1. ТУРК РУН ГРАФИКАСИ

Турк рун ёзуви ўнгдан чапга қаратиб ёзилган, мазкур ёзувнинг келиб чиқиши тўғрисида туркологик адабиётларда ҳар хил фикрлар учрайди. Баъзилар турк рун ёзуви суғд ёзувидан келиб чиққан десалар, айримлар паҳлавий ёзувидан олинганлигини қайд қиладилар[2]. Бироқ ҳозиргача турк рун ёзувига асос бўлган ёзув ҳақида етарли далиллар йўқ.

---

[1] С.Е.Малов. Юқоридаги кўрсатилган асари, с.15.

[2] Кормушин И.В. К основным понятиям тюркской палеографии, "Советская тюркология", , Баку, 1979, № 2.

www.ziyouz.com kutubxonasi

## Турк рун алфавити



| №№ | англатган товушлари |
|---|---|
| I. | А, ә |
| 2. | Э енисей ёдномаларида |
| 3. | Б |
| 4. | Ғ |
| 5. | Г |
| 6. | Д |
| 7. | З |
| 8. | Ы, И |
| 9. | Й |
| I0. | Қ |
| II. | К |
| I2. | Л |
| I3. | ЛТ |
| I4 | М |
| I5. | Н |
| I6. | Н |
| I7. | НЙ |
| I8. | НТ |
| I9. | НЧ |
| 20. | Ө |
| 2I. | О |
| 22 | П |
| 23. | Р |
| 24. | С |
| 25. | Т |
| 26. | Ч |
| 27. | Ш |
| 28 | арт |

### УНЛИЛАР

Қадимги туркий тилда 8 та унли фонема бўлиб, 4 та белги билан ифодаланади. Булар қуйидагилардир:

A I. 𐰀 – белгиси. Бу фонеманинг 𐰁 𐰂 каби шакллари ҳам бўлган. Бу ҳарф тил олди ә ва тил орқа а товушини билдиради, ҳар иккиси ҳам лабланмайди ва кенг унли, сўз бошида

www.ziyouz.com kutubxonasi

ва ўртасида кўпинча бу унлилар ифодаланмайди: 𐰯𐰀 (апа) (Кт.), 𐰣𐰍𐰴 (қаған) (Ен.) 𐱃𐰦 (анта) (Кт.) 𐰼𐰃𐰭𐰓 (тaң ри ) (Кт.)

Енисей ёдномаларида 𐰀 𐰁 белгилари билан бир қаторда 𐰁 𐰀 каби белгилар ҳам тил олди, лабланмаган, кенг ә унлисини ифодалаган.

Масалан: 𐰀𐰠𐰃𐰢 (әлимә ) 𐰀𐱁𐰃𐰢 (әшим) ва бошқалар.

Мазкур белгилар баъзан б ундоши функциясида ҳам ишлатилади. Масалан: 𐰏𐰀 (бәг) (Уй.) 𐰍𐰭𐰆𐰞𐰉 (булуңығ) (Ун.) ва бошқалар.

Ы, И 2. 𐰃 белгиси. Бунинг 𐰃 шакли ҳам мавжуд. Бу фонема икки функцияни – тил орқа, лабланмаган, тор унли, ва тил олди, лабланмаган, тор унли функциясини бажарган. Транскрипцияда Ы ва И деб қабул қилинган. Масалан: 𐰃𐰑𐰃𐰶𐰃𐱃 (қатығды) (Кт.) 𐰃𐰚𐰃𐰼𐰃𐰋 (бирики) (Тўн) 𐰼𐰃𐰖 (йир) (Бх) ва бошқалар.

О, У 3. 𐰆 –белгиси. Бу фонеманинг 𐰆 шакли ҳам мавжуд. Бу фонема икки функцияни, биринчидан, тил орқа, лабланган, ўрта кенг унли, иккинчидан, тил олди, лабланган, тор унли функциясини бажарган. Транскрипцияда О ва У деб қабул қилинган.

Масалан: 𐰕𐰆𐰍𐰆 (оғуз) (Тўн.) 𐰕𐰆𐰴𐰆𐱃 (тоқуз) (Бх) 𐱁𐰢𐰞𐰆𐰉 (болмуш) (Кт.) ва бошқалар.

4. 𐰇 – белгиси. Бу фонеманинг 𐰇 𐰇 каби шакллари ҳам бор. Бу фонема ҳам икки функцияни – тил олди, лабланган, ўрта кенг унли ва лабланган, тор унли товушни ифодалаган. Транскрипцияда ө ва Ү деб қабул қилинган. Масалан: 𐰢𐰏𐰇 (өгум) (Тон) 𐰤𐰇𐰚 (күн) 𐰚𐰇𐰼𐰇𐱅 (турук) (Кт) ва бошқалар.

## 2. УНДОШЛАР[I]

Юқорида қайд қилганимиздек турк рун графикасида 29 ҳарфнинг қаттиқ ва юмшоқ вариантлари бор. Булар қуйидагилардир:

Б I. 𐰉 –белгиси. Бу фонеманинг 𐰋 𐰋 𐰉 шакллари ҳам бор. 𐰉 шакли тил орқа унлиси бор бўғинда, 𐰋 𐰋 шакллари эса тил олди унлиси бор бўғинда ишлатилади. Транскрипцияда б деб қабул қилинган. Масалан: 𐰣𐰆𐰑𐰆𐰉 ( бодун ) (Кт.),

---

I Ундош товушларнинг турли кўринишлари F.Абдурахмонов ва А.Рустамовларнинг "Қадимги туркий тил" (I7-I8= бетлар) дарслигида батафсил берилган. Биз бу ўринда актив қўлланган ҳарфларнигина кўрсатдик.

www.ziyouz.com kutubxonasi

𐰃𐰚𐰃𐰼𐰃𐰋 (бирики) (Кт.) ва бошқалар.

Ғ 2. 𐰍 –белгиси. Бу фонеманинг 𐰍 𐰎 шакллари мавжуд. Транскрипцияда ғ деб қабул қилинган. Масалан: 𐰣𐰍𐰴 (қаған) (Бх.), 𐰣𐰍𐰆𐰞𐰃 ва бошқалар.

Г 3. 𐰏 –белгиси. Унинг 𐰏 𐰐 шакли ҳам бор. Транскрипцияда г деб қабул қилинган. Масалан: 𐰏𐰉 (бағ) (Ен.) 𐰏𐰓𐰃 (тэ) ги)

Д 4. 𐰓 белгиси. Унинг 𐰑 𐰒 каби шакллари мавжуд. 𐰓 шакли тил олди унлиси бор бўлган бўғинда, 𐰑 𐰒 шакллари эса тил орқа унли бор бўғинда ишлатилади. Транскрипцияда д деб қабул қилинган. Масалан: 𐰣𐰆𐰑𐰆𐰉 (бодун) (Тўн) 𐰃𐰓𐰚𐰃𐰲𐰃 (ичикди) (Бх.) лар.

З 5. 𐰔 –белгиси. Унинг 𐰕 каби шакллари ҳам бор. Транскрипцияда з деб қабул қилинган. Масалан: 𐰔𐰍𐰆 (оғуз) (Кт.), 𐰔𐰢𐰾 (самиз) ва бошқалар.

Й 6. 𐰖 –белгиси. Унинг 𐰘 шакли ҳам мавжуд. 𐰖 шакли тил орқа унлиси бор бўғинда келади. 𐰘 шакли тил олди унлиси бор бўғинда келади. Транскрипцияда й деб қабул қилинган. Масалан: 𐰢𐰶𐰞𐰖 (йылқым) (Ен.), 𐰖𐰉 (бай) (Ен.) 𐰃𐰼𐰘 (йири) (Тўн.) ва бошқалар.

Қ 7. 𐰴 белгиси. Унинг каби шакллари мавжуд. Транскрипцияда қ деб қабул қилинган. Масалан: 𐰣𐰍𐰴 (қаған) (Кт.), 𐰸𐰆𐰖 (йоқ) (Кт.).

К 8. 𐰚 белгиси. Унинг каби шакллари мавжуд. Транскрипцияда к деб қабул қилинган. Масалан: 𐰚𐰲𐰚 (кэчэ), (Кт. 𐰚𐰺𐰇𐱅 (турук) (Кт.).

Л 9. 𐰞 белгиси. Унинг 𐰠 шакли ҳам бор. 𐰞 шакли тил орқа унлиси бор бўғинда келса, 𐰠 шакли тил олди унлиси бор бўғинда ишлатилади. Транскрипцияда л деб қабул қилинган. Масалан: 𐰣𐰞𐰍𐰆 (оғлан) (Кт.) 𐰃𐰲𐰠𐰀 (әлчи) (Ен.).

ЛТ 10. 𐱀 белгиси. Бу фонема товуш қўшилмасини ифодалайди. Транскрипцияда лт деб қабул қилинган. Масалан: 𐰢𐰃𐱀𐰶 (қылтым) (Тўн.), 𐰃𐱀𐰆𐰉 (болты) (Кт)

М 11. 𐰢 –белгиси. Унинг каби шакли бор. Транскрипцияда м деб қабул қилинган. Масалан: 𐰔𐰢𐰾 (сэмиз) (Тўн.), 𐰃𐰑𐰢𐰞𐰴 (қалмади).

Н 12. 𐰣 белгиси. Унинг 𐰤 каби шакллари бор. 𐰣 шакли тил орқа унлиси бор бўлган бўғинда, қолган шакллари эса тил олди унли бор бўлган бўғинда ишлатилади. Транскрипцияда н

www.ziyouz.com kutubxonasi

деб қабул қилинган. Масалан: (бодун) (иним) (кун) (сабымын).

Н 13. -белгиси. Унинг шакли ҳам бор. Транскрипцияда ң шаклида қабул қилинган. Масалан: (таңри) (Кт.), -(илинг )(Тўн).

Нй 14. -белгиси. Бу ҳарф товуш бирикмасини ифодалайди. Транскрипцияда нй деб қабул қилинган. Масалан: (анйыг) (кт.), (чығанй) (тўн.).

Нт 15. -белгиси. Унинг кабu шакллари бор. Товуш бирикмасини ифодалайди. Транскрипцияда нт деб ўқилади. Масалан: (анта) (кт.), (алқынты) (Бх.)

Нч 16. -белгиси. Бу ҳарф ҳам икки товушни ифодалайди. Транскрипцияда нч деб қабул қилинган. Масалан: (эринч) (кт.), (анчэ).

П 17. - белгиси. Бу ҳарф транскрипцияда п деб қабул қилинган. Масалан: (алп) (кт.), (қоп) (кт.) (сулэп) (кт.).

Р 18. -белгиси. Унинг кабu шакллари мавжуд, шакллари тил орқа унлиси бор бўғинда, шакли тил олди унлиси бор бўғинда ёзилади. Транскрипцияда р деб қабул қилинган. Масалан: (тэмир)(кт.) , (Қадырқан) (Кт.), (эрмис) (Бқ) ва бошқалар.

С 19. -белгиси. Унинг шакли ҳам бор. шакли тил орқа унлиси бор бўғинда ёзилса , шакли тил олди унлиси бор бўғинда ёзилади. Транскрипцияда с деб қабул қилинган. Масалан: (сабығ), (Тўн.) (болсар) (Кт.), (сыр).

Т 20. -белгиси. Бунинг кабu шакллари бор. шакли тил орқа унлиси бор бўғинда, қолганлари тил олди унлиси бор бўғинда ёзилади. Транскрипцияда т деб қабул қилинган. Масалан: (Тонйуқуқ)(тўн.), (табғач) ва шу кабилар.

Ч 21. -белгиси. Бунинг кабu кўриниши ҳам мавжуд. Бу ҳарф транскрипцияда ч деб қабул қилинган. Масалан: (кэнэ) (Бх ). (олтэ чи) (Бк.), (ичикди).

Ш 22. белгиси . Бунинг кабu шакллари ҳам бор. Транскрипцияда ш деб қабул қилинган. Масалан: (йыш) (сунуш).

www.ziyouz.com kutubxonasi

Турк рун графикасида в,ж,х,х,ф каби товушлар бўлмаган, шунинг учун бу товушларни ифодалайдиган белгилар ҳам бўлмаган. Урхун-енисей текстларида сўз ва сўз бирикмаларини бир-биридан ажратиб кўрсатиш мақсадида икки (:) нуқта ишлатилган (Енисей ёдномаларида эса ⅄ белгиси ҳам ишлатилган). Ундош товушларни ифодаловчи белгиларнинг кўп вариантга эга бўлиши ёзувнинг такомиллашганлигини ва сингармонизм қонуниятининг кучли бўлганлигини кўрсатади.

Қуйидаги белгилар ҳам бор: ⊔ ⊐ ⊓ ◇ белгилари. Булар кўп ўринларда ш ундошини ифодалаган. Масалан: ◇ȷ (саш), ⊃ȷ (баш) (Ен.).

◇ белгиси айрим ўринларда танглай товуши ң ни ҳам ифодалаган. Масалан: ⅄ΓΥ◇⅄ (қаңсиз) ⅄Υ◇>ȷ (буңсиз).

⊙ белгиси ң ундош фонемасини ифодалаган. Айрим ҳолларда эса нт товуш бирикмасини ифодалаган. Масалан: ⊙ȷ> (улуң).

## II. УЙҒУР ГРАФИКАСИ

Уйғур ёзуви XVII асргача араб ёзуви билан параллел равишда туркий халқларнинг асосий ёзуви ҳисобланган.

Уйғур ёзувида битилган обидаларни лингвистик томондан ўрганишда совет ва чет эл туркологлари В. В. Радлов, Г. Вамбери, В. Томсон, А. Лекок, К. Мюллер, С.Е. Малов ва бошқаларнинг хизматлари каттадир.

### УЙҒУР АЛФАВИТИ

| Уйғурча белгилар | | | Транскрипция |
|---|---|---|---|
| сўз бошида | сўз ўртасида | сўз охирида | |



А
Э
Ы/И
Ө/Ӱ
О/У
П
В
Г
Қ
Х

www.ziyouz.com kutubxonasi



К
Д
Ж
З
Й
Л
И
Н
Р
С
Ш
Ч

Уйғур графикасида I9 белги бўлиб, булар унли ва ундош фонемани ифодалаган. Баъзилари унли ҳам ундошни ифодалайди.

Уйғур ёзуви худди урхун-енисей ёзуви каби ўнгдан чапга қаратиб ёзилган.

## I. УНЛИ ФОНЕМАЛАР[I]

I. – белгиси. Бунинг кабн кўринишлари мавжуд бўлиб, шакли сўз бошида, шакли сўз ўртасида ва шакллари эса сўз охирида ёзилади. Транскрипцияда а деб қабул қилинган. Масалан: ай (ив), ажун

2. белгиси. Э унлисини ифодалайди. Транскрипцияда э деб қабул қилинган. Масалан: гэлсэ, элчи (Оё).

3. – белгиси. Тил олди и ва тил орқа ы унлисини ифодалайди. Транскрипцияда ы ва и деб қабул қилинган. Масалан: иним, пыжын (оё).

---

I Уйғур алифбосидаги унли ва ундош товушлар артикуляция ўрни ва усули жиҳатидан урхун алифбосидаги товушлардан фарқ қилмагани учун уларнинг ҳар бирига характеристика беришни лозим кўрмадик.

www.ziyouz.com kutubxonasi

4. و - белгиси. Бу ҳарф О ва У унлиларини ифодалайди. Транскрипцияда о ва у деб қабул қилинган. Масалан: ол, полуп.

5. ۉ - белгиси. Ө ва Ү унлиларни ифодалайди. Транскрипцияда Ө ва Ү деб қабул қилинган. Масалан: төртүнч, өз.

Уйғур ёзуви туркий тилнинг фонетик хусусиятини тўлиқ акс эттира олмайди. Жумладан, и, ү ва у унли фонемалари учун ҳарфлар бўлмаган. Шунингдек, тил олди, лабланмаган, ўрта кенг унли (ә) учун ҳам махсус белги йўқ. Бу фонемалар учун А, Э, Ы, О ва Ө унлилари учун олинган ҳарфлар ёзувда ишлатилаверган.

## . УНДОШ ФОНЕМАЛАР

Уйғур ёзувидаги ундош фонемалар қуйидагилардир:

1. ب - белгиси п ва б ундош фонемаларини англатади. Транскрипцияда П деб қабул қилинган. Масалан: паруп, суқлан.

2. و - белгиси. в ундошини англатади. Транскрипцияда в деб қабул қилинган: виристи, йалавач.

3. ق - белгиси х ва ғ товушларини ифодалайди. Транскрипцияда ғ деб қабул қилинган: оғлан, улуғ.

4. ق - белгиси. қ фонемасини ифодалайди. Транскрипцияда қ деб қабул қилинган: қачан, сақынч.

5. ﻫ - белгиси х товушини англатади. Сўз бошида ва сўз ўртасида ﺣ шакли, аммо ﺢ шакли эса сўз охирида ёзилади. Транскрипцияда Х деб қабул қилинган. Масалан: х и р ә д и с (М).

6. ك - белгиси. к ва г товушларини англатади. Транскрипцияда г деб қабул қилинган: тәгинали, кичиг.

www.ziyouz.com kutubxonasi

7. ꞌ, ꞌ – белгилари т ва д товушларини англатади. Транскрипцияда д деб қабул қилинган: дипэн, адурур.

8. – белгиси сирғалувчи ж товушини англатади. Транскрипцияда ж деб қабул қилинган: жуда, ажун.

9. – белгиси з, ӡ, баъзан ж товушини англатади. Транскрипцияда з деб қабул қилинган: биз, эзин.

10. – белгиси й ундошини, баъзан и, ы, э унлиларини англатади. Транскрипцияда Й деб қабул қилинган:

йоғ, пулэй.

11. – белгиси. Л товушини англатади. Транскрипцияда л деб қабул қилинган: оғлын, тугэл.

12. – белгиси. М фонемасини билдиради. Транскрипцияда м деб қабул қилинган: мана.

13. – белгиси н товушини ифодалайди ва транскрипцияда н деб қабул қилинган.

14. – белгиси р товушини ифодалайди. Транскрипцияда р деб қабул қилинган: бир, ара.

15. белгиси с товушини ифодалайди. Транскрипцияда с деб қабул қилинган: сиз, асра.

16. – белгиси ш товушини билдиради. Транскрипцияда Ш деб қабул қилинган: туш

Кўринадики, уйғур алифбосидаги б, т, к, х, н, ф каби ундош фонемаларни артикуляция ўрни жиҳатидан бир бўлган п, д, г, х, н каби товушлар учун қабул қилинган белгилар ифодалайверган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

## Ш. АРАБ ГРАФИКАСИ

XI–XIУ аорлардаги туркий ёзма обидалар араб ёзувида кўпроқ битилди.

### АРАБ АЛИФБОСИ

| Араб алифбоси | | | | Транскрипция |
|---|---|---|---|---|
| алоҳида кўриниши | оўз боши | оў[illegible] та | охирида | |
| ا آ | ا آ | ـا ـآ | ـا ـآ | А ә |
| | بـ | ـبـ | ـب | Б |
| پ | پـ | ـپـ | ـپ | П |
| ت | تـ | ـتـ | ـت | Т |
| ث | ثـ | ـثـ | ـث | С |
| ج | جـ | ـجـ | ـج | Ж |
| چ | چـ | ـچـ | ـچ | Ч |
| ح | حـ | ـحـ | ـح | Ҳ |
| خ | خـ | ـخـ | ـخ | Х |
| د | د | ـد | ـد | Д |
| ذ | ذ | ـذ | ـذ | З |
| ر | ر | ـر | ـر | Р |
| ز | ز | ـز | ـز | З |
| ص | صـ | ـصـ | ـص | Е |
| ض | ضـ | ـضـ | ـض | З |
| ط | طـ | ـطـ | ـط | Т |
| ظ | ظـ | ـظـ | ـظ | З |
| ع | عـ | ـعـ | ـع | Ъ |
| غ | غـ | ـغـ | ـغ | Ғ |
| ف | فـ | ـفـ | ـف | Ф |
| ق | قـ | ـقـ | ـق | Қ |
| ک | کـ | ـکـ | ـک | К |
| گ | گـ | ـگـ | ـگ | Г |
| ل | لـ | ـلـ | ـل | Л |

www.ziyouz.com kutubxonasi

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| م | ـم | ـمـ | مـ | М |
| ن | ـن | ـنـ | نـ | Н |
| ه | ـه | ـهـ | ه ھـ | А, Ҳ |
| و | ـو | ـو | و | В, У |
| ى | ـي | ـيـ | يـ | Й, И |

I. УНЛИ ФОНЕМАЛАР

Араб алифбосида унли фонемаларни билдирувчи асосан учта ҳарф бўлиб, улар қадимги туркий тилда аслида 9 та унли товушни ифодалаш учун ишлатилади. Булар: қуйидагилардир:

I. ا ҳарфи. Бу ҳарф а, ә фонемасини ифодалайди. Транскрипцияда ҳам а, ә деб қабул қилинган.

Масалан: ادگو (әдгу), کیتاب (китоб), تام (там), چاره (чара), اکا (әка), ارس (әрас).

Эслатма: Араб ёзувида آ ва ـَ шакллари ХУ асрдан кейин ёзувларда ишлатила бошланади. Масалан: مَن (Мән), (әвинчу) اوینچو каби.

ه ҳарфи сўз охирида унли товушлардан кейин келса, ҳ функциясини бажаради: شاه (шаҳ) (ЎК.), ماه (маҳ) ёки شه (шаҳ) (ЎК), مه (маҳ) (ЎК).

Булардан ташқари, араб графикасида ـَ белгиси ундош ҳарфлардан кейин қўйилиб, унли а,ә товушини ифода этган. Буни арабчада фатҳа, тожикчада забар деб атаганлар. Масалан: قَرَ (қара) (ДЛТ), یمک (йәмәк) (ДЛТ).

2. و ҳарфи. Бу шакл о,у, ө, ү каби фонемаларни ифодалаб, транскрипцияда ҳам шулар қабул қилинган. Аммо ишлатилишида маълум қонуният бўлган: I) و сўз бошида ва сўз охирида келганда в ундош фонемасини ифодалаган. وقت (вақт), وفا (вафо) یاو (йәв); 2) сўз бошида ا ва و келса, бу сўзнинг қаттиқ ва юмшоқлигига қараб о,у,ө,ү фонемаларни ифодалаган: اوکوش (өкуш) (ДЛТ), اوغان (оған) (ДЛТ),

www.ziyouz.com kutubxonasi

كوزى (кези) (ҲҲ).

Агар ундош ҳарфлардан сўнг устки қисмига (,) белгиси қўйилса, у вақтда ундошлардан кейин О,У,Ө. У унли фонемаларидан бири борлигини билдирган. Бундай , белги арабчада замма, тожикча пешдир дейилади: قوزرس (кузруо) (ДЛТ), توغب (туғуб) (ДЛТ).

3. ى ҳарфи. Сўзнинг қаттиқ ва юмшоқлигига қараб Ы ва И унли фонемасини, ёки Й ундошини ифодалайди ва транскрипцияда ҳам шу қабул қилинган.

Бу ҳарф сўз бошида келганда ундан олдин ا шакли ёзилади (сўзнинг ўзаги қаттиқ ва юмшоқлигига қараб ), Ы ва И деб ўқилади.

ايب (ып ёки ип), ايس (ис) ( Рабғ).

Сўз ўртасида келганда биринчидан, Ы, И, иккинчидан, Э (е) ва учинчидан, Й каби фонемаларни ифодалайди. Масалан: بيز (биз) (ДЛТ), بير (бир), (бер), زيرك (зийрак) ( Рабғ )

Сўз охирида ى ҳарфи ишлатилса, биринчидан, Ы, И, иккинчидан, ИЙ деб ҳам ўқилади. Масалан: قالى (қоли) (ДЛТ), علمى (илмий) (ҲҲ).

Ҳарфларнинг остки қисмига горизонтал чизиқча ـ қўйилса, сўзнинг қаттиқ ва юмшоқлигига қараб ы, и, э (е) каби унли фонемалардан бири қўшиб талаффуз қилинади. Буни арабча касра, тожикча зер деб аталади. Масалан: عيدم (айдим) (ДЛТ), علم (алым).

Унлиларни яна қуйидагича фарқлаш лозим:

I. Алифнинг ا устки қисмига диакритик белги ( آ )қўйилса, бу унли қаттиқ товушга айланади. Буни арабча мадд ёки мадда деб аталади.

## 2. УНДОШ ФОНЕМАЛАР

Араб ёзувида айрим фонемаларни билдирувчи ҳарф икки ва ундан ортиқ функцияни бажаради. Булар қуйидагилар:

ب ҳарфи, сўз бошида بـ, сўз ўртасида ـبـ, сўз охирида ـب шаклида ёзилади, б товушини ифодалайди. Транскрипцияда ҳам б деб кўрсатилади. Масалан: بيليب (билиб) (ҲҲ), بولور (болур) (ҲҲ), بير (бир) (ҲҲ).

www.ziyouz.com kutubxonasi

پ ҳарфи.

Сўз бошида پـ , сўз ўртасида ـپـ , сўз охирида ـپ шаклида ёзилади. п товушини ифодалайди. Транскрипцияда П деб кўрсатилади. Масалан: پک (пак) (Рабғ.), ایپک (ипак) (ҲХ).

ت ҳарфи. Сўз бошида تـ,

Сўз ўртасида ـتـ, сўз охирида ـت шаклида ёзилади, Т товушини ифодалайди. Транскрипцияда т деб кўрсатилади. Масалан: تولین ای (толин ай) (ҲХ), تون (тун) (ҲХ), یورتی (йурты) (ҲХ)

ث ҳарфи. С товушини ифодалайди. Сўз бошида ثـ, сўз ўртасида ـثـ, сўз охирида ـث шаклида ёзилади.

Транскрипцияда с деб қабул қилинган. Масалан: ثبت (сабат) (ҲХ), میثل (миол) (Қб), ثز (саз) (ҲХ), موثتقل (мустақил) (ҲХ).

ج ҳарфи ж товушини ифодалайди. Сўз бошида جـ, сўз ўртасида ـجـ , сўз охирида ـج шаклида ёзилади. Транскрипцияда Ж деб қабул қилинган. Масалан: جیبال (жибал) (Рабғ).

چ белгиси. چـ шакли сўз бошида, ـچـ шакли сўз ўртасида ва ـچ шакли эса сўз охирида ёзилади. Транскрипцияда ч деб қабул қилинган. Масалан: کوچ (куч) (Рабғ), کیچور (кичур) (Рабғ).

ح ҳарфи х товушини ифодалаб , сўз бошида حـ, сўз ўртасида ـحـ, сўз охирида ـح шаклида ёзилади. Транскрипцияда ҳ деб кўрсатилади: حاجب (ҳа жиб) (Қб.).

د ҳарфи. Ўзидан кейинги ҳарфга уланмай ёзилади, д товушини ифодалайди. Транскрипцияда д деб қабул қилинган. Масалан: دام (дом), (Рабғ.), قدیم (қадим) (Қб.), ادیبلر (эдиблэр) (Қб.),

ذ ҳарфи. дз товушини ифодалайди. Ўзидан кейинги ҳарфга уланмай ёзилади. Транскрипцияда з деб қабул қилинган. Масалан: عرض (арз) (ҲХ), ذولم (зулм) Рабғ.)

ر ҳарфи. Бу ҳарф р товушини ифодалаб, ўзидан кейинги ҳарфга уланмай ёзилади: رود (руд) (ДЛТ), حر (ҳар).

ز ҳарфи. Бу ҳарф ҳам ўзидан кейинги ҳарфга уланмай, сўзнинг ҳар уч ўрнида бир хилда қўлланади, з товушини ифодалайди: زر (зар), زار (зор),

www.ziyouz.com kutubxonasi

ژ ҳарфи. Бу ҳарф портловчи ж товушини ифодалаб, сўзнинг ҳар уч ўрнида бир хилда ёзилади. Транскрипцияда ж деб кўрсатилади: ژاله (жола).

س ҳарфи. Бу ҳарф с товушини ифодалаб, сўз бошида سـ, сўз ўртасида ـسـ, сўз охирида ـس шаклида ёзилади. Транскрипцияда с деб кўрсатилади: سرا (сара), سار (сор)

ش ҳарфи. Бунинг شـ шакли сўз бошида, ـشـ шакли сўз ўртасида, ـش шакли сўз охирида ёзилади, ш товушини ифодалайди. Транскрипцияда ш деб қабул қилинган. شهر (шаҳар) (Рабғ.), قیش (қыш) (Рабғ.)

ص ҳарфи. Бу ҳарф с товушини ифодалаб, сўз бошида صـ, сўз ўртасида ـصـ, сўз охирида ـص шаклида ёзилади. Транскрипцияда с деб кўрсатилади: صابر (сабр), صبر (сабр).

ض ҳарфи. Бу ҳарф з товушини ифодалаб, сўзнинг ҳар уч ўрнида ҳам ص ҳарфидек ёзилади: ضیافت (зиёфат).

ط ҳарфи. Бу ҳарф т товушини ифодалаб, сўз бошида طـ, сўз ўртасида ـطـ, сўз охирида ـط шаклида ёзилади. Транскрипцияда т деб кўрсатилади: طب (тибб), طرف (тараф).

ظ ҳарфи. Бу ҳарф з товушини ифодалаб, сўзнинг ҳар уч ўрнида ҳам ط ҳарфидек ёзилади: ظالم (золим).

غ ҳарфи. Бу ҳарф ғ товушини ифодалайди. Сўз бошида غـ, сўз ўртасида ـغـ, сўз охирида ـغ шаклида ёзилади. Транскрипцияда ғ деб қабул қилинган. Масалан: غربا (ғураба) (Қб.), غرغا (ғарға) (Рабғ), یرلیغ (жарлығ) (ДЛТ).

ف ҳарфи ф товушини ифодалайди. فـ шакли сўз бошида, ـفـ шакли сўз ўртасида ва ـف шакли сўз охирида ёзилади. Транскрипцияда ф деб қабул қилинган. Масалан: فاش (фаш) (ХХ). کولفیم (гулфәм) (Қб.), کیسیف (кесиф) (Рабғ.)

ق ҳарфи. Бунинг قـ шакли сўз бошида, ـقـ шакли сўз ўртасида ва ـق шаклдагиси эса сўз охирида ёзилади, қ товушини ифодалайди. Транскрипцияда қ деб қабул қилинган. Масалан: قانو (қану) (Рабғ), یوق (жоқ) (ХХ).

ک ҳарфи. Бунинг сўз бошида کـ, сўз ўртасида ـکـ ва ـک шаклдагиси сўз охирида ёзилади, к товушини ифодалайди. Транскрипцияда к деб қабул қилинган. Масалан: کیزلب (кэзләб) (ХХ), اینک (эңәк) (ДЛТ).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ل харфи. Л товушини ифодалайди.

Сўз бошида ل, сўз ўртасида ـلـ ва сўз охирида ـل ёзилади. Масалан: لوطف (лутф), قبل (қабыл).

م харфи. М товушини ифодалайди. Сўз бошида مـ, сўз ўртасида ـمـ, сўз охирида ـم шаклида ёзилади. Транскрипцияда м деб қабул қилинган. Масалан:

مادر (модар) (Рабғ.), گوفتم (гуфтам) (ХХ), قَمَر (қамар) (ХХ).

ن харфи н товушини ифодалайди. Сўз бошида نـ, сўз ўртасида ـنـ ва сўз охирида ـن шаклида ёзилади. Транскрипцияда н деб қабул қилинган. Масалан: نیز (ныйаз), نیگون (нигун).

ه харфи. Сўз бошида هـ, сўз ўртасида ـهـ ва сўз охирида ه, ـه шаклларида ёзилади. х, а товушларини ифодалайди. Транскрипцияда х деб қабул қилинган. Масалан: هید (хайид) (ДЛТ), هر (хар).

Араб алифбосида ёпиқ бўғинни билдириш учун бўғиннинг охиридаги ундош харфлар устига (о) белги қўйилади (буни сокин дейилади). Масалан یور (йур), گیر (гир) (ДЛТ). Ундошнинг такрорланганлигини ифодалаш учун харф устига ّ белгиси қўйилади. Бундай белги ташдид дейилади.

Харфнинг устки ёки остки қисмига зер, забар ва печ,пеш иккитадан ( ٍ ً ) қўйилса, танвин деб аталади. Танвин забар бўлса – ан, зерлик бўлса, ин, пешлик бўлса, ун деб ўқилади. Масалан: عولاً (аввалан)(Қб), (тахминан). تخمیناً

ФОНЕТИКА

УНЛИЛАР

Қадимги туркий тилда сингармонизм қонунияти мавжуд бўлганлиги учун саккизта унли товуш бор деб эътироф этиш мумкин. Булар: а, э, ы, и, о, у, ө, ү унлиларидир. Улар бир-биридан қатори, тор-кенглиги, лабланган ва лабланмаганлигига кўра фарқ қилади. Булардан а, ы, о, у тил орқа, тор унлилари бўлса, э, и, ө, ү эса тил олди, кенг унлилар хисобланади: а, э, ы, и лабланмаган, о, ө, у,ү лабланган унлилардир.

а – унлиси қаттиқ ўзакли сўзларда ишлатилади. Унинг график ифодаланиши бирдай бўлмаган. УІ-Х асрларда сўз бошида, сўз ўр-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тасида ишлатилмаган, сўз охирида эса доимо келган. График ифодаланмасада, бу товушни қўшиб талаффуз қилиш керак. Масалан: (а)ш ты(тун), қ(а)ғ (а)н (тун).

Баъзи обидаларда унинг "бузилиши"ни учратиш мумкин.[I] Жумладан, Тонйуқуқ, Енисей битигтошларидаги айрим сўзларда, а унлиси сўз бошида ёзилган. Масалан, ат сўзи ҳар икки вариантда - график ифодаланган ва ифодаланмаган кўринишда учрайди.

Х-ХIУ асрларда уйғур ва араб ёзувида а унлиси барча позицияда ёзилаверган: аңар (Оё), байақы (Оё), азығ (ДЛТ), азақ (ҲҲ), азуқ (ҲҲ), айа (Ҳ) каби сўзларнинг ёзилишида бу ҳодиса кузатилади. Бу қадимги туркийдаги ёзувларнинг ўзига хос хусусияти билан белгиланади.

... унлиси эса юмшоқ ўзакли сўзларда келади ва ишлатилиш позицияси қуйидагилар билан характерланади.

Уркун ёдномаларида сўз боши ва ўртасида аксарият ҳолларда ифодаланмайди. Аммо Х-ХI асрлар ёзма обидаларида (уйғур ёзувида) аксарият ҳолларда ифодаланади, фақат баъзи ҳолларда й(ә)мә (Оё), т(ә)ңри (Оё), м (ә)н (Оё) каби сўзларда ифодаланмаслиги мумкин, лекин талаффуз этилади.

Ы унлиси ҳам қаттиқ ўзакли сўзларда ишлатилган. Унинг ишлатиш позицияси бирдай бўлмаган.

УI-Х асрларда барча позицияда ишлатилган: ыд (тун), бың (Бх.). Аммо баъзан сўз ўртасида тушириб қолдирилган, ўқишда қўшиб талаффуз қилинган. Масалан: кырк (ы)з (Тун), қыл(ы) п(а) (Тун).

И унлиси юмшоқ ўзакли сўзларда ишлатилади. Бу фонема УI-Х асрлар тилида ҳамма позицияда ишлатилади, баъзан эса сўз ўртасида ёзилмайди, аммо қўшиб талаффуз қилинади. Масалан: Бишгә (Тун), илтә (Тун), й(и)р(и)п (Ен.),ич(и)к д (и)қ, (Бх).

Х-ХIУ асрлар тилида эса и унлиси ҳамма позицияда ишлатилган ва ёзилган. Масалан: иди (Оё), идиш (Рабғ.), иглиг (ҲҲ).

О унлисининг ифодаланиши эса УI-ХIУ асрлар учун бирдай. Масалан: огуз (Кт), қой (Кт), оғур (Рабғ.), қол (Рабғ.).

У унлиси қаттиқ ўзакли сўзларда ишлатилган. Бунинг ишлатилиши ҳам ҳамма позицияда бирдай бўлмаган.

---

I С.Е.Малов. Енисейская письменность тюрков. М.,-Л. 1952, с. 13-15.

www.ziyouz.com kutubxonasi

УI-Х асрларда ҳамма позицияда ишлатилган. Баъзан айрим ўринларда сўз ўртасида тушириб қолдирилган ва ўқишда қўшиб ўқилган. Масалан: ол(у)р т(у)м (Кт).

Х-ХI асрларда эса уйғур ёзувида худди ә унлиси каби хусусиятта эга: айрим ўринларда ёзилмайди[I]. Аммо ўқишда қўшиб талаффуз қилинади: тунлуғ (Оё), кум (у)з (Оё).

Аммо ХI-ХIУ асрларда барча позицияларда ишлатилаверган. Масалан: Унсур (Рабғ.), қусур (ДЛТ.).

ө унлиси юмшоқ ўзакли сўзларда ишлатилган.

УI - ХIУ асрларда барча позицияда ишлатилган. Масалан: өз (Бх), өрпән (Бх), төрусун (Кт), Орут (ДЛТ), төртәгу (Рабғ.), өксук (Рабғ.)

У҆ ҳам юмшоқ ўзакли сўзларда ишлатилган.

УI-ХIУ асрларда ҳамма позицияда ифодаланган. Масалан: учун (Бх), сунус (Кт), өз (у)м (Кт), өт(у)нч (у)к (Тўн), улуш (Рабғ), усу (ДЛТ), улугсуз (Оё), тулку (Қб).

Демак, уркун ёзуви консонант ёзув бўлганлиги учун кўпроқ шу ёдгорликларда унлиларнинг график жиҳатдан ифодаланмаслиги кўзга ташланади.

## УНДОШЛАР

Қадимги туркий тилдаги ундошларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

I. Сонорлар: л,м,н,нг,р,

2. Жарангли: б,г,д,з,ғ,й.

3. Жарангсизлар: п,т,с,ш,к,қ,ч.

Аввал таъкидлаганимиздек, уркун алифбосидаги айрим ҳарфлар товушлар бирикмасини ифодалайди. Бу бирикмалар жарангли ва жарангсиз товушлар бирикмасидан иборат: булар лт, нй, нт ва нч товуш бирикмаларидир. Бундай хусусият уйғур ва араб алифбосида учрамайди.

Уйғур ёзувидаги ундошларни ҳам қуйидагича таснифлаш мумкин:

I. Сонорлар: л,м,н,нг, р

2. Жарангли: д,ж,з,ғ,й,г.

3. Жарангсизлар: п,с,ш,ч,қ,х,ф,т,к

Араб ёзувидаги туркий тилдаги товушлар ҳам худди шу нуқ-

---

[I] С.Е.Малов. Юқоридаги асар, с. 125.

www.ziyouz.com kutubxonasi

тан назардан таснифланади.

Бу ундош фонемаларни артикуляция ўрнига кўра қуйидагича классификация қиламиз:

I. Лаб товушлари. Булар ўз навбатида икки группага бўлинади: лаблаб товушлари – б,п,м; лаб-тиш товушлари –в,ф.

Лаб-лаб, лаб-тиш ундош товушларининг ишлатилиш позицияси бу даврларда бир хил бўлмаган.

УI–Х асрларда б,п,м лаб-лаб ундошлари бўлган. Аммо в,ф каби лаб товушлари бўлмаган; Бу товушлар бири ўрнида иккинчиси ишлатилаверган. Масалан: бән (түн), мән(Кт), әгрип (Кт), тәп (Оё).

В,Ф ундош товушлари ўрнида ҳам б,п. товушларидан бири ишлатилган: суб (Кт).

Бу ҳодисани В ва Ф товушларининг ўрин алмашиб ишлатилишида учратиш мумкин. Масалан: суф (Қб).

Лаб ундош товушларининг алмашиниб қўлланиши тўғрисида Маҳмуд Қошғарий шундай деган: "Сўз бошидаги м ҳарфини ўғузлар, қипчоқ ва суварлар б га айлантирадилар. Масалан, турклар мән бардым десалар, улар бән бардум дейдилар"[I].

Демак, булардан кўринадики, қадимги туркий тилда лаҳжаларда бўлган фарқлар қадимги туркий адабий тилда ҳам ўз аксини қолдирган.

2. Тил олди ундошлари. Т,Д,С,з,л,р,ш,ж,ч,й каби тил олди товушларининг ишлатилиш позициялари ҳам турличадир.

Масалан, т ва д ундошлари бир-биридан жарангли ва жарангсизлиги билан фарқ қилади. Маҳмуд Қошғарийнинг қайд қилишича ҳам, ўша давр тилида т ва д бир-биридан фарқ қилган ҳолда қўлланган. У ёзади: "Туркий қабилаларнинг кўпгина сўзларидаги д ҳарфи ўғузларда т бўлади. Масалан, ханжарни турклар бәгдә десалар, улар (ўғуз, қипчоқлар) бәктә, турклар йигдә десалар, ўғузлар йигтә дейдилар"[2]. Ибн Муҳанна ҳам шу фикрга қўшилади.

Бу даврнинг фонетик хусусиятларидан бири т ва д ундош фонемаларининг қатор келмаслиги, аниқроғи жуфт ҳолда қўлланмаслигидир. Шунингдек, жарангли сонор товушлардан кейин ҳам жарангсиз ундошлар қўлланаверган: Масалан: йәти (Кт.),сакиз (Кт) урты (Қб), олурты (Түн).

---

[I] М.Қошғарий, Девону луғотит турк, 67- бет.

[2] М.Қошғарий, Юқоридаги асар, 67- бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кўп ўринларда с ундоши ўрнида ш ундоши, д ундоши ўрнида з ундоши ёки з ўрнида й ундоши алмашиниб ишлатилаверган. Масалан: өкус (тўн), өкуш(Кт), мис (Тўн), -маш (Кт), адақ (Қб), азақ (ХХ), айақ ва шу кабилар. Айниқса XI-IУ асрларда з ва й ундошларининг параллел ишлатилиши шуни кўрсатадики, з ундоши й га ўта бошлаган[I].

Баъзи жарангсиз т ундошидан олдин л товуши тушиб қолган. Масалан: Кэлтурди (Бх), кэтурди (Кт). "Ҳибатул-ҳақойиқ"да ҳам шу ходиса бор.

Тил олди ч,ж ундошлари XI-XIУ асрларда параллел қўллана бошлаган . Унгача эса ж нинг функциясини ҳам ч товуши бажарган: ажун-ачун (Х.Х ).

Баъзан й товуши н га айланади. Масалан: Қой ~ қон; қайу~ қану ва шу кабилар. Баъзан сўз бошида келганда ж товуши билан алмашинади: инжу жинжу, йиғду ~ жуғун (ДЛТ). Кўп ўринларда туширилиб қолдирилади: йилэн - илэн (ДЛТ), йылығ ылығ (ДЛТ).

Баъзан сўз бошида й орттирилади: азуқ ~ йозуқ (ДЛТ).

Тил орқа ундошлари. А.К.Боровковнинг фикрича, унли товушлардан аввал жарангсиз қ,к товушларининг ишлатилиши ва шунингдек, жўналиш келишиги аффиксининг кўпинча жарангсиз ундош билан келиши ўша давр тилининг энг характерли хусусиятлари бўлиб,у илгаридан давом этиб келган жарангсизланиш тенденциясининг бир кўриниши хисобланади.

П.М.Мелиоранский ҳам унли товушлар ўртасида жарангсиз қ,к товушларининг ишлатилиши энг қадимги ходиса эканлигини кўрсатади.

Қ ва к товушлари сўз бошида, сўз ўртасида ва сўз охирида бир-бирининг эши сифатида ҳам алмашиниб қўлланган. Бундай хусусият кўпроқ к ва г товушларида учрайди: Көз~гоз , гул ~ кул ва бошқалар. Баъзан ғ товуши сўз охирида туширилиб қолдирилади: арық ~ ары, тамғақ ~ тамақ ~ тамак, боңлығ ~ боңлы, қулғақ ~ қулақ.

Баъзан сўз ўртасида орттирилади. Масалан: оғлақ (улоқ) (ДЛТ).

---

I Қаранг: Қ.Махмудов. Ахмад Югнакийнинг "Ҳибатул-ҳақойиқ" асари ҳақида, Тошкент, 1972, 73- бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Фонетик ходисалардан энг характерлиси в товуши ўрнида ф товушининг қўлланишидир. Масалан: Сав ~ саф, эв ~ эф.

В ундоши ўрнида ф товушининг ишлатилиши "Қутадғу билиг" (Наманган нусхасида) ва "Қиссасул-анбиё" да кўпроқ учрайди: Сафмаз (севмас) (Қб).

Ф товуши туркий тилларда йўқ. Бу товуш араб тилидан ўзлаштирилгандир[1]. Шу сабабли кейинги йилларда ёзилган обидалар тилида учрайди.

Х ундоши УI-XI асрлардаги ёзма обидаларда учрамайди, XI-XIУ асрлар даврида яратилган ёзма обидаларда эса ўз ифодасини топган.

Баъзан сўз унли билан бошлангачда шу унлидан олдин х ундоши орттирилган: ана ~ хана . Бундай фонетик ходиса Хитой ва Хиндистонга яқин территорияда яшаган туркий уруғ-қабилалар тилларида кўпроқ учрайди.

Махмуд Қошғарийнинг кўрсатишича, х товуши аслида туркий тилга тегишли товуш эмас, бу товуш туркий тилларга хинд тилидан кириб келган[2].

От ва сифат негизлари г,к билан тугаб, қўшимчалар орттирилган тақдирда хам ўзгаришсиз қолади: Масалан: йағы (Кт) буйруқы (Тўн), йонгашуртуқын (Кт).

## СИНГАРМОНИЗМ

Қадимги туркий тилда сингармонизм қонуни амалдаги қонуният бўлган. Бу даврда биринчи бўғиннинг қаттиқ ёки юмшоқлигига , кўра сўз ёки бутун бир жумла қаттиқ ёки юмшоқ талаффуз қилинган. Масалан: көрур көзум көрмэзтэг, билир билигим билмэз тэг болты (Кт.) . Шу жихатдан сингармонизмнинг икки тури мавжуд: танглай гармонияси ва лаб гармонияси.

Биринчи тип унли товушларнинг қаттиқ ўзакли бўлиши туфайли, иккинчи типи эса юмшоқ ўзакли бўлиши туфайли келиб чиқади. Буларни қуйидаги жадвалда хам кўриш мумкин.

| Тил орқа қатор унлилари иштироки | Тил олди қатор унлилари ишт-ки |
|---|---|
| йағыз (Кт), бодуныы(Кт). қылынчы (Кт) | Йигирми (Бх), сулэдим (Бх). кэлти (Бх) |

[1] Махмуд Кошғарий. Девону луғотит-турк. 49- бет.
[2] Шу асар, 49- бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Демак, сингармонизм қонунида сўзнинг биринчи бўғинидаги унли фонема қандай бўлса, қолган бўғинида ҳам шу унли фонемага мослашади, яъни сўзнинг биринчи бўғинида тил орқа унлиси бўлса, унинг ҳамма бўғинларида ҳам тил орқа унлиси бўлади. Сўзнинг биринчи бўғинида тил олди унлиси бўлса, қолганларида ҳам тил олди унлиси бўлади.

Қадимги туркий тилда сингармонизм қонуниятининг баъзан бузилганлиги ҳам кузатилади. Масалан: кишиға ~ кишигә (ҲҲ), кәмлығ ~ кәмлиг (Рабғ.). Лекин ёпиқ бўғинли сўзларда лабланган унлиларнинг ишлатилиши доимий ҳодиса сифатида сақланиб қолди. Лаб гармонияси кўпроқ феълнинг шахс-сон формаларида учрайди. Шунингдек, эгалик, сўроқ юкламаси , равишдош, сифатдош,феъл замонлари, тартиб сонлар қўшимчаларида ҳам кўринади. Масалан: өзум, өзуң,ичикдим, олур ва ҳ.

Маҳмуд Кошғарий лабланган ва лабланмаган унлиларнинг ўрни ҳақида фикр юритиб, бунга ўтган замон феълининг биринчи шахс бирлигини мисол қилиб келтиради. Унинг маълумотларига кўра, феълнинг бу формаси туркларда бардым, ўғузларда эса бардум шаклига эга[I].

Бундан кўринадики, ўша даврдаёқ диалектларда сингармонизм қонунининг бузилиши бошланган.

## ЛЕКСИКА

Қадимги туркий тилнинг лексик қатлами дейилганда, ўша давр тили луғат составида бўлган барча сўзлар йиғиндиси назарда тутилади.

Қадимги туркий тилнинг лексикаси ҳам фонетика ва морфология билан чамбарчас боғлиқдир.

Қадимги туркий тил лексикасини ўрганишда ҳар бир сўзнинг тарихан ҳосил бўлиши, унинг эволюцияси ва семантик тараққиётига эътибор берилади. Чунки қадимги туркий тилнинг луғат составидаги ҳар бир сўз ўз этимологияси ва қўлланиш хусусиятига эга.

Қолаверса, қадимги туркий тилдаги сўзларни семантик группалаш уларнинг маъно хусусиятларини тўлиқроқ тасаввур қилишга, қадимги туркий тилнинг лексик қатламини билишга ёрдам беради.

---

[I]Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит-турк, I том, 378- бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу эса ўз навбатида ҳозирги туркий тиллар лексик қатламининг қай даражада тараққий этганлигини билишга ҳам кўмаклашади.

Совет ва чет эл туркологлари томонидан қадимги туркий тилнинг фонетик, морфологик ва синтактик хусусиятлари тўғрисида бир қанча ишлар ёзилган бўлса-да, аммо лексик қатлами тўғрисида айрим ишлар бажарилган[1], холос.

Кейинги йилларда айрим конкрет туркий тилларнинг лексик қатлами тўғрисида бир қанча ишлар чоп қилинди. Ана шу ишлар ҳам бевосита қадимги туркий тил лексик қатламини маълум даражада акс эттиради. Чунки кўпчилик туркий тилларда қадимги туркий тилга оид сўзлар сақланган.

Қадимги туркий тилнинг лексик қатлами луғат фонди ва луғат составидан иборат.

А.Н.Потебня қайд қилганидек, тилда илгари яратилган нарса янги давр учун икки хил хизмат қилади. Бир қисм истеъмолда бўлганлари янги қобиққа киради. Бир қисми эса янгиликнинг мавжуд бўлиши туфайли ўз шакли ва маъносини ўзгартиради. Шунга кўра тилнинг ташқи қатламига хос бўлган қатламлар ўрин алмашиниб, янгилик эскилик қобиғидан жой олади. Эски эса янги мундарижа касб этади.

Ана шу жиҳатдан ҳам қадимги туркий тил луғат составида учрайдиган сўзларни лексик-семантик томондан ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса сўзларнинг ҳар хил маъноларда ишлатилганлигини аниқлаш, уларни группалаштириш қадимги туркий халқлар тилининг лексик қатлами қай даражада бўлганлигини, қандай усуллар билан ривожланганлигини билишга имкон беради. Ўз навбатида ҳозирги ўзбек тилининг қандай йўллар билан бойиб борганлигини билиб олишга ҳам имкон беради.

Шуни ҳам қайд қилиш керакки, қадимги туркий тил луғат составида мавжуд бўлган сўзларни бирор уруғ ёки қабилага мансуб деб бўлмайди. Чунки қадимги туркий тил лексик қатламида бўлган сўзлар ўша даврда яшаган уруғ ва қабилаларнинг барчасига тегишли бўлган деб қараш зарур. Бундан, албатта, қадимги туркий тил луғат составида туркий бўлмаган лексемалар йўқ экан, деган хулосага ҳам келмаслик керак. Ана шу нуқтаи назардан

---

I Г.Айдаров. Лексика языка Енисейско-Орхонских и таласских памятников древнетюркской письменности, АДД, Баку, 1974; С.Муталлибов. Юқорида кўрсатилган асар, I44-238-бетлар; Х.Неъматов А.Р.Ахметов. Ўзбек тилининг тарихий лексикологияси, Бухоро, 1987.

www.ziyouz.com kutubxonasi

қадимги туркий тил лексик қатламини икки группага бўлиш даркор:
ўз қатлам ва ўзлашган қатлам.

I. Ўз қатлами. Қадимги туркий тилнинг асосий лексикасини, шубҳасиз, туркий тилга хос бўлган қатлам ташкил қилади. Бу қатлам ҳозирги туркий тилларнинг барчасига тегишли бўлган лексемалардир.

Қадимги туркий тилнинг лексик қатламига топонимлар,этнонимлар, табиат ҳодисаларини билдирувчи лексемалар, мансабни билдирувчи лексемалар,гидротопонимлар, ономастика, зоонимлар, қариндошликни билдирувчи терминлар, ҳарбий соҳага оид терминлар, космик жисмлар номлари, соматик сўзлар, кийим-кечакка оид сўзлар сидцир. Уларнинг айримлари қуйидагичадир.

## ТОПОНИМЛАР

УI-ХIУ асрлардаги обидаларда анчагина жой номлари учрайди. Мазкур топонимлар ўша даврларда яшаган туркий халқларнинг кундалик моддий, маданий турмуши, уларнинг қаерларда истиқомат қилганликлари, касб-ҳунари, этник состави ҳақида маълумот беради. УI-ХIУ асрларда қуйидаги топонимлар учрайди: Чуғай, Қарақум, Шантуң балық , Алтун йыш, Кегмән, Тәмир қапығ, Соғдақ (Тун.), Өтүкән йыш, Шантуң йазы, Тупут, Бөкли чөл, Чача, Эзгенти,Буқарақ, Магы қорған, Табғач (Кт., унг.), Чамбуд, Баоуғун, Йугнәк, Ясси, Рабат огуз ва бошқалар . Буларнинг лексик-семантик хусусиятлари қуйидагича:

Баъзи топонимлар бирор нарса ва предметнинг тусига қараб қўйилган. Масалан: Қарақум (Кт), Қызылқум (Кт).

Айрим топонимлар ҳайвонлар кўпайтириладиган ёки урчитиладиган жойга қараб аталган. Масалан: Атлық (Тон).

Бошқа топонимлар предметларнинг физик хусусиятидан олинган: Музлук (Рабғ.), Сувлук (Кт), Тәмир қапығ (Кт).

Ўсимликларга нисбат бериш орқали ном қўйилган: Ақтэрэк (ДЛТ)

Этнотопонимлар, яъни уруғ ва қабилаларнинг номидан жой номлари ҳосил бўлади: Турк (Кт), Қырқыз (Кт), Қыпчақ (Бх), Қарлуқ (Бк), Табғач (Тун), Қай (Тун), Огуз (Кт), Аз (Тун). Түрк бодун Табғачқа көрур эрти. Түрк илиңә (Кт) ва бошқалар.

Томонларни ифодаловчи топонимлар: Өңрә (шарқ), Кәсрә (ғарб), Бирийә (жануб (Тун). Йырайа (Шимол) (Тун).

www.ziyouz.com kutubxonasi

8. Тоғлиқ жойларни билдирадиган топонимлар: Қадырқан йыш, Өтукэн йыш.

Баъзан тоғ маъносидаги йыш ўрнида тоғ сўзи ҳам қўлланган.

ЭТНОНИМЛАР

УI-XIУ асрларда Ўрта Осиё, Қозоғистон ва Сибирь, шунинг - дек , бошқа территорияларда яшаган туркий халқларнинг этник состави жуда хилма-хил бўлган. Ёзма обидаларнинг гувоҳлик беришича, бу территорияларда яшаган уруғ ва қабилаларда маданий юксалиш эрамиздан илгарироқ бошланган. Ёзма обидаларда аз (Кт), арғу (Кт), басмил (Кт), қарлуқ (Бх), қыпчақ (Бх), оғуз (Кт), татар (Кт), толис турк (Тўн), уоун, чигил (Бх) каби туркий уруғ ва қабилалар билан бирга авар, китаний, табғач , тангут , татабы (Кт.) тазиқ (тожик) (Кт), изгил, соғд (Кт) каби туркий бўлмаган қабилалар ҳам учрайди.

Шуни алоҳида қайд қилиш керакки, туркий ва туркий бўлмаган уруғ, қабилалар номларини аниқлаш,уларни лексик-семантик томондан таҳлил қилиш жуда қийин вазифадир. Чунки бунинг учун этимологик кузатишлар олиб бориш талаб қилинади. Бу эса алоҳида кузатиш ишларини талаб қилади.

Туркий ва туркий бўлмаган уруғ, қабилалар тўғрисида илк маълумотлар яна Маҳмуд Қошғарийнинг "Девони"да ўз ифодасини топган.Унинг таъкидлашича, ўғузлар туркларнинг бир қабиласи бўлиб, улар икки уруғдир. Ҳар бир уруғ ўз молларига маълум бир тамғани қўйганлар. Ана шу ўзлари қабул қилган тамғалар асосида уруғ номларини атаганлар[1]. Демак, бундан хулоса келиб чиқадики, қадимги даврларда ҳар бир уруғ ва қабиланинг ўзига хос туғи (байроғи) бўлган, шу байроққа қўйилган белги ҳам ўша уруғ ёки қабилани номлаб келган. Кули чур битигида "уч туғли байроқ" ибораси ҳам бор. Кейинги йилларда этноним, микроэтноним, автоэтноним, аллоэтноним, типологик этнонимлар соҳасида ёзилган мақолаларда ҳам туркий уруғ ва қабилалар тўғрисида қизиқарли маълумотлар баён қилинган[2].

Туркий уруғ ва қабилалар номлари лексик-семантик жиҳатдан қуйидагиларга асосланган бўлиши мумкин:

---

[1] Маҳмуд Қошғарий. Девону луғотит-турк, I том, 89-90-бетлар.
[2] Ономастика Востока. М., 1974; Ономастика Средней Азии. М., 1978.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Айрим уруғ ва қабила номлари тотемизм эътиқодига асосланиб қўйилган кўринади. Масалан: өкуз (ДЛТ), бөри (ДЛТ), бургут ва х.

Бирор уруғ ва қабилалар тарқалганда, хусусан бошқа жойларга бориб жойлашганда, ўзлари илгари қандай ном олган бўлсалар, шу ном билан аталганлар. Масалан :нэймэн (унг), қарлуқ (Унг), қыпчақ (Унг), хозирги айрим топонимларда хам уруғ номлари сақланиб қолган.

Баъзи уруғ ва қабилалар ўзларини ўша яшаб турган жой номлари билан юритганлар. Масалан: Аз (Тўн), Тўлис.

Хар бир уруғ ва қабилалар номи ўз байроғидаги тамға номи билан аталган. Масалан: Тамғалы (Унг.), Қазйақли (Унг), Туйақлы (Унг.).

## ОНОМАСТИКА

Қадимги туркий тилнинг лексик қатламига хос сўзлардан яна бир группаси ономастикадир. Ономастика хам тилнинг луғат составини бойитишда мухим роль ўйнайди. Ономастика қадимги туркийларнинг дунё..а з..и, эътиқодини билишда хам мухим воситадир.

Қ.. ..ги туркийлар қуйидаги анъанага кўра шахсларга ном қўйганлар:

Ўзлари учун муқаддас хисобланган хайвонларга нисбат бериш билан: Бөри, Барс (Юн).

Шахсларнинг маълум бир сифат хусусиятлари ном қўйишга асос бўлади. Бунда номларнинг семантикаси остида шу белги ётади: Култигин (кул-кучли демакдир (Кт.), Тўнюқуқ (тўнғич жавқар)I, Билга хоқон (Билга - доно демакдир).

Космик жисмларга нисбат бериш билан шахсларга ном қўйилган. Бу хам тотемлардир: Кунтуғды (Қб.),Ойтўлди (Қб).

## ГИДРОТОПОНИМЛАР

Қадимги туркий тилнинг луғат составида гидротопонимларни билдирадиган лексемалар хам анчагина. Бундай гидротопонимларга Иртиш (Кт.), Сэлэнгэ (Кт), Йинжу өгуз (Кт) Қаракўл (Унг), Алтынкол (Бх), Йашыл өгуз (Кт), Йартыкол (Унг), Балқашкол (Тўн), Кэзликол, (Унг) ва бошқа шунга ўхшашларни кўрсатиш

---

I Қаранг: Ғ.Абдурахмонов, А.Рустамов, Қадимги туркий тил, 80- бет.

мумкин. Уларни лексик-семантик томондан қуйидагича группалаштириш мумкин:

УI–XIУ асрларда дарё номига өгуз сўзи қўшиб ишлатилган. Масалан: Талуй өгуз, Йашыл өгуз, Кәмә өгуз, Тоғла өгуз, Эркун өгуз, Йар өгуз, Артыш өгуз ва бошқалар.

ХУ асрдан кейин эса дарё ҳамда сув сўзлари қўшиб қўллана бошлайди.

Кўл номига кәл ҳамда қод сўзларини қўшиб ишлатганлар. Масалан: Йарғун кәл, Алт... кәл, Йыды кәл, Кәзлук кәл, Сәләнгә қоды.

## ЗООНИМЛАР

Қадимги туркий тил лексик қатламида зоонимлар ҳам ўз ифодасини топган. Бу даврдаги зоонимларни лексик-семантик томон - дан қуйидагича группалаштириш мумкин.

Ҳайвон тушунчасини билдирадиган зоонимлар: адыр (айиқ) (Унг), бичин (маймун)(Кт), ат (Кт ), арслан (ДЛТ); бөри (Кт), буқа (ДЛТ), игнәк (ДЛТ), ит (ХХ), қони (Кт), кәйик (Тўн), арқар (ДЛТ), суруқ (пода) (ДЛТ), тоба (туя) (Иб), сақақ (кийик) (ДЛТ) табышқан (Тўн).

Парранда тушунчасини билдирадиган зоонимлар. Масалан: қәлук (ХХ), кузгун (ХХ), турнә (ХХ), сундулач (булбул) (ДЛТ), қарлиғач (ДЛТ), ағру (ДЛТ), чағры (ДЛТ), тоты (ХХ), кув (Рабғ.), қазқыл (Рабғ.), тақуғ (Рабғ.)

Бошқа тушунчаларни билдирадиган зоонимлар: Масалан: йылан, сичән, сингәк, бақа, қуғад (чивин) ва бошқалар.

## ҚАРИНДОШЛИК ТУШУНЧАСИНИ БИЛДИРАДИГАН ТЕРМИНЛАР

Қадимги туркий тил луғат составида бошқа сўзлар билан бир қаторда қавм-қариндошлик терминлари ҳам ўз ифодасини топгандир.

Ф.Энгельс "Ота, ўғил ва қиз, ака, ука, она, сингил деган номлар фақат фахрий, жуда жиддий, ўзаро мажбуриятлар билан боғлиқ ва мажбуриятларнинг мажмуаси мазкур халқлар ижтимоий тузумининг муҳим қисмини ташкил этади"[1], деган эди.

---

[1] Ф.Энгельс. Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши, Т., 1956, 30- бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ёзма обидалар тилида учрайдиган яқинлик ёки қавм-қариндошлик тушунчасини билдирадиган сўз-терминлар ҳам маълум бир шароитда пайдо бўлган. Бу сўз-терминлар қанчалик турғун бўлмасин, даврлар ўтиши билан ривожланади, ўзгаради ва адабий формага силжийди. Аниқроғи, оила, никоҳ формаларининг янги шакллари пайдо бўлиши билан бу сўз-терминларнинг доираси ҳам ўзгаради. Қадимдан актив ишлатилиб келган бу соҳага оид сўз-терминлар архаиклашиб қолиши ва унинг ўрнида бошқа қардош бўлмаган тиллардан ўзлашган сўзлар ишлатилиши мумкин. Қадимдан ишлатилиб келган сўз эса пассив лексикадан ўрин ола бошлайди.

Ёзма обидалар тилида ата (ҲҲ), қан (Кт), өг (Кт), сыңыл (Кт), апа (Оё), оғул (Кт), қыз (ҲҲ), аға (Қб), ини (Кт), чолуқ (Кт), эр (Кт), қатун (Тўн), эке (Кт), келин (ҲҲ), йнгун (қариндош), йигун , (жиян ёки набира ), ачи (амаки), апа(бобо) (Кт) ва бошқа шунга ўхшаш қавм-қариндошлик тушунчасини билдирадиган сўз-терминлар учрайди. Уларни лексик-семантик томондан қуйидагича группалаштириш мумкин.

Қон-қариндошлик терминлари.

Никоҳдан кейин яқинликни билдирадиган терминлар.

Қон-қариндошлик терминлари. Бу каби терминларга қан, ачи, ини, йигун, апа, уры , оғул, қыз оғул, сыңыл ва бошқа шунга ўхшашларни кўрсатиш мумкин.

Қан термини УI-Х аср ёзма обидаларида ата, қан ва эде каби формаларда ишлатилган бўлса, Х-ХI асрда ҳам худди шундай ишлатилган. Аммо ХI-ХIУ асрларда аба шаклидадир. Ата термини фарзандли, бола-чақали эр кишилар. Ота сўзи семантик жиҳатдан ҳар хил маъноларда ҳам ишлатилади.

Өг термини ҳам ҳар хил кўринишларда бўлган. УI-Х асрларда өг шаклида, Х-ХI асрларда ана ва Х-ХIУ асрларда эса аба, апа, ана шаклларида ҳам қўлланилган. Она термини асосан фарзандли шахсларга нисбатан айтилган, она сўзи кейинги даврларда ҳар хил семантик хусусиятига эга бўла бошлаган.

Эчи термини. Бу УI-ХI аср ёзма обидалар тилида , эчи шаклида ишлатилган бўлса, Х-ХIУ асрларда эса ака формаси ҳам ишлатила бошлаган.

Ини термини. Бу термин акасига нисбатан ёш жиҳатдан кичик бўлганига нисбатан ишлатилган. Бу терминнинг қариндош

---

I Ф.Энгельс.Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши,Т.,1956, 30- бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

маъноси кейинчалик келиб чиққан .

Уры термини ўғли маъносида ишлатилган, оғыл эса бола маъносидадир, УI–Х асрларда уры оғул, Х–ХI асрларда эса оғлан. Бу термин ҳам кейинчалик ҳар хил маъноларда ишлатила бошлаган.

6. Қыз термини аёл жинсига мансубликни ифодалайди. Уркун ёдномаларида қыз оғыл, яъни қиз бола маъносидадир. Х–ХIУ асрларда эса бу сўзнинг маъноси кенгайди.

Сыңыл термини. Бу термин Х асргача ва ундан кейин яратилган ёзма обидаларда ҳам сиңил , сыныл каби фонетик кўринишларда учрайди. Бу термин оилада акаларидан кейин туғилган қизга нисбатан ишлатилган.

Йигүн термини ака ёки опаларнинг фарзандларига нисбатан қўлланадиган терминдир.

Апа термини. Бу термин УI–Х асрларда оилада ёши катта бўлган (аслида бобо демакдир. ) шахсга нисбатан ҳам ишлатилган. Унинг аба каби кўриниши ҳам мавжуд.

Никоҳдан кейин пайдо бўлган қариндошлик терминлари. Никоҳ эр-хотинликни расмийлаштиришдир. Бу турдаги терминларга эр, қатун, эрэн, киши, авлуқ ва бошқалар киради.

УI–ХIУ асрларда эр (ир) сўзи кўпроқ жанговар, мард маъносида ишлатилган.

Қатун (хатун) терминининг узук, урағут, эрэн ва авлуқ каби кўринишлари ҳам ишлатилган.

ХI–ХIУ асрлардаги қавм-қариндошлик терминлари Маҳмуд Кошғарий асарида ўз ифодасини топгандир.

## ҚУРОЛ-АСЛАҲА НОМЛАРИНИ БИЛДИРАДИГАН ТЕРМИНЛАР

УI–ХIУ асрлардаги қурол-аслаҳа терминлари ўша давр уруғ ва қабилаларининг турмуши, сиёсий-ҳарбий аҳволини маълум даражада акс эттиради.

Қурол-аслаҳа номларини билдирадиган қуйидаги терминлар учрайди.

Ҳарбий хизматга алоқадор шахслар, қўшиннинг составини ифодаловчи терминлар: сү (армия) (Кт), атлы (отлиқ) қўшин (Кт); (пиёда аскар), йада (Кт), тутмақ (душманларнинг кучини билишга ажратилганлар) (Кт), йэрчи (қўшинга йўл кўрсатиб борувчи) (Кт), (илғор отрядда борувчилар) (соқчилар) (Кт), йэзэк су ёки илку су (илғор отрядда борувчилар).

www.ziyouz.com kutubxonasi

Армиянинг ўнг қанотида уруш қилганлар оң(Кт), чап қанотида уруш қилганларга нисбатан сол (Кт) ва ўртада уруш қилганларга нисбатан кэд каби терминлар ишлатилган.

Армиянинг орқа томонида қуролланиб турган солдатлар йатуғ (Кт) ва оқчы (ўнг) дейилган.

Қўшинларнинг ёрдамчи қисмлари йақут деб аталган.

Бирор жойда яшаётган қабила ва уруғни талаш учун юборилган отряд ақынчы термини билан аталган.

Хон ва бекларнинг шахсий қўриқчилари ва уларнинг турадиган жойлар йатғақ, тургэк (сарой қўриқчиси) дейилган.

Қурол номларини билдирадиган лексемалар қуйидагилардир: қылыч (унг), сүңүг (найза) (Кт), йа (ёй),йарақ (совут) (Кт).

Қабила ва уруғларга қарши кураşганлар: йағы (душман) (Кт), сөңүш (уруш), тоқуш (ўнг).

Хужумга ўтиш йын, қамал қилиш қабас ва душманни қайтариш пантур каби терминлар билан ифодаланган.

Армиянинг олд қисми су башы (ХХ), урушда қахрамонлик кўрсатганлар алп (Кт), халок бўлиш кэргэк (Кт), бирор жойни тўлиқ босиб олиш басынғма (Кт), қарам бўлиш кэрмис (Кт), хийлакорлик тэблиг (Кт) каби терминлар билан юритилган.

## СИНОНИМЛАР

Ўзбек тилшунослигида кейинги йилларда синонимларга бағишланган бир қанча ишлар, синонимларнинг изохли луғати чоп қилинди. Аммо синонимларнинг таърифи масаласи ва бу ходисани чегаралашда хар хилликлар кўзга ташланиб туради. Жумладан, "Синонимлар маънолари бир хил ёки бир-бирига яқин сўзлар бўлиб, улар айтилиши ва ёзилиши жихатидан ўзларига хос махсус шаклларга эгадир" , ёки "Синонимлар - талаффузи,ёзилиши хар хил, бирлаштирувчи маъноси бир хил бўлган, қўшимча маъно нозиклиги, эмоционал бўёғи, қўлланиши каби бир қатор хусусиятлари билан ўзаро фарқланадиган сўзлардир"[1].

Хатто кейинги йилларда чоп қилинган дарслик ва қўлланмаларда хам синонимларга таъриф беришда хам бир хиллик кўринмайди. "Тил бирликларининг айни бир маънони англатиши асосида группаланишига синонимия дейилади"[2], "Шакли бошқа, мазмунан

-----

[1] Ф.Камол. Ўзбек тили лексикаси. Тошкент,1953,31= бет.

[2] А.Хожиев. Ўзбек тили синонимларнинг изохли луғати.Тошкент,1974, 3- бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

бир-бирига ўхшовчи, ҳам фарқли сўзлар синонимлардир"[I] каби таъриф берилган.

Ҳатто мазкур ишларда озиқ-овқат, авлод-аждод, хотин-халаж ва шунга ўхшаган сўзларни синонимлар қаторига киритишнинг ўзи ҳам синонимлар масаласи шу кунгача тўлиқ ҳал қилинмаганлигидан далолат беради.

УI-ХIУ асрларда яратилган ёзма обидаларда синонимлар кўп қўлланган. Бу ходиса қадимги туркий тил луғат составининг ранг-баранг бўлганлигидан далолат беради. Синонимлар турли стилистик мақсадларда қўлланганлиги билан характерланади.

Бу даврда синоним сўзлар, ҳозирги туркий тилларда бўлганидек, от, сифат, феъл, равиш каби мустақил сўз туркумлари, шунингдек, кўмакчи, боғловчи ҳамда модал сўзлар доирасида учрайди. Аммо от сўз туркумига нисбатан сифатларда камроқ, феълга кўра равиш сўз туркумида камроқдир. Боғловчиларга нисбатан кўмакчиларда кўпроқ ва боғловчиларга нисбатан модал сўзларда озроқ.

УI-ХIУ асрлар ёзма обидаларидаги синоним сўзлар қуйидагича ўзига хос хусусиятларга эга:

I. Бир группа синоним сўзлар борки, улар мазмунан бир-бирига жуда яқин. Бу каби синонимлар бири ўрнида иккинчиси бемалол қўлланаверган, сезиларли стилистик фарқ бўлмаган.

Масалан: дост, эш; мал, тавар; уд, сығыр; тигин, бек, қан ва шу кабилар: Товар йулуғ ташуттум /ДЛТ/; Эсизкә не күдук кәрәк мал /Қб/.

2. Бир группа синоним сўзлар учрайдики, улар мазмунан бир-бирига яқин бўлсалар ҳам, бири иккинчиси ўрнида қўлланмаган. Чунки уларнинг қўлланиши маъно нозикликлари билан боғлиқ.

---

[I] С. М. Муталлибов. Морфология ва лексика тарихидан қисқача очерк. Тошкент, 1959, 188-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу группага йалавач, элчи ва бошқа шу кабиларни кўрсатиш мумкин: Қамуғ эрдим отрум йалавач кэрак (ҲҲ); Қудаоғыл ай элчи тунзэ (ҲҲ).

3. Ёзма обидаларда синонимик группани ташкил этувчи сўзлар орасида омонимик хусусиятига эга бўлган сўзлар ҳам учрайди. Бундай группага ашык, йар; от, алав, кок, асман ва бошқа шунга ўхшаш сўзларни кўрсатиш мумкин.

4. Қардош бўлмаган тиллардан ўзлаштирилган синоним сўзлар ҳам қўлланган.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, синонимлар бошқа тиллардан ташқари, қариндош тиллардан ва диалектлардан кўпроқ сўз олиш ҳисобига юзага келган.

УI-XIУ асрларда яратилган ёзма обидалар тилида қўлланилган синоним сўзларни қуйидагича группалаштириш мумкин:

Икки сўз синонимия қаторини ҳосил қилади. Бундай синоним сўзларга эл, кэл; эр, киси; ажун, дунйа; ағу заҳар кабиларни кўрсатиш мумкин: Эдгу алп кисиг (Кт); Йэти йуз эр болуп (Кт); Йемакқа йумшақ ичи бар ағу (ҲҲ), Эри захри тащды эсэл тил (ҲҲ.)

Уч сўз синонимия қаторини ҳосил қилади. Бу группага олу, йиту, қаза; хатун, узун тонлуғ, урағут; кент, балық, шаҳар; тузақ, илмақ, қисмақ; қарынчақ, қурмыска, чумэли кабилар мансуб. Масалан: Ики шад бирлэ олу йиту қазғантым (Кт).

Турт сўз синонимия қаторини ҳосил қилади. Бу турга аш, боғуз, йэм тамақ, ағы, адыв, боктар, тупу (тепа) каби сўзларни кўрсатиш мумкин. Масалан: Ул қар қамуғ қышын иңэр, ашлыг тарыг аның өнэр (ДЛТ). Боғызқа кийимкэ атунда.. (ҲҲ), Тириклик болурғу йэгимни болуман (Қб, Ол, эндэ тамақ йир (ҲҲ).

Синонимларнинг ёзма обидалар тилида қўлланишига қараб шундай хулоса чиқариш мумкин: оғзаки ва ёзма нутқда ҳар хил стилистик бўёқларда қўлланадиган сўзлар синонимлардир.

## ОМОНИМЛАР

Қадимги туркий тил лексик составида омонимлар ҳам ўз ифодасини топган. Ҳозирги туркий тилларда омонимлар от, сифат, феъл ва равиш сўз туркумларида учрагани каби қадимги ёзма обидаларда ҳам ана шу сўз туркумлари доирасида юз беради. Омонимларнинг ўзига хос хусусиятлари шундаки, ҳозирги тур-

www.ziyouz.com kutubxonasi

кий тилларда ҳам, қадимги туркий тилда ҳам, улар, асосан, бир ёки икки бўғинли сўзларда учрайди. Маҳмуд Кошғарий ва Алишер Навоий омонимларнинг тилда содда сўз ясаш усулларидан бири эканлигини, оғзаки ва ёзма нутқда ҳар хил стилистик бўёқларда кела олишини кўрсатганлар.

Омонимлар ҳар хил стилистик мақсадларда ҳозирги туркий тилларда қандай ишлатилган бўлса, ёзма обидаларда ҳам худди шу мақсадда ишлатилган. Аммо омонимларнинг ёзма обидалар тилида ишлатилиши ҳозиргига нисбатан анча чегараланган. Аммо бундан омонимлар кейинги давр тил ҳодисаси экан деган хулосага келмаслик керак. Ҳозирги туркий тиллар луғат составида бўлган омонимлар қадимда ҳам бў[illegible] аммо ёзма обидалар тилида чегараланган ҳолда ишлатилган.

Омонимларнинг тилда мавжудлиги, унинг шаклланиши, ривожи, таърифи [illegible] группалаштирилиши бўйича туркологияда ягона фикрни учрата олмаймиз. Омонимлар умумлингвистик таърифга эга бўлганлиги учун ҳам тилшуносликда умумий таърифга эгадир. Бу ҳол тилнинг ижтимоий ҳодиса сифатидаги ўзига хос табиатидан келиб чиқади.

Академик В.В.Виноградов омонимларнинг функцияси ва тараққиётига шундай таъриф беради. "Омонимлар ҳар бир даврда асосий сўз базасида янги сўзлар ясашга хизмат қилади". Ана шундан келиб чиқиб, шакли бир хил, оғзаки ва ёзма нутқда ҳар хил маъноларда ишлатиладиган сўзларга омонимлар дейиш мумкин, деб таъриф бериш мақсадга мувофиқдир. Кишилик жамиятида бир сўзнинг ҳар хил маънолари юзага келиши узоқ давом этадиган жараён.

УI-ХIУ асрларда яратилган ёзма обидалар тилида ишлатилган омоним сўзларни лексик-семантик томондан қуйидагича группалаштириш мумкин. Булар:

Икки хил маъноли омоним сўзлар. Бундай омоним сўзлар жуда кенг қўлланилган. Масалан: ар (эркак), Ар (географик ном).

Уч хил маъноли омоним сўзлар: ал (халқ, аҳоли), ал (давлат), ал ( қабилалар иттифоқи); баз (қабила номи), баз (эл, дўст), баз (тобе).

Тўрт хил маъноли омоним сўзлар: бар (бор, мавжуд,), бар (ўлмоқ), ( Ен), бор (қўлдан кетмоқ), бар (бермоқ, совға қилмоқ).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ар (бўлмоқ), ар (чарчамоқ, ҳоримоқ), ар (алдамоқ), ар (бегоналашиб кетмоқ), ар (емирилмоқ).

Демак, қадимги туркий тилда омонимларнинг ишлатилиши ўша давр тилининг лексик қатлами ранг-баранглигидан далолат беради.

## АНТОНИМЛАР

Қадимги туркий тилда синонимлар, омоним сўзлар билан бир қаторда антоним сўзлар ҳам кўп қўлланган. Тилнинг луғат сос . тавидаги айрим сўзларнинг синоними бўлгани каби айрим сўзларнинг антоними ҳам бор. Масалан, яхши сўзнинг антоними ёмон бўлса, катта сўзининг антоними эса кичикдир. Қоронғи сўзининг антоними ёруғдир ва бошқалар.

Ана шу нуқтаи назардан лингвистик адабиётларда ўзаро зид, қарама-қарши маъноли тил бирликлари антоним деб қаралади. Бу тўғри. Аммо қўлланма[1] ва луғатларда[2] антонимларни антонимик ундан таркиб топган жуфт сўзлар билан аралаштириб юбориш ҳолатлари кўринади. Масалан: кун-тун, катта-кичик, баланд-паст, яхши-ёмон каби сўзларни антонимлар дейиш ҳақиқатга тўғри келмаса керак. Чунки бу каби сўзларнинг компонентларидаги сўзлар шу ўринда ўз мустақил маъноларини йўқотиб, иккаласи бирликда бутунлай янги маъно ифодалашга силжиб қолгандир. Аммо антоним сўзлар контекстда ўз мустақил маъносини сақлаган бўлиши шарт.

Ҳозирги туркий тилларда антоним сўзлар сифат, феъл ва равиш каби сўзларда учрагани каби, қадимги туркий тилда ҳам ана шу сўз туркумларида мавжуддир.

Обидалар тилида ишлатилган антонимларни лексик-семантик томондан қуйидагича группалаштириш мумкин.

1. Ҳажм маъносини билдирадиган антоним сўзлар: йуйқа ва йинчкә, аз, әкуш. Масалан: йуйқа әркилиг, ... йинчкә әркилиг (юпқа йўғон, ингичка йўғон) (Тун.).

2. Пайт ва вақт маъносини билдирадиган антоним сўзлар: кун, тун, эртә, кәч,. Кун йәма, тун йәма йәлу бардымыз (Кт).

---

[1] С.М.Муталлибов. Морфология ва лексика тарихидан очерк, 197= бет.

[2] А.Ҳожиев. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. Тошкент, 1985.

www.ziyouz.com kutubxonasi

3. Масофа маъносини билдирадиган антоним сўзлар: ырақ, йағуқ. Ырақ эрсэр, йаблақ ағы бэрур, йағуқ эрсэр, эдгу ағы бэрур (Кт).

4. Хусусият ва таъм маъносини билдирадиган антоним сўзлар: чығаnй (камбағал), бай; көркли, йаман; эдгу, йабыз ва бошқалар: Чығаній бодуньғ бай қылтым (Кт).

5. Ҳаракат ва масофа маъноларини билдирадиган антоним сўзлар: үзэ (юқори), асра (паст); барды, кэлди ва бошқалар. Үзэ көк тэңри асра йағыз йэр (юқорида кўк осмон, пастда қўнғир ер) (Кт) ва бошқалар.

Биз юқорида қадимги обидалардаги айрим лексемаларнинг лексик-семантик хусусиятлари тўғрисида қисқача фикр юритдик. Юқоридагилар билан бир қаторда қадимги туркий тил луғат составида туркий бўлмаган тиллардан ўзлашган лексемалар ҳам ўз ифодасини топган.

## ЎЗЛАШМА ҚАТЛАМ

Уруғдош бўлмаган тиллардан ўзлашган сўзлар ҳақида гап борар экан, бунда суғд, араб, ҳинд, хитой ва грек тилидан ўтган лексик элементларни назарда тутамиз.

Ҳозирги Ўрта Осиё, Қозоғистон ва Сибирда , ҳатто Европада яшаган қадимги туркий халқлар ўзларига яқин бўлган форс-тожик араб, ҳинд, хитой ва грек халқлари билан иқтисодий ва маданий алоқада бўлган. Ана шу алоқа туркий тил лексик қатламининг бойишига таъсир қилган.

Ўрганилаётган давр тилида форс-тожик, араб, ҳинд, хитой ва грек тилларидан ўзлашган сўзларни учратиш мумкин[I].

Ўзлашма қатлам ёзма обидалар тилида бирдай эмас. Ёзма обидаларда форс ва араб тилларидан ўзлашган сўзларга нисбатан хитойча сўзлар, хитойча сўзларга нисбатан ҳинд тилидан ўзлашган сўзлар, ҳинд тилидан ўзлашган сўзларга нисбатан грек тилидан ўтган сўзлар камроқдир.

Форс-тожик тилидан ўзлаштирилган сўзлар. Тарихдан маълумки, туркий халқлар қадим замонлардан бери суғд ёки форс тилида гаплашувчи халқлар билан бир территорияда яшаганлар.

---

I С.Е.Малов. Памятники древнетюркской письменности, стр. 352-444.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўзаро алоқалар натижасида Ўрта Осиёнинг айрим жойларида яшовчи халқларда икки тиллилик пайдо бўлади. Бу ҳақда Маҳмуд Кошғарий шундай деб ёзади: "Баласағунликлар суғдча, туркча сўзлашадилар. Тираз (Толос) ва Мадинатулбайза шаҳарларининг халқлари суғдча ҳам туркча сўзлашадилар"[1].

УI–XIУ асрларда яратилган ёзма обидалар тили кузатилганда суғд (форс-тожик) тилидан ўзлаштирилган сўзлар кўплигини кўриш мумкин[2].

Култигин битигтошида экэ, эчэ (ака) (қон-қариндошлик), соғд, тэзик (этноним), Баз (ономастика) ва ҳам (боғловчи) каби сўзлар учрайди, холос. Аммо "Қутадғу билик", "Ҳибатул-ҳақойиқ" ва "Қиссаи Рабғузий"да эса кўпроқ учрайди.

Бу асарлар тилида суғд, форс-тожик тилидан ўзлашган айрим сўзларни лексик-семантик томондан қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Топонимлар: Кэнт (Рабғ.) бағ (Рабғ.), бузрук (Қб), аврия (ҲҲ) ва б.
2. Соматик сўзлар: эндэм (Қб), карйаэн (Қб).
3. Ўлчов тушунчасини ифодаловчи сўзлар: баланд (ҲҲ), бисйэр (Рабғ.), жуфт (Қб).
4. Қурилишга оид сўзлар: дор (Рабғ.).
5. Жисм тушунчасини ифодаловчи сўзлар: доҳар (Қб)
6. Пайт тушунчасини ифодаловчи сўзлар: ҳануз (Рабғ.).
7. Антоним сўзлар: дост (ҲҲ), душман.
8. Мансабга хос сўзлар: падша (Рабғ.).
9. Шарт маъносини ифодалайдиган сўзлар: агэр (ҲҲ).
10. Инкор ёки пайт маъносини билдирувчи сўзлар: ҳэргиз (ҲҲ), ҳануз (Рабғ.).
11. Боғловчи вазифасида қўлланадиган сўзлар: ҳам (Қб).

Араб тилидан ўзлаштирилган сўзлар

XI–XIУ асрларда араб тилидан сўзлашган сўзларнинг кенг қўлланганлиги ўз-ўзидан маълум. Араблар Ўрта Осиёни ўзларига бўйсундирганларидан кейин маҳаллий халқ ислом динини (X асрдан бошлаб) араб тили ва араб ёзувини мажбурий равишда қабул қилдирганлар.

---

[1] М.Кошғарий. Девону луғотит турк, I том, 66- бет.

[2] С.Е.Малов. Памятники древнетюркской письменности (Луғат қисмига қаранг).

www.ziyouz.com kutubxonasi

УI-X асрлардаги туркий ёзма обидаларда эса араб тилидан ўзлашган бирорта сўзни учрата олмаймиз.

Маҳмуд Қошғарийнинг "Девону луғотит-турк" асарида китэб, бэн (ўғил) каби саноқли сўзлар учраса, "Кутадғу билиг", "Ҳибатул-ҳақойиқ" да ҳам худди шундай - арабча сўзлар жуда оз.. Қиссаи Рабғузий" да эса кўпроқ учрайди.

Бу асарлардаги араб тилидан ўзлашган айрим сўзларни лексик-семантик томондан қуйидагича группалаш мумкин.

Киши номлари : Аббаъ (Рабғ.), Абнд (Рабғ.), Абду (Рабғ.), Рабғузий (Рабғ.) ва бошқалар.

Этноним: араб (ДЛТ).

Мансаб тушунчасини ифодалайдиган сўзлар: Бэсир (Қб), нэзир (ҲҲ).

Топонимлар: вилэйэт (Қб), Агру (Ҳирот)(ҲҲ) ва бошқалар.

Жисм номлари: гэвҳэр (Қб).

Соматик сўзлар: чэҳрэ (Рабғ.).

Синоним сўзлар: асар (Қб), байт (Қб).

Омоним сўзлар: элэм (азоб), элэм (уч), элэм (қийналиш), элэм (қасос), элем (ғазаб), элэм (байроқ), элэм (латта) ва бошқалар. (Рабғ.); элвэн (Қб), (қизил газлама), элвэн (ранг), элвэн (хар хил), элвэн (байроқ) ва бошқалар.

Мавҳум тушунчаларни билдирадиган сўзлар: Эссэлэм (тинчлик) (Рабғ.).

Диний тушунчаларни билдирадиган сўзлар: ислэм (Рабғ.), дин (ишонч) (Рабғ.), аллаҳ (худо) (Қб).

Пайт ва ҳаракат тушунчасини билдирадиган сўзлар: Эссубҳи (эрталаб) (Рабғ.), бада (кейин (Қб).

Боғловчи вазифасидаги сўзлар: вэ (ҲҲ), ама (Рабғ.).

Хитой тилидан ўзлашган сўзлар асосан УI-XI асрлар ёзма обидаларида, хусусан, уйғур ёзувидаги обидаларда, қисман "Кутадғу билиг" ва Култигин битиктошида учрайди. Улар қуйидагича:[I]

Этнонимлар: Чин (Қб), Табғач (Тун), Хутан (Рабғ.).

---

I Бу сўзлар ҳам С.Е.Маловнинг юқоридаги асаридан олинди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

чин ва Табғач айни пайтда топоним вазифасида ҳам қўлланган.

Ономастика: Иойи Ликэн (Кт), Чача сэңун (Кт), Тинси (оомон) (Кб).

Мансаб, унвон ва ҳарбий бошлиқ тушунчаларини билдирадиган терминлар: Куңсэңун (Тун) (ҳарбий бошлиқ), чыкан (унвон), тутук (Кт).

Нарса ва предмет тушунчасини ифодалайди: туғ (байроқ), (Рабғ).

Булардан ташқари, су (муваффақиятли) (Оё), қуа (гулдон) (Оё), чоң (йирик) (Оё), сужу (юз) (чегара) ва бошқа шунга ўхшаш сўзлар ҳам учрайди.

Қадимги туркий тилда кам бўлса-да, ҳинд тилидан ўзлашган сўзлар ҳам учрайди. Бундай сўзлар кўпроқ уйғур ёзувидаги обидаларда, жумладан Култигин битигтоши,"Девону луғатит-турк... ва "Қутадғу билиг" кабиларда учрайди. Булар қуйидагича:

Топонимлар: Эстун (Оё) .

Кисм номлари: вэсир (олмос ) (Оё).

Савдо ишлари билан шуғулланувчилар номи; сарт (Қб).

Ҳарбий соҳага оид сўзлар:чэру (ДЛТ).

Санани билдирадиган сўзлар: арам (Оё).

Грек тилидан ўзлашган сўзлар. УI-ХIУ қадимги туркий тилда жуда оз, жумладан, кэпур (камфора ) (Қб), нам (Оё) (сеҳрли китоб) каби сўзлар учрайди, холос.

Юқорида биз чет тиллардан ўзлаштирилган сўзлар тўғрисида қисқача фикр юритдик. Қолган сўзларни амалий машғулотлар жараёнида текстдан аниқланади.

## МОРФОЛОГИЯ

ХУ асргача бўлган қадимги туркий тилнинг морфологик структураси: сўзларнинг ясалиши, отларнинг кўплик, эгалик ва келишик қўшимчаларини олиши, феълнинг ҳаракат номи, равишдош, сифатдош формалари, шунингдек, бу сўз туркумининг орттирма, қиёсий, мажҳул даражалари, замон категорияси, сифат, равиш ва ёрдамчи сўз туркумлари ҳозирги туркий тиллардан деярли фарқ қилмайди. Фақат сонларнинг структураси жиҳатидан, турли аффиксларнинг ҳар хил фонетик кўринишларга эга бўлиши билан ўзига хос хусусиятларга эга. Қадимги туркий тилдаги актив сўзлар, сўз ясовчи

www.ziyouz.com kutubxonasi

ва форма ясовчи аффикслар даврлар ўтиши билан архаиклашиб қолди, буларнинг айримлари эса ҳозирги баъзи туркий тилларда актив ишлатилмоқда. Жумладан, қадимги туркий тилда актив қўлланган тушум келишиги аффикси – и ҳозирги усмонли турк тилида ҳозир ҳам ишлатилади.

Жамият тарихий тараққиёти жараёнида тилнинг луғат составидаги сўзлар, аффикслар адабий формага томон силжиб боради. Бу тилнинг ўзига хос қонуниятларидандир.

Қадимий туркий тилдаги сўзларни морфологик жиҳатдан икки группага: а) мустақил сўз туркумлари, б) ёрдамчи сўз туркумларига бўлиш мумкин.

Мустақил сўзларни, от, сифат, сон, олмош, феъл, равиш; ёрдамчи сўзларни кўмакчи, боғловчи, юклама, ундов ва модал сўзлар ташкил қилади. Мустақил сўз туркумларига кирувчи сўзлар семантик томондан конкрет маъно англатади, кўплик, эгалик, келишик аффиксларини олади, шахс-сон аффикслари билан тусланади, замон, майл, даража аффиксларини қабул қилади. Шу хусусиятлари билан ёрдамчи сўз туркумларидан фарқ қилади. Ёрдамчи сўз туркумларида ана шундай хусусият йўқ. Ёрдамчи сўзлар мустақил сўзларни боғлашга ва қўшимча маъно ифодалашга хизмат қилади.

## ОТ

Қадимги туркий тилда ҳам от туркумига кирувчи сўзлар кўп. Семантик томондан ҳам ҳозирги туркий тиллардаги сингари хусусиятларга эга. Қадимги туркий тилда от туркумига мансуб сўзлар киши номларини (Билга қаған), ҳайвон номларини (қой, барс, бөри), жисм номларини (суб), қавм-қариндош (ега), планета (тангри, йер) ва ҳ. номларни ифодалайди.

От эгалик, кўплик ва келишик аффиксларини олади, бошқа туркумдаги сўзлардан морфологик ва синтактик усул билан от туркумдаги сўзлар ясалади.

ЭГАЛИК КАТЕГОРИЯСИ. Қадимги туркий тилда ҳам от туркумига кирувчи сўзлар эгалик аффиксини олиб, нарса ва предметнинг учта шахсдан бирига тегишлилигини, қарашлилигини ифодалайди. Эгаликни ифодалашнинг энг сермаҳсул усули морфологик усулдир. Морфологик усул билан бирлик ва кўпликда ифодаланади. Бирлик формада сўзларнинг охири унли билан битган сўзга I шахсда – м, II шахсда –н ва учинчи шахсда – си қўшилади. Сўзларнинг охири

ундошлар билан тугаган бўлса, I шахсда -им, II шахсда - иң ва III шахсда - и шаклида қўшилади. Масалан: бодуным, оғлың, эзи ва бошқалар. Бирлик формадаги эгалик аффиксларининг қуйидаги фонетик кўринишлари мавжуд. Қаттиқ ўзакли сўзларга I шахсга -ым, -ум, II шахсга -ың, -уң ва III шахсга - сы формаси; юмшоқ ўзакли сўзларга I шахсга -им, -үм, II шахсга -иң , -үң ва III шахсга -сы шаклида қўшилади.

Эгалик категориясининг кўплик формаси I шахсда -мыз, II шахсда -ңыз ва III шахсда - сы (лар) шаклига эга. Кўплик формасининг қуйидагича фонетик кўринишлари бор. Қаттиқ ўзакли сўзларга I шахсда - ымыз, -умуз, II шахсда -ыңыз, -уңуз ва III шахсда - (с)ы (лар) шаклида қўшилади. Юмшоқ ўзакли сўзларга I шахсда -имиз, -үмүз, II шахсда - иңиз, -үңүз (ңиз,-ңуз) ва III шахсга (с)и шаклида қўшилади.

Бирликда

I апам (Кт)

II Бодун уң (Кт), қаның (Кт), соңукуң (Кт)

III иниси (Кт) иниси (Кт)

Кўпликда

I эгүмиз (Кт), элимиз (Кт)

II оғлыңыз (Бқ)

III Суси (Бх)

Туркологик адабиётларда эгалик формаларининг келиб чиқиши тўғрисида ҳар хил қарама-қарши фикрлар учрайди. Баъзи ишларда эгалик формалар кишилик олмошларидан (мэн, сэн, ол, биз, сиз) келиб чиққанлиги қайд қилинса[1], айрим ишларда эса қаратқич келишиги аффикси билан ва сўз ясовчи аффикслар билан боғлайдилар[2].

КЎПЛИК КАТЕГОРИЯСИ. Қадимги туркий тилда отлар кўплик ва бирлик формаларда қўлланган. Отлар бирликда қўлланганда махсус кўрсаткич бўлмайди. Абстракт отлар, санаш мумкин бўлмаган номлар, киши организми номлари, атоқли отлар бирлик формада қўлланган. Кўплик аффиксини олмаган бирлик сондаги айрим отлар бирлик, яккалик маъноларидан ташқари яна жинс, тур, жуфтлик, жамлик ва кўплик маъноларини ҳам ифодалай олади. Масалан: айақ (Рабг.),

---

[1] Э.Фозилов. Ўзбек тилининг тарихий морфологияси. Тошкент, 1969, 15- бет.

[2] В.М.Насилов. Язык орхоно-енисейских памятников. М., 1960, с. 27.

www.ziyouz.com kutubxonasi

мағиз (ҲҲ), көз (Ҳх), илк (Кт) ва бошқалар.

Аммо кўп ўринларда абстракт от лар кўплик аффикси билан ишлатилиши ҳам мумкин. Масалан: әдәблар башы тил кузатмақ (Ҳх).

Қадимги туркий тилда отларда кўплик ифодалашнинг морфологик усули сермаҳсулдир. Булар қуйидагилардир:

1. -лар-ләр аффикси. Масалан: ағылылықлары (унг), оқыштылар, (Бх), бәр бәгләр (Кт), әдәләр (Кт) ва ҳ.

Бу форма УІ-ХІУ асрларда қўлланишида фарқ қилган. Жумладан, УІ-Х асрларда -лар-ләр фақат отларга қўшилиб келган бўлса, ХІ асрлардан к[illegible] эса бошқа сўз туркумларига ҳам қўшилиб кела бошлаган.

-лар, ләр аффиксининг келиб чиқиши тўғрисида ҳар хил фикрлар мавжуд. Баъзи тилшунослар бу аффикс қадимги мўғул тилидаги "нар" сўзи билан боғлиқ десалар, айрим тилшунослар эса бу фикрга қўшилмайдилар (жумладан, Н.А.Баскаков). Биз ҳам кейинги фикрга тўлиқ қўшиламиз.

-лар-ләр аффиксини олган сўзлар семантик томондан ҳозирги туркий тиллардан фарқ қилмайди.

2. Отларнинг кўплик категориясига - т(д) шакли ҳам мансублиги тўғрисида олимларнинг фикрлари мавжуд. Бу форма кўпроқ УП-ХП асрларда учрайди. Масалан: нойан (князь) (Қб), нойад-(князлар) (Қб), қаан (хон), қадд (Қб) (Хонлар), тарқан (Тун), тарқат (Кт) ва бошқалар.

Бу форма "Ҳибатул-ҳақойиқ", "Қиссаи Рабғузий"да учрамайди. Мазкур қўшимча тўғрисида туркологияда ҳар хил фикрлар мавжуд. Жумладан,С.Е.Маловнинг фикрича, бу форма мўғул тилидан ўзлаштирилган[1]. Масалан: тигин (шаҳзода), тигит (шаҳзодалар).

Бу қўшимчани олган сўзларга =лар (ләр) формаси ҳам қўшилиб келган. Бу ҳодиса "Олтун ёруқ" да учрайди. Масалан: Ол уч тигитләр куа чәчәк (Оё). Ол ики тигитләр мунча (Оё).

3. Қадимги ёзма обидаларда з(с) қўшимчалари кўплик маъносини ифодалаганлиги айрим ишларда қайд қилинади ва бунга мәңиз, кәкуз, әмуз (Кт), ағуз (Қб), бкз (Қб), скз (Кт) каби сўзлар келтирилади[2]. Бу каби сўзлар кўплик эмас, балки жуфт-

---

[1] С.Е.Малов. Памятники древнетюркской письменности, с.50-52.
[2] С.Е.Малов. Кўрсатилган асар, с. 52.

www.ziyouz.com kutubxonasi

лик маъносини ифодалайди. Мазкур сўзлар кўплик аффикси билан ҳам ишлатилади. Масалан: мәңизләр, кәкүзләр.

4. Ёзма обидаларда -ан (эн), -ун (үн), ғун (гүн), ғын (гин), қын (кин) ва бошқа шунга ўхшаш аффикслар ҳам кўплик маъносини ифодалаган деган фикр ҳам бор[1]. Аммо Маҳмуд Қошғарий -ан (эн) кўплик форма эмаслигини таъкидлайди[2].

Қадимги туркий тилда -д (т), -з(с), -аң -эң, -ун,-үн, -ғун,-гүн ва бошқа шу каби қўшимчалар отларнинг кўплик формасида келганлигига шубҳа туғдиради[3].

КЕЛИШИК КАТЕГОРИЯСИ. Отларнинг келишиклар билан турланиши бош келишикдаги ҳолатнинг ўзгаришидир. Келишиклар отларнинг бошқа сўзлар билан бўлган муносабатини кўрсатади. Бу муносабат предметнинг бошқа предмет билан, ё ҳаракат, ёки бошқа белги билан алоқасини, ифодалайди.

Қадимги туркий тил бўйича ёзилган ишларда келишиклар сони тўғрисида ҳам ҳар хиллик учрайди. Жумладан: В.В.Радлов ёзма обидалар тилида келишиклар сони 8 бўлган деса, И.А.Батманов 6 та бўлган, дейди. Аммо В.М.Насилов ва А.Исламовлар қадимда келишиклар 7 та бўлган деган фикрни баён қиладилар. Биз эса биринчи фикрга тўлиқ қўшилган ҳолда ёзма обидалар тилида бош келишик, қаратқич келишиги, тушум келишиги, жўналиш келишиги, ўрин келишиги, чиқиш келишиги, қурол-восита келишиги ва чегара келишиги бўлган деймиз. Қадимги туркий тилда келишикларнинг ишлатилишлари қуйидагилар билан характерланади.

Ҳозирда морфемаларга ажралмайдиган баъзи сўзлар таркибида келишиклар бўлган: соңра, ичрә, ташқару, ичкару ва б.

Қадимги туркий тилда бир ўзакка икки келишик қўшимчаси қўшилиб келган. Мәниңгә, сәниңтә, илгәру ва б.

Бир келишик ўрнида бошқа келишик алмашиниб ишлатилган. илиңә (элингда).

Сўзлар уюшиб келганларида, келишик қўшимчаси барча сўзларга, баъзан охирги сўзга қўшилган. Масалан: оңрә қытанйда, бәрийә табғачда, курыйа Қурдантда, йырайа Оғузда (Кт) ва б.

Келишик қўшимчасини олган сўз таркибида баъзан фонетик ўзгариш содир бўлади. Масалан: эна (Бх), әләрниң (Қб).

---

[1] А.Габен. Алттуркиш грамматик.
[2] М.Кошғарий. Девону луғатит-турк. I том, 105- бет.
[3] М.Кошғарий . Шу асар, 103- бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сўзларнинг қаттиқ ва юмшоқ ўзакли бўлишига қараб, келишикларнинг ҳар хил фонетик вариантлари қўшилади.

БОШ КЕЛИШИК Қадимги туркий тилда ҳам, ҳозирги туркий тиллардагидек, бош келишик морфологик кўрсаткичи бўлмаслиги билан характерланади.

Бош келишикда келган сўзнинг гапдаги асосий функцияси эга вазифасида келишидир. Масалан: Ул йигитләр айдилар. Билгә Тонйуқуқ бән өзум Табғач илиңә қылынтым (Тун.)

Бош келишикдаги сўз кесим ёки составли кесимнинг компоненти бўлиб ҳам келади.

Қаратқич, тушум ҳамда жўналиш келишиклари белгисиз қўлланганда, форма жиҳатдан бош келишикка ўхшайди. Лекин маъноси ва функцияси бўйича бутунлай фарқ қилади. Масалан, Билгә Тонйуқуқ, Бән өзум, Табғач илиңә қылынтым (Тун). Турк бодун қаның болмайин. (Тун.)

Бундан ташқари, гап бўлаклари билан грамматик жиҳатдан боғланмаган сўзлардан ундалма ҳам бош келишикдаги от билан ифодаланади. Шунингдек, номинатив гап ҳам одатда бош келишикда бўлади.

ҚАРАТҚИЧ КЕЛИШИГИ. Қаратқич келишиги аффикси -ның, -ниң, -нуң, -нүң, ың, -иң, -ун,-үн формаларида ишлатилган. Бир аффикснинг турлича кўринишларда ишлатилиши сўз таркибидаги унлиларнинг лабланган ёки лабланмаганлигига боғлиқдир. Сўз таркибида лабланган унли бўлса, - нуң, -нүң, -уң,-үң каби, лабланмаган унли бўлса, -ның, -ниң,-ың, -иң каби формаларда қўшилади. Масалан: Қағаның, тәңриниң, бодунин ва б.

Айрим ёдгорликларда эгалик аффиксларининг I шахс бирлиги ва кўплиги қаратқич келишиги аффикси функциясида ишлатилган. Масалан: Бәним ағам (Тун), бьзым әбимиз (Бх).

Қаратқич келишиги аффиксининг лабланмаган варианти унлилар бўлган сўзларга ҳам қўшилган. Масалан: улуснЫң (Хх)., көзниң (Рабғ.), йарақнуң (Хх).

Қаратқич келиши аффикси белгили ва белгисиз ҳолатда қўлланган. Қуйидаги ҳолларда белгили қўлланади: I. Қаратқич келишигидаги сўз олмошлар, жумладан кишилик олмошларидан бўлганда: мәниң (ДЛТ), сәниң (ДЛТ), аниң (Рабғ), 2. Қаратқич келишигидаги сўз сифат, сон ва сифатдошлардан бўлганда: сәвмишниң (Хх), 3. Қаратқич билан қаралмиш ўртасида сўз-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лар бўлганда, 5. Қаратқич атоқли отлардан бўлганда: тадиқан чорнинг боз аты (Кт).

Қаратқич келишигидаги отлар уюшиб келганда келишик аффикси ҳар бир бўлакка ёки охирги бўлакка қўшилган.

Қаратқич келишигидаги сўзнинг белгисиз қўлланиши қадимги туркий тилда кўпроқ учрайди. Масалан:

Кѳрүг сабы антағ (Тўн) (Кузатувчининг гапи шундай).

ТУШУМ КЕЛИШИГИ . Қадимги туркий тилда тушум келишиги -ғ (ығ, -уғ), -г (-иг,-уг), -н (ын,-ун, -ун), -ны (-ни, -ну,-ну ) -ы , -и каби формаларда бўлган.

Ҳозирги туркий тилларда тушум келишигидаги сўз ўзи билан муносабатда бўлган феъл билан шундай боғланган бўладики, бошқа ҳеч қандай келишик бу қадар зичликка эга бўлмайди. Худди ана шундай хусусият қадимги туркий тилда ҳам учрайди.

Тушум келишиги аффиксининг -ғ, -(ығ, -уғ)шакли бу даврда адабий тил формаси сифатида ишлатилган.

Тушум келишиги аффиксининг бу шаклининг ишлатилишида маълум қонуниятлар бўлган. Сўз таркибида тил орқа унлиси бўлса ва сўз унли билан тугаган бўлса, - ғ шакли,ундош билан тугаган бўлса -ы -ғ шакли қўшилган.

Масалан: табғачығ (Тўн), сабығ (Кт), қағанығ (Кт), ышығ (ДЛТ) учарығ (Кт) ва бошқалар.

Тушум келишигининг -уғ шакли сўз таркибида унли бор сўзларга қўшилган. Унли билан тугаган сўзга-ғ, ундош билан тугаган сўзга эса - уғ шакли қўшилган. Масалан: бодунуғ (Тўн), савуғ (Оё), боғузуғ (ДЛТ).

Тушум келишиги аффиксининг -г (-иг, -уг)шакли ҳам ўзига хос хусусият га эга. Сўзда тил олди лаблашмаган унли бўлса, сўзнинг охири ундош билан тугаса, -г шаклида, ундош билан тугаса -иг шаклида қўшилади. Масалан: сүг (Тўн), исиг (Кт), йиринсиг (Оё), кѳкмәгиг (Ен) ва б.

Тушум келишигининг -уг формаси эса сўзнинг таркибида лабланган унли бўлса, сўзнинг охири ундош билан тугаса, қўшилади. Масалан: кучуг (Кт), олуғуг (Қб), окуғуг (Кт), сѳзүг (Ҳх) ва х.

Тушум келишиги аффиксининг -н (-ын, -ин, -ун, -үн) формаси ҳам шу давр тили учун характерлидир. Тушум келишиги аффиксининг -н шакли охири унли билан тугаган сўзларга қўшилади. Масалан:

www.ziyouz.com kutubxonasi

бәрчәсин (Кт), тәрусин (Тўн).

Сўзларнинг охири ундошлар билан тугаганда, сўзнинг ўзаги қаттиқ ва юмшоқлигига қараб ын, -ун, -ин, -ӱн каби шаклларидан бири қўшилади. Масалан, бодунун (Кт), толун (Оё), каның (Тўн), йабгусын (Бх), оғузун (Ўнг).

Қадимги туркий тилда тушум келишиги аффиксининг -ны, -ни, ну, -нӱ шакллари ҳам истеъмолда бўлган.

Тушум келишиги аффиксининг -ны ва -ну шакли тил орқа (-ны), лабланган ( -ну), унлиси бор сўзларга қўшилади. Масалан: алтуньмны (Рабғ.)

Тушум келишиги аффиксининг -ни, -нӱ шакли сўз таркибида тил олди (-ни), лабланган (-нӱ) унлиси бор сўзларга қўшилади. Масалан: бизни (Тўн).

Тушум келишигининг -и шакллари ҳам бўлган. Бу -ны ва -ни шаклининг қисқарган формасидир. Бу қисқарган формалар асосан XI-XIУ асрлар ёзма обидаларида, асосан поэзияда учрайди.

Тушум келишиги аффиксининг -ы, -и шакллари охири ундош билан тугаган сўзларга қўшилади.

-ы шакли қаттиқ ўзакли сўзларга, -и шакли эса юмшоқ ўзакли сўзларга қўшилади. Масалан: қойьмы (ДЛТ), озуми (Рабғ.).

Қадимги туркий тилда тушум келишиги белгили ва белгисиз қўлланган. Қуйидаги ўринларда белгили қўлланган: I. Atoқли ва турдош отлар тушум келишигида келганда. Масалан: сабымын тукәти әшидгил (Кт).

2. Сифат, сон, сифатдош ва ҳаракат номи тушум келишигида келганда. Масалан: тиләгусин алди (Унг). Кимкә әлиг қазғанурман (Кт).

3. Тушум келишигидаги сўз билан уни бошқарувчи феъл ўртасида сўзлар бўлганда.

4. Тушум келишигидаги сўз кўрсатиш олмошларидан бўлганда ёки тушум келишигидаги сўз ўз аниқловчисига эга бўлганда: Мән бу сөзни айтмадим (Тафс.).

Қадимги туркий тилда тушум келишиги белгисиз ҳам қўлланган. Масалан: Ол орук чәпчәп йутди (ДЛТ). Өтукән йәр олуруп арқыш тиркиш ысар (Кт).

Қадимги туркий тилда тушум келишиги формасида бўлган сўзлар уюшиб келганларида тушум келишиги аффикси барчасига қўшилган. Масалан: Турк бодун, әлинин төрунин ким артати (Кт).

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тушум келишиги аффикси қаратқич келишиги ўрнида ҳам кела олган, бундай ҳолда қаралмишда эгалик аффиксининг бўлмаганлиги ҳам характерлидир. Қырқыз қағанығ балбал тикдим (Кт).

ЖЎНАЛИШ КЕЛИШИГИ. Қадимги туркий тилда жўналиш келишиги аффикси турли фонетик кўринишларда бўлиб, булар -қа, кә, -ға, гә, -а,-ә, -қару, -кәру, -ғару, -гәру, -ра, -рә, -ру,-рү кабилардир.

Жўналиш келишиги аффиксининг сўзларга қўшилиши қуйидагича:

а) -қа формаси жарангсиз ундош билан тугаган сўзларга қўшилса, -ға варианти эса унли ёки жарангли ундош билан тугаган сўзга қўшилади. Масалан: Тамға, қолға, таққа, қылычқа ва шу кабилар. Бу қонуният XI асрда ўзгарабошлаган: зикрйақа (Ҳх), қончиқа (ДЛТ).

-кә, -гә вариантлари юмшоқ ўзакли сўзларга қўшилади: Кәккә (ДЛТ), ишкә (Ҳх), тилгә (Ҳх).

Жўналиш келишигининг -а, -ә вариантлари ҳам кенг истеъмолда бўлган: үзә қағаныма (Кт). Бу вариантлар I-II шахс эгалик аффиксининг бирлик ва кўплик формаси билан тугаган сўзларга ҳам қўшилади: Орнума, хизматыңа. Охири III шахс эгалик аффикси билан тугаган сўзларга жўналиш келишиги аффикси қўшилганда қўшимчадан олдин бир- н ундоши орттирилади. Масалан: айақына (Ҳх), отурусуна (ДЛТ).

Жўналиш келишиги аффиксининг -ғару, -гәру, -қару, -кәру, -ру, -рү, -ра,-рә вариантларининг сўзларга қўшилиши ҳам сингармонизмга асосланган. Масалан, оғузғару (Рабғ.), әбгәру (Кт), йоғару (Кт), йурәкрә (Оё), башра (ДЛТ), түбрә (ДЛТ), кезрә (ДЛТ), әбру (Оё), тобәру (ДЛТ) ва б.

Жўналиш келишиги аффикси бошқа келишиклар ўрнида ҳам ишлатилган. Масалан: Табғач илиңә (Табғач элида) қыльнтым (тарбияландим ) (Тўн).

ЎРИН КЕЛИШИГИ. Ўрин келишиги - да, -дә, -та, -тә каби вариантларда бўлган. Буларнинг сўзларга қўшилиши қуйидагича бўлган:

-да, -дә вариантлари охири унли ва жарангли ундош билан тугаган сўзларга қўшилган. Масалан: бағларда (Ун), йузундә (Бх).

-та, -тә вариантлари охири жарангсиз ундош билан туга-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган сўзларга қўшилади. Масалан :иштә (Ҳх), йурттә (ҲҲ).

Бошқа келишикларда бўлгани каби, ўрин келишигидан олдин бир -н товуши орттирилади: Масалан: оғлынта (Кт), тубинтә (Қб), эшикинтә (Ҳх), башында (Рабғ.),

Ўрин келишиги аффикси чиқиш келишиги ўрнида ҳам ишлатилган. Бу хусусият асосан УI-ХП асрлар ёзма обидалар тилида кўпроқ учрайди. Масалан :қырқызда йантымыз (Қирғиздан қайтдик) (Ўнг).

ЧИҚИШ КЕЛИШИГИ. Чиқиш келишиги аффикси -дан, -дән, -дын, -дин, -дун, дүн, -тан, -тән, -тын, -тин, -тун, -тун каби формаларда ишлатилган.

Айрим ишларда қадимги туркий тилда ҳозирги чиқиш ва ўрин пайт келишиги қўшимчалари асосан бир кўринишга эга дейилади. Аммо юқоридаги аффикслар ҳам формал, ҳам маъно жиҳатдан бутунлай фарқ қилиши кўриниб турибди. Чиқиш келишиги аффиксининг қўлланишида ҳам сингармонизм қонуниятига амал қилинган. Қаттиқ ўзакли сўзларга -дын, -дун, -дан, тан, -тун, -тын шакли қўшилса, юмшоқ ўзакли сўзларга эса қолганлари қўшилган. Масалан: бундән (Кт), қантан (Бх), оғуздун (Унг), таштан (Ҳх), илдин (Ҳх), йиринтән (Рабғ.)

УI-ХI асрларда чиқиш келишиги аффикси сўзларга такрор ҳолда ҳам қўшилган: тагдындын (Ҳх), оғуздантан (Тўн) ва бошқалар.

Чиқиш келишиги аффиксининг қўлланиши яна қуйидагилар билан характерланади: биринчидан, кишилик олмошларига қўшилганда, ундан аввал қаратқич келишиги орттирилади: Мәниңдин ; иккинчидан, сўз таркибида келишикдан олдин бир- н товуши орттирилади: йоллындын, ичиндән.

ҚУРОЛ-ВОСИТА КЕЛИШИГИ. Қурол-восита келишиги иш-ҳаракат билан иш-ҳаракат қуроли ёки воситаси ўртасидаги боғланишни билдиради. Қурол-восита келишиги -н, -ын, -ин, -ун, -үн кабилардан иборат. Масалан: Көзүн көрмәдүк, қулқақын эшидмәдүк (Кт).

Қурол-восита келишиги формасидаги сўзларнинг кўпчилиги равиш маъносига силжиган.

Айрим туркий тилларда қурол-восита келишиги маъноси ХIУ асрдан кейин бирлә, билан, илә, минән каби кўмакчилар орқали

www.ziyouz.com kutubxonasi

ифодалана бошланган.

ЧЕГАРА КЕЛИШИГИ. Қадимги ёзма обидаларда учрайдиган -ча, -чә, -ғача, -гәчә аффиксларини В.В.Радлов, С.Е.Малов, А.К.Боровков, А.М.Шчербак каби тилшунослар алоҳида бир келишик формаси деб қарайдилар. Лекин буни номлашда икки хил фикр мавжуд. В.В.Радлов, А.К.Боровков бу формани миқдор келишиги деган термин билан атасалар, А.М.Шчербак эса чегара келишиги деб атайди. Шу формада келган сўз предмет ёки иш-ҳаракатнинг масофа, вақт, ҳамда миқдор жиҳатидан чегарасини кўрсатишга хизмат қилади. Масалан: табғачғача, абгача (уйгача).

-ча ва -ғача аффикси грамматик маъно ифодалаш жиҳатидан бир бирига яқин бўлса-да, улар орасида фарқлар бор. -ча аффиксини олган сўз чегара, миқдор, ҳажм маъносини таққослаш йўли билан ифодаласа, -ғача формасида келган сўзда чегара маъноси ўрин нуқтаи назаридан фиодаланади, яъни - ғача аффикси ўрин маъносини ифодаловчи сўзларга қўшилади.

## ОТЛАРНИНГ ЯСАЛИШИ

От икки хил усул билан ясалган : аффиксация усули ва синтактик усул.

<u>Аффиксация усулида от ясалиши.</u> Бу усул билан отдан ва феълдан от ясалган.

Қуйидаги аффикслар қадимги туркий тилда актив сўз ясовчилар ҳисобланади

-чы,-чи аффикси билан ясалган отлар касб, ҳунар ва бирор юмуш билан шуғулланувчи шахсларни билдирган. Масалан: айғучы (Тўн), йәрчи (Кт), йоғчы (Кт).

-лық, -лик, -луқ, -лығ, -лиг, -луғ,-луг аффикси орқали отдан от ясалади. Бу аффиксларнинг қайси бири қўшилиши сингармонизм қонунияти билан боғлиқ. Бундан ташқари, бу аффикс отдан сифат ҳам ясаган. Демак, бу аффикс икки функцияни бажарган. (бу ҳақда "Сифат" қисмига қаранг).

Бу аффикс билан ясалган отлар мавҳумлик, макон, мансаб, алоқадорлик, яқинлик маъноларини билдиради. Масалан: Атлығ бармыш (Тўн). Башлығығ йүкүнтүрмис (Кт). Үзәгүлик (Рабғ.), чәруқлуқ (Унг), йәмишлик (Қб).

-даш, -дәш, -таш, -тәш аффикси. Бу отларга қўшилиб, биргалик ва яқинлик каби маъноларни ифодалайди. Масалан: қадаш (Бх),

www.ziyouz.com kutubxonasi

адаш қадаш /Ён/ /дўст/ Қолдаш /Олт./.

- ан,-ән,-ун,-ун аффикси. Бу аффикс отларга қўшилиб, ёруғлик маъносини билдирган. Масалан: йолын /оё/, йаран, қарын /Йб/.

- қақ,-кәк,-ғақ,-гәк аффикси. Отларга қўшилиб нарса ва предмет маъносини ифодалайди. Масалан: эркәк /Бх/, тозғақ /ХХ/.

- қу,-ку,-ғу,-гу аффикси. Отларга қўшилиб мавхум отларни ясайди. Масалан: бәлгу /оё/, бәлиндәгу /оё/, йукунгу /Кт/.

-ық,-ик,-иғ,-иг аффикси отларга қўшилиб нарса ва предмет тушунчасини билдиради. Масалан: йымшақ /Кт/, орнақ /оё/, отруғ /Ён/, қарақ /оё/.

-ш,-ыш,-иш,-уш,-уш аффикси феълларга қўшилиб нарса ва предмет маъносини билдиради. Масалан: қабыш /Мч/, бақыш /Кч/.

- ма,-мә аффикси феълдан от ясайди: йалма /плаш/ /Мч/.

- сық,-сик,-сук,-сук аффикси феълга қўшилиб нарса,предмет отини ясайди. Масалан: батсық /Ён./, тогсык /Кт./.

- дук,-дук,-тук,-тук аффикси отдан от ясаган. Масалан: бурундук /Рабғ./, орундук /ХХ/.

- қақ,-кәк,-ғақ,-гәк аффикси ҳам феълдан от ясаган. Масалан: тозғақ /Унг/.

Маҳмуд Кошғарийнинг таъкидлашича, "Феълдан ясалган отлар феъл охирига ўн икки ҳарфдан бирини қўшиш билан ясалади. Бу ҳарфлар -а,т,ч,ш,ғ,қ,к,г,д,м,н,у каби ҳарфлардир"[1].

Сўзларнинг охири ундош товуш билан тугаганда, сўз ясовчи ҳарфлардан /яъни қўшимчалардан/ олдин бир унли товуш орттирилган. Қаттиқ ўзакли сўз бўлса, -а,-ы,-у,-о ҳарфлари, агар юмшоқ ўзакли сўз бўлса, -ә,-и,-о,-у каби ҳарфлардан бири орттирилади.

-а,-ә аффикси. Бу аффикс феълларга қўшилиб, қариндошлик ёки предмет тушунчасини билдирган. Масалан: билгә /ДЛТ/, ува /ХХ/ ва б.

- т,-д,-ыт,-ит,ыд,-ид,-ут,-ут,-ат,-әт аффикси. Бу аффикс билан ясалган от шахс ёки касб тушунчасини билдирган. Масалан: сығыт /ДЛТ/, манут /ХХ/.

-ч,-ыч,-ич,-уч,-уч,-ач,-әч аффикси билан ясалган отлар. көмәч /ДЛТ/, сәвинч /ХХ/, әкунч /Рабғ/.

---

I М. Кошғарий. Девону луғотит-турк, 5I-55-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

- ш,-ыш,-иш,-уш,-уш,-ош,-,-аш,-эш аффикси билан ясалган отлар: билиш /ДЛТ/, соңуш /Кт/, йэмиш /оё/.

-г,-ғ,-ығ,-иг,-уғ,-аг,-эг аффикси билан ясалган отлар: Битиг, арыг /ДЛТ/, қышлағ /ДЛТ/.

-қ,-ық,-иқ,-уқ,-уқ,-ақ,-эк,-оқ,-уқ аффикси билан ясалган отлар: йазуқ /Унг/, йаруқ /Мч/, қылық /Рабғ./ тутмоқ /Бх/.

-к,-ық,-уқ,-эк,-ук аффикси билан ясалган отлар: йурэк /Кч/, тилэк /Мн/.

-л,-эл,-ил,-ул,-ул аффикси билан ясалган отлар: инэл /оё/, тукэл /Тўн/.

-м,-ым,-им,-ум,-ум аффикси билан ясалган отлар: батым /Кт/, олум /Бх/, йарим /Оё/, алым /Қб/, йазым /ДЛТ/.

-н,-ын,-ин,-ан,-эн,-ун,-ун аффикси билан ясалган отлар: йалын /Кт/, экин /Оё/, булун /Унг/ ақын /ДЛТ/, йығын.

Синтактик усулда ясалган отлар. Қадимги туркий тилда, ҳозирги туркий тилларда бўлганидек, бирдан ортиқ мустақил сўзларнинг ўзаро тенг ёки эргашиш усулида ҳамда иккинчи компонентида фонетик ўзгариш билан от ясалиши учрайди.

Қўшма отлар қуйидагича ясалган.

Икки мустақил сўзнинг ўзаро бирикиши натижасида. Масалан: Кул тигин /Кт/, Билга қоғон /Бх/, йылықол /Қб/, Буғрахан /Оё/, Башбалық /Унг/, Қарақум /Тўн/.

Бир-бирига маъно жиҳатдан яқин бўлган сўзлар жуфтлашган: ачу-апа /ота-бобо/ /Кт/.

Биринчи компонентига нисбатан иккинчи компонентида фонетик ўзгариш юз бериши орқали: эвиргэн тэвиргэн /ДЛТ/.

## СИФАТ

Қадимги туркий тилда сифатлар ҳам мустақил сўз туркумларидан биридир. Сифатлар маъноси ва тузилишига кўра аслий ва нисбий сифатларга бўлинади.

Аслий сифатлар. Аслий сифатлар семантик жиҳатдан нарса ва предметнинг рангини билдиради: қызыл қан /Бх/, қара тэр /Бх/, сарығ алтун /Кт/, ақ кумуш /Унг/, көк тэнри /Кт/, қызыл қайа /Суж./.

Нарса ва предметнинг тусини билдиради: йағиз йэр /Кт/, торығ ат /Бх/.

Нарса ва предметнинг шаклини, ҳажмини билдиради: эгри тэбэ

www.ziyouz.com kutubxonasi

/иб/, сәмиз буқа, торуқ буқа /тўн/, аз бодун, өкушбодун /Кт/.

Нарса ва предметнинг характер-хусусиятини билдиради: әдгу киси /Бх/, силиг бәг /Кт/, йаблақ киси /Кт/, анйығ киси /Кт/, чыған бодун /Бх/.

Нарса ва предметнинг мазасини, таъмини билдиради: сучуг саб /ширин сўз/ Кт/.

НИСБИЙ СИФАТЛАР. Қадимги туркий тилда нисбий сифатлар аффиксация ва композиция усули билан ясалади. Қуйидаги аффикслар сифат ва бошқа сўз туркумларидан сифат ясайди:

-сыз,-сиз,-суз,-сүз аффикси орқали ясалган сифатлар нарса ва предметда бирор белги-хусусиятнинг йўқлигини ифодалайди: Билигсиз қаған /Кт/, тонсиз бодун /Бх/.

- лық,-лиг,-луғ,-луг аффикси билан ясалган сифатлар нарса, предметнинг бирор белгига, хусусиятга эга эканлигини билдиради: атлығ ар /тўн/, қағанлығ бодун, әллиг бодун /Кт/.

Ўз аффикси орқали ясалган сифатлар отга қўшилиб сифат ясайди: йавуз /ҲХ/.

- ғы,-ги,-чыл,-чил аффикслари ҳам сифат ясашда актив қўлланган. Йарынғы /эрталабки/, кәзинги /кейинги/ /ҲХ/.

- Ан,-ән,-үн аффикси орқали сифат ясалади. Масалан: Әран киси /эр киши/ /ҲХ/, тузун /ҲХ/ /тузук/.

- ық,-ик,-уғ,-үг,-ығ,-иг аффикси орқали ясалган сифатлар ҳолат, ҳаракат ва яқинлик билан боғлиқ бўлган белгини билдиради: қуруғ таш /Рабғ./

- ун,-үн аффикси орқали ясалган сифатлар нарса ва предметдаги белгига эгаликни англатади: Толун ай /ШПТ/.

Сифат ясовчи аффиксларнинг ҳар хил фонетик вариантларда қўлланиши ҳам, бошқа қўшимчалар сингари сингармонизм қонунига боғлиқдир.

Синтактик усул билан ясалган сифатлар қадимги туркий тилда ўзига хос хусусиятга эга. Бу усулда сифатлар бирдан ортиқ сўздан ташкил топиб, биргина маънони ифодалайди: ақ торуқ ат /Кт/, иринч йарлығ әр /Кб/, ак боз ат /Кт/.

СИФАТ ДАРАЖАЛАРИ. Қадимги туркий тилда сифат даражалари сифатлар олдидан бирор сўзни қўллаш ёки сифатларга бирор аффиксни қўшиш орқали ҳосил бўлади. Сифат даражалари қуйидаги маънони ифодалайди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нарса ва предметдаги белгининг бошқа предметдаги белгидан ортиқлигини билдиради ва бунда сифат олдидан аң, әң,анйыг, тугәл каби сўзлар қўлланади. Бу сўзлар ҳозирги ўзбек тилидаги энг,жуда,ҳеч каби сўзларга тўғри келади: анйыг әдгу,ким, әң илки, анйыг йаблақ, /Кт/.

Юқоридаги сўзлар билан бир қаторда тым,тим сўзлари ҳам қўлланган: тым қара /ҲҲ/.

Кучайтириш, орттириш маънолари такрорлаш йўли билан ҳам ифодаланган. Масалан: Улуғ улуғи.

Белгининг кучсизлиги - шил, -чил, -симан, -мтил аффиксларининг қўшилиши орқали ҳосил бўлади: ақчыл, қарамтыл, қарасыман, кокумтил ва б.

- рақ, -рәк, -ру аффикси белгининг бирор белгидан ортиқ ёки бироз камлигини кўрсатади: қатығрақ /ҲҲ/, йигрәк /Рабғ./, кәкру /ҲҲ/.

## СОН

Сон қадимги туркий тилда ҳам нарса ва предметларнинг сони, миқдори ва тартибини билдиради. УI-ХI асрлардаги ёзма ёдгорликларда сонга оид бир хусусият бор. Бу хусусият шундан иборатки, бунда бирлик олдин айтилиб, ундан кейин шу сонга оид ўнлик эмас, ундан кейинги ўнлик айтилади: йәти отуз /йигирма етти/, бир қирқ /ўттиз бир/, бир отуз /йигирма бир/ /Кт/. Санашнинг бу тартиби ХI асргача қўлланган, ХI асрдан кейин эса ҳозиргидек қўлланган.

Сонлар морфологик структурасига кўра бир неча группаларга бўлинади. Булар қуйидагилардир:

САНОҚ СОН. Бу турдаги сонлар морфологик кўрсаткичларга эга эмас.

Саноқ сонлар конкрет миқдорни билдиради: бир,әки,уч,тәрт, бәс,алты,йәти, йигирми, отуз,алик, йуз,миң,тумән /I0000/ ва ҳ.

Саноқ сонлар орасида <u>бир</u> сони ўзининг функциясига кўра бошқа сонлардан ажралиб туради. Бир сони конкрет аниқ миқдорни кўрсатишдан ташқари баъзан ноаниқликни ҳам билдиради.

ТАРТИБ СОН. Тартиб сонлар саноқ сон негизига - ынч,-инч, -унч,-үнч,-нты,-нти каби аффиксларни қўшиш орқали ҳосил бўлади. Масалан: үчүнч, ўнунч, йигирминч, икинти.

Туркологик адабиётларда тартиб сонларнинг ҳосил бўлиши

www.ziyouz.com kutubxonasi

тўғрисида ҳар хил фикр учрайди. П.М.Мелиоранскийнинг фикрича, саноқ сонларга қўшилиб, тартиб сон ясовчи аффикснинг қисқарган формаси – нч бўлиб, у энг қадимги формадир. А.М.Шчербак эса, аксинча, тўлиқ варианти -нчи энг қадимги форма деган фикрни баён қилади.

– инчи аффиксининг охиридаги и элементини эса А.М.Шчербак феълдан ясалган отларга қўшилувчи Ш шахс эгалик аффикси деб талқин қилади. Бунинг устига – нчи формаси – авинчу /отилган/ каби қадимги сифатдошларнинг бир кўриниши бўлиши ҳам мумкин, деб -нч га нисбатан – нчи формаси қадимийроқ бўлса керак, дейди.

– нти формаси фақат ики сонига қўшилади: икинти /иккинчи/ /Кт/. Бу форма ақынди суб /оқинди сув/, инкинди тариқ /экилган тариқ/ каби сўзларда сифатдошни ҳосил қилган.

Қадимий туркий тилда тартиб сонни билдирувчи юқоридаги аффикслардан ташқари – ланчы,-лэнчи аффикси ҳам бўлган. Бу асосан XIУ асрда учрайди. тортланчы,бэшланчи /Тафс./.

ЖАМЛОВЧИ СОН. Саноқ сонларга – ағу,-эгу,-ала,-элэ,-ов, -овлан аффиксларидан бирини қўшиш орқали жамловчи сон ҳосил бўлади.

Бу аффикслар келиб чиқиши ва ёдномаларда қўлланиши жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Масалан: бирэгу /Сув/, учэгу /Тўн/, экун, алтағу /Унг/.

ТАҚСИМ СОН. Саноқ сонларга – /р/ ар,-эр,-ын,-ин,-/ш/ар,-эр,-/с/ар,-эр аффиксларидан бирини қўшиш орқали тақсим сонлар ҳосил қилинади. Масалан: бирэр /Унг/, учэр учрэр,тоқусар бирин,экин /Унг/,миң ар, алтырар /Рабғ./.

Тақсим сон ҳосил қилишда -ар,-эр қўшилганда, бу қўшимчалардан олдин -р ёки ш /с/ товушлари орттирилади: алтышар, икирар ва б.

Шуни қайд қилиш лозимки, дона сон маъноси кўпинча саноқ сон билан ҳам ифодаланган. Бу ҳодиса УI-XIУ асрлар учун ҳам характерлидир. Масалан: икиси йэрда /икки ерда/ /Рабғ./ Суси уч биң эрмиш, биз эки биң эртимиз /Тўн/–лашқари уч минг/та/ экан, биз икки минг /та/ эдик.

ЧАМА СОН. Саноқ сонларга – ча,-чэ аффиксини қўшиш орқали чама сон ҳосил бўлади. Бироқ УI-XIУ аср ёзма обидаларида чама сон сонларни такрор ва жуфт қўллаш орқали ҳам ифодаланган. торт-бэс /ТТ/, эки-уч биң /тўн/, бирики соат /Рабғ./.

www.ziyouz.com kutubxonasi

НУМЕРАТИВ СЎЗЛАР. Қадимги туркий тилда сонлар билан бир қаторда нумератив сўзлар ҳам ишлатилган.

Нумератив сўзлар ўз лексик маъносини бутунлай ёки қисман йўқотган, турланиш системасига эга бўлмайдиган ва конкрет миқдорни кўрсатувчи сонлар билан доимо бирга ишлатиладиган сўзлардир.

Сонлардан кейин йолы, қат/а/, қол,-тас /таш/, мәртәбә, таза, ағыз, жуфт, пора каби бошқа сўз туркумларидан ўтган сўзлар нумеративлар вазифасини бажаради. Масалан: торт йолы /тўрт марта/ /кт/, миң қата /минг марта/ /ҲҲ/, отуз тас, он қол /ҲҲ/.

## ОЛМОШ

Ҳозирги туркий тилларда олмошлар номлаш ва сўз ясаш хусусиятига эга эмаслиги билан бошқа сўз туркумларидан фарқ қилгани каби, қадимги туркий тилда ҳам ана шу хусусиятларга эга.

Олмошлар от, сифат ва сон ўрнида қўлланади. У ўзининг семантик ва функционал хусусиятларига қараб бир неча группаларга бўлинади.

I. Кишилик олмошлари.
2. Ўзлик олмошлари.
3. Кўрсатиш олмошлари.
4. Сўроқ олмошлари.
5. Белгилаш олмошлари.
6. Бўлишсизлик олмошлари.
7. Гумон олмошлари.

## КИШИЛИК ОЛМОШЛАРИ

Кишилик олмошлари биринчи ва иккинчи шахсда махсус сўзлар билан ифодаланган, учинчи шахсда кўрсатиш олмошидан кишилик олмоши сифатида фойдаланилган.

Кишилик олмошлари биринчи ва иккинчи шахсда бән, мән шаклига эга: бән /Тўн/, мән /Кт/.

Иккинчи шахс кишилик олмошлари сән шаклига эга.

Биринчи ва иккинчи шахс кўплиги биз /бис/, сиз /сиз/дир.

Туркологик адабиётларда кишилик олмошларининг биринчи ва иккинчи шахс формалари қадимги даврда би ва си шаклида бўлган, уларнинг таркибидаги - н товушини бирлик ифодаловчи, -з товушини эса кўплик ифодаловчи форма деб ҳисоблайдилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Аммо қадимги туркий тилда мазкур кишилик олмошлари би ва си шаклида учрамайди, балки /бэн/ мэн, сэн, биз ва сиз шаклида учрайди: Мэн табғач қағанта бэдизчи кэлуртим /кт/ - Мен табғач хоқонидан наққош келтирдим; қағаным бэн эбгэру тушэйин, тэди /тўн/ - хоқоним, мен уйга тушайин, деди.

Шу сабабли олмошлардаги н, з ни сонни ифодалайди дейишга ҳеч бир асос йўқ. Олмошларнинг мэн, ман,сэн,сан шаклларида келиши тўғрисида М.Кошғарий тўғри изоҳ берган[1].

Учинчи шахс кишилик олмошлари ол, ул эгалик ва келишиклар билан турланганда ва кўплик қўшимчасини олганда эса ан,эн шаклларида бўлган, яъни унинг таркибида фонетик ўзгариш содир бўлади. Уни қуйидаги таблицада кўриш мумкин:

| I шахс | | II шахс | | III шахс | |
|---|---|---|---|---|---|
| бирлик | кўплик | бирлик | кўплик | бирлик | кўплик |
| Б.к.бэн-мэн | биз | сэн | сиз-сизлэр | ол | алар |
| Қ.к./и/ бэниң мэниң | бизниң | сэниң | сизиң | аның | аларның |
| Ж.к. /а/ бэңэ,маңа | бизиңэ | саңа | сизиңэ | аңару, ана | аларқа |
| Т.к.бэни,мэни | биз ни | сэни | сиз/н/и | аны | аларны |
| Ў.п.мэнтэ | бизинтэ<br>бизнитэ | сэнтэ<br>сэнтэдэ | сизинтэ<br>сизнидэ | анта | - |
| - | - | - | - | | - |

ЎЗЛИК ОЛМОШИ. Қадимги туркий тилда өз олмоши билан бирга, унинг синоними билан бирга, унинг синоними сифатида кэнду, кэнту ҳам ишлатилган. Ўзлик олмоши маъноси ва грамматик хусусиятлари жиҳатидан ҳозирги туркий, жумладан, ўзбек адабий тилидаги ўзлик олмошидан фарқ қилмайди. Бироқ қўлланиш доираси бирдай эмас. Жумладан, VI-XI асрда ўзлик олмошининг ҳар иккала кўриниши актив ишлатилган бўлса, XII-XIV асрда кэнту /кэнду/ формаси сийрак учрай бошлайди. Аммо өз олмоши VI-XIV асрлар тилида ҳам, ундан кейин ҳам актив ишлатилиб келинган.

1 М. Кошғарий. Девону луғотит-турк, III том.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Өз олмоши аниқловчи вазифасида келиб, аниқланаётган предметнинг маълум шахсга тегишлилигини билдиради. Масалан: Өз ўузини көрди /Рабғ./. Өзи әнчә кәргәк болмыс /Кт/.

Өз олмоши аслида от туркумига мансуб бўлиб "нафс", "жон" каби маъноларни ифодалайди[1]. Ана шу маънолари қадимги туркий тилда кўп қўлланади.

Айрим ўринларда өз ва кәнду олмошлари жуфт ва такрор ҳолда ишлатилиб, бир маънони ифодалаган: өзу кәнду йакрәк билур эрди /Тафс./ Өз-өзини көрдилар.

Қадимги туркий тилда өз ва кәнду /кәнту/ олмошлари эгалик, келишик аффикслари билан турланган.

Шахсларда ифодаланиши

| Шахс | Бирлик | Кўплик |
|---|---|---|
| I шахс | өзум, өзим | өзумиз, өзимиз |
| II шахс | өзуң, өзин | өзуңиз, өзиңиз |
| III шахс | өзи | өзләри |
| I шахс | кәндум, кәнтим | кәндумиз, кәнтумиз |
| II шахс | кәндун, кәнтин | кәндуңиз, кәнтуңиз |
| III шахс | кәнду | кәндулар |

Келишикларда турланиши

| Бош келишик | Қаратқич келишиги | Тушум келишиги | Восита келишиги | Жўналиш келишиги | Ўрин келишиги | Чиқиш келишиги | Чегара келишиги |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Өз | өзуң | өзин<br>өзини | өзин | өзимә<br>өзиңә<br>өзумкә<br>өзикә | өзтә<br>өздә | өзләринтын | өзгәчә |
| Кәнту | кәнтуң | кәнтун /н/ | | кәнтукә<br>кәнтун | кәнтутә | кәнту | кәнтунгәчә |

I Ғ.Абдураҳмонов, А.Рустамов. Қадимги туркий тил , 34-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

КЎРСАТИШ ОЛМОШЛАРИ. Қадимги туркий тилида кўрсатиш олмошларининг ол, бу, мун, аны, анта, уду, ул, у, они, оша, ошул, ошал, ушбу ва бошқа шунга ўхшаш кўринишлари бўлган.

УI-Х асрларда кўпроқ ол; Ол эки киси /Тўн/, бу /бу йолун/ /Тўн/, анта /Тўн/, бол /Мч/, /бўл/, аны /Кт/, оша /Унг/, ошу /Унг/ каби кўрсатиш олмошлари ишлатилган. Бу олмошларнинг функцияси турлича бўлган. Жумладан, анта кўрсатиш олмоши ўша, ўшанда, ўшандай, шу каби олмошлар ўрнида қўлланилган.

Х-ХIУ асрлар ёзма обидаларида юқоридаги кўрсатиш олмошлари билан бир қаторда у /ДЛТ/, оны /ДЛТ/, эни /ДЛТ/, ул /ДЛТ/, ошал /юз/, оша /юз/, ошул /ХХ/, ушбу /юз/ каби олмошлар қўлланилган.

Агар УI-ХI асрларда кўрсатиш олмошларининг архаик шакли ишлатилган бўлса, Х-ХIУ асрларда эса айрим олмошларнинг қисқарган /ол,у/ ҳамда мураккаб шакллари ишлатилган. Бу олмошлардан ол, ул, у юқорида айтилганидек, кишилик олмошининг Ш шахс бирлиги ўрнида хам ишлатилган.

Қадимги туркий тилда ол, бу мун /ул,у/ каби олмошлар бирбирларидан қуйидагича фарқ қилади.

Бу, мун олмоши фазо ва масофа нуқтаи назаридан яқиндаги предметларни кўрсатади. Ол /у/ эса узоқ масофадаги нарса ва предметни кўрсатиш учун хизмат қилади.

Вақт ва замон нуқтаи назардан эса бу, мун олмошлари яқин вақт ичида бўлган воқеа-ҳодисани билдирса, Ол /ул, у/ олмоши эса илгари бўлиб ўтган воқеа-ҳодисани кўрсатиш учун хизмат қилади.

ол /ул,у/ олмоши нутқ моментида ҳозир бўлмаган шахс ёки предметни кўрсатади. Шу сабабли ҳам, юқорида қайд қилинганидек, ол /ул, у/ олмоши кишилик олмошлари функциясини ҳам бажаради.

Қадимий туркий тилда уш, ушбу, оша, ошал, ошул, эни, шул каби олмошлар предмет, шахс, воқеа-ҳодиса ёки иш-ҳаракатнинг нутқ моментида мавжуд эканлигини таъкидлаб ва ажратиб кўрсатиш учун ишлатилган.

Кўрсатиш олмошлари келишиклар билан турланганда, олмошлар таркибида фонетик ўзгариш содир бўлади /таблицага қаранг/.

www.ziyouz.com kutubxonasi

| Бош келишик | Қаратқич келишиги | Тушум келишиги | Қурол восита келишиги | Жўналиш келишиги | Ўрин келишиги | Чиқиш келишиги | Чегара келишиги |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Ол,бул, | аның | аны | аның | ана | анда | андин | аныңгача |
| ул, у | мунуң | буны | оның | бунә | бунда | мундин | муңгача |
| | | они | мунун | она | анта | оңдын | |
| | | мунун | | муна | мунтә | | |

СЎРОҚ ОЛМОШЛАРИ. Қадимги туркий тилда ким /кими/, нәкә /нега/, нә, қаны, нәчук, нәчә - нәчә, нәлук, нәчә, нәчук, нәтәк, қай, нәки каби сўроқ олмошлари ишлатилган.

УI-Х асрларда нәкә /Тўн/, нәң-нәң /Кт/, нә/Оё/, қаны /Кт/, ким /Оё/, нәчук /Оё/, нәгә,- нәгә /Оё/ каби сўроқ олмошлари кўпроқ ишлатилган.

Х-ХIУ асрларда эса қадимдан қўлланиб келаётган сўроқ олмошлари билан бирга нәлук /ДЛТ/, нәчук /Рабғ/, нәчә /Қб/, нәтәк /ҲҲ/, нәки /ҲҲ/, қай /Рабғ./ каби сўроқ олмошлари ҳам ишлатилган, ким, кимәрсә каби сўроқ олмошлари шахсларга нисбатан ишлатилган, нәчә /нәгә/, нә, қаны, нәлук, нәчук, нәгә каби сўроқ олмошлари нарса ва предмет, яъни жонли ва жонсиз предметларга нисбатан қўлланган.

Айрим ўринларда нарса ва предметларга ишлатиладиган сўроқ олмошлари шахсларга нисбатан ҳам ишлатилаверган. Масалан: Атын нә турур /Рабғ./.

Кўп ўринларда предмет сонини аниқлаш мақсадида ҳам сўроқ олмошлари қўлланган. Масалан: Нәчә биз, нәчә сурдиләр /Рабғ./ ва бошқалар. Наңнаң сўроқ олмоши эса фақат УII-УШ аср обидаларига хосдир: Наңнаң сабым эрсәр баңгу ташқа уртым /Кт/ - Нимаики сўзим бўлса,мангу тангга ўйиб ёздим.

БИРГАЛИК ОЛМОШЛАРИ. Қадимги туркий тилда қамуғ, әнчә /бәлчә/, алқу, қоп, тәзу, өкуш /өгуш/, ҳама, тумән, тәм каби биргалик олмошлари ишлатилган.

УI-Х асрларда қамуғ /Оё/, қоп /Кт/, тәзә /Бх/, нәчә /Тўн/, алқу /Оё/ каби биргалик олмошлари ишлатилган бўлса, Х-ХIУ асрларда юқоридаги биргалик олмошлари билан бирга өкуш /өгуш/ /ДЛТ/, ҳама /Рабғ./, тумән /Рабғ./ каби биргалик олмошлари қўлланган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Биргалик олмошлари от, сифат ва сон ўрнида келиб, нарса ва предмет миқдорини, саноғини билдирган.

УI-Х асрларда алқу, қоп биргалик олмошлари ишлатилган бўлса, XI асрдан кейин унинг эквиваленти сифатида араб тилидан ўзлашган ҳама /ҳамма/ ва жам каби биргалик олмошлари ишлатилган.

БЕЛГИЛАШ ОЛМОШЛАРИ. Қадимги туркий тилда ҳар киши, ҳар неча, тәкмә каби белгилаш олмошлари бўлган.

УI-Х асрларда белгилаш олмошлари деярли учрамайди. Фақат йа ўрни билан белгилаш олмоши вазифасида ишлатилган. Х-ХIУ асрларда тәкмә /Рабғ/, ҳар нәчә, ҳар ким /Рабғ./ каби белгилаш олмошлари ишлатилгандир.

Йәмә сўзи ўрни билан боғловчи ва равиш функциясида ҳам ишлатилган.

УI-Х асрда белгилаш олмошининг содда шакли ишлатилган бўлса, Х-ХIУ асрларда мураккаб формалари қўллана бошлайди.

Белгилаш олмошларнинг асосий функцияси ҳозирги ўзбек тилидаги сингари, предмет ёки воқеа-ҳодисани ажратиб кўрсатиш, таъкидлаш ва маънони кучайтириш учун хизмат қилади.

БЎЛИШСИЗЛИК ОЛМОШЛАРИ. Қадимги туркий тилда фалан, ҳеч ким, ҳеч кимәрсә, ҳеч нимәгә каби бўлишсизлик олмошлари бўлган.

Х-ХIУ асрларда ҳеч кимәгә /ДЛТ/, нә /Рабғ./, ҳеч кимәрсә, фалак /Тафс./, ҳеч ким /Тафс./, ҳеч тони /Мн/ каби бўлишсизлик олмошлари ишлатилган.

Х-ХIУ асрларда бўлишсизлик олмошларининг содда ва мураккаб /ҳеч кимәрсә, ҳеч ким/ формалари бўлган.

ХI-ХIУ асрлардан кейин қадимги туркий тилда форс-тожик тилидан ўзлаштирилган ҳеч ва фалак шакллари кўпроқ қўлланилган. Бу сўзлар қадимдан қўлланилиб келинаётган нә сўзининг синоними ҳисобланади.

ГУМОН ОЛМОШЛАРИ. Қадимги туркий тилда бирәгу, бирәв, фалан, кимәрсә, кимсә каби гумон олмошлари ишлатилган. Бу гумон олмошлари фақат Х-ХIУ асрларда яратилган ёзма обидаларда учрайди. Масалан: бирәгу /Рабғ./, бирәв /Мн/, фалан,кимсә, нәәрсә /Рабғ./ ва бошқалар.

Гумон олмошлари лексик-семантик томондан нарса ва предметларнинг, шахсларнинг номаълум эканлигини ифодалайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

# ФЕЪЛ

Қадимги туркий тилда феъл ўзининг лексик-семантик хусусиятларига эга. Феъллар замон вамаконлаги иш-ҳаракатни, шунингдек, предмет ва ҳодисалар жараёнини ифодалайди. Грамматикада иш-ҳаракат, нарса ва ҳодисадаги процесс тушунчалари жуда кенг. Улэдим /Кт/, ичикди /Тўн/, бэртим /Тўн/, болты /Тўн/, ақди /ДДТ/, кэл /Қб/ ва бошқа шунга ўхшаш феъллар ҳолатни, ўзгаришларни ифодалайди. Феълларнинг ҳаммасида замон, шахс ва бошқа феъл категориялари ўрин олган.

Қадимги туркий тилдаги феълларни икки группага - мустақил феъллар, ёрдамчи феълларга бўлиш мумкин.

Мустақил феъллар гапда бирор сўзни бошқариб келади. Ёрдамчи феълларда бундай хусусиятлар бўлмайди. Бу феъллар мустақил феъллар билан келиб, мустақил феълнинг маъносига қўшимча маъно беришга хизмат қилади.

Қадимги туркий тилда алқынты /тугади/ /Тўн/, өлти /ўлди/, /Тўн/, болты /бўлди/, бэрти /борди/ кэлти /келди/ /Кт/ кабилар энг актив қўлланган мустақил феъллардир. Бироқ мустақил феъллар кўмакчи феъллар вазифасида ҳам ишлатилган.

Ёрдамчи феъллар сифатида эрти /эди/ /Тўн/, эрмиш /эмиш/, эринч /экан/, эрса /эса/ Кт/ кабиларни кўрсатиш мумкин. /Булар ҳақида қуйида батафсил тўхталамиз/.

Феъл туркумига мансуб сўзлар шахс-сонда тусланиши, майл, бўлишли ва бўлишсизлик, феъл нисбатлари, замон категориясига эга бўлиши, функционал формалари ва бошқа хусусиятлари билан бошқа сўз туркумларидан фарқ қилади.

МУСТАҚИЛ ФЕЪЛЛАР. Мустақил феъллар гапда содда кесим вазифасида ишлатилади ва ўзига мансуб бўлган сўзни бошқариб келади. Масалан: Ат бэртим /от бердим/ /Бх/. Аңар адынчыг барақ йаратуртым /Кт/ - Унга махсус зиёратгоҳ яратдим.

Мустақил феълларни ҳаракатнинг объектга бўлган муносабатига қараб, объектли феъллар ва объектсиз феъллар каби турларга ҳам бўлиш мумкин. Объектли феъллар тушум келишигида бўлган сўзларни бошқарса, объектсиз феъллар эса бундай хусусиятларга эга бўлмайди.

Қадимий туркий тилда алды, қалди, урди, ишлади ва бошқа шу кабилар объектли феъллар ҳисобланса, кэт - /кет-/, болди

www.ziyouz.com kutubxonasi

кабилар эса объектив феълллардир.

Объектли ва объектсиз феъллар ҳам майл, шахс-сон, замон, бўлишли-бўлишсизлик, нисбат категорияларига эга.

ЁРДАМЧИ ФЕЪЛЛАР. Ёрдамчи феъллар бевосита бўлган ҳаракатни билдирмайди, балки етакчи феъллардан кейин келиб, етакчи феълнинг маъносини кенгайтириб, қўшимча маъно ифодалашга хизмат қилади.

Қадимги туркий тилида ёрдамчи феълларга эт, сулэ, бол, эшид, башла, тур, йур, бэр, йат, ол, қой ва бошқа шунга ўхшашларни кўрсатиш мумкин. Буларнинг кўмакчи феъл вазифаси контекстда реаллашади.

Ёрдамчи феъллар ўзларининг англатган маънолари ва структурасига кўра қўшма феъллардан фарқ қилади. Қўшма феъллар биргина тушунчани ифодалайди: барыб кэлмэк (Рабғ.).

Аммо аналитик усул билан ҳосил бўлган мустақил ва кўмакчи феъллар бирикувидан қўшма феъллар ҳосил бўлади, қўшимча маъно оттенкалари кўмакчи феъллар орқали ҳосил бўлади: тутэ бир, ити бир, эшиду бир (Тун.); от-ёрдамчи феъл структураси аналитик усул билан ясалган феълларнинг типик намунасидир: Масалан: сабымын, тукэти эсидгил, қаған болты, қан бэртим (Кт) ва бошқалар.

ТЎЛИҚСИЗ ФЕЪЛ. Тўлиқсиз феъл қадимги туркий тилда ҳам ёрдамчи феъл туридир. Ҳозирги ўзбек тилида умуман туркий тилларда ҳам эди, экан, эмиш, эмас каби тўлиқсиз феъллар бўлса, қадимги туркий тилда ҳам ана шу феълларнинг турли архаик кўринишлари бор. Булар эрмис, эрти, эрсэ, эринч каби формалардир.

Эринч сўзи баъзи ўринда тўлиқсиз феъл (экан) вазифасида ишлатилса, баъзан модал (эҳтимол,шекилли) вазифасида ишлатилган. Эринч сўзи тўлиқсиз феъл вазифасида X асрдан кейин архаиклашиб қолиб, бу даврда модал маънода ишлатила бошлайди. Аммо тўлиқсиз феълларнинг қолган барчаси эса X-XIУ асрларда ҳам кенг истеъмолда бўлган.

Эринч, эрти, эрмиш тўлиқсиз феъллари ҳаракат маъносини ифодаламайди, аммо шахс-сонда тусланади. Бироқ бу аффикс қўшма феълнинг биринчи компонентига тегишли бўлади. Шунингдек, мустақил ва кўмакчи феълга хос бўлишли-бўлишсизлик, нисбат, замон категорияларига ҳам эга эмас.

Масалан: Адырылмышда сақынур эртимиз (Бх) - вафот этганда биз ғам чекдик.

www.ziyouz.com kutubxonasi

## ФЕЪЛНИНГ БЎЛИШЛИ ВА БЎЛИШСИЗЛИК КАТЕГОРИЯСИ

Қадимги туркий тилда феъллар бўлишли ва бўлишсизлик формада бўлади.

Бўлишли формада ҳеч қандай қўшимча қўшилмайди: өлурти, сулэди /Кт/. Бўлишсиз формаси эса феълларга – ма,– мэ аффиксини қўшиш ёки эрмас ёки йоқ сўзлари ёрдамида ифодаланади: [illegible]лынмадуқ эринч /Кт/, қатун йоқ болмыш эрти /Тўн/.

## ФЕЪЛНИНГ ТУСЛАНИШ ФОРМАЛАРИ

Қадимий туркий тилда ҳам феъллар шахс-сонда тусланади. Аммо шахс – сон формалари ҳозиргидан фарқ қилади.

Биринчи группада биринчи ва иккинчи шахс бирлик ҳамда кўпликда кишилик олмошлари предикатив аффикси сифатида келади.

| бирлик | кўплик |
|---|---|
| I шахс – мэн /бэн/ | – быз, – биз |
| II шахс – сен | – сыз, – сиз |
| III шахс – ол | ол |

Шахс-сон аффиксларининг мазкур формалари – мыш,-миш,-ған, -уб,-үб,а,-э,-ар,-эр,-ғай,-гэй,-тэчи каби замон формаларини олган феълларга қўшилади: барамыш мен, турарбыз, турарсиз, қалтачы биз /Тўн/, қамылтачы ол, йайлайур турурмэн /Иб/.

Қисқарган формалари қуйидагича:

| бирлик | кўплик |
|---|---|
| I шахс – м | – мыз,-миз,-муз,-мүз,-маз,-мэз |
| II шахс – ң | – ңыз/лар/, ңиз/лэр/ |
| III шахс – | |

Масалан, кэлуртум /Ен/, бартум /Унг/, басдымыз /Кт/, йуқуштумуз /Унг/.

Шахс-сон аффиксининг қисқарган формалари -ды,-ди,-ты,-ти, -са,-сэ,-ғу,-гу аффикси билан тугаган феълларга қўшилади. Масалан: санчдым /Кт/, коруңиз /Унг/, кэлтуңиз /Иб/, барсаңыз /Тўн/.

www.ziyouz.com kutubxonasi

## ФЕЪЛ МАЙЛЛАРИ

Феъл майлларининг қуйидаги турлари бор: I/ буйруқ майли; 2/ истак майли; 3/ шарт майли; 4/ аниқлик майли.

БУЙРУҚ МАЙЛИ. Қадимги туркий тилда феълнинг буйруқ майли формаси турли шахсларда турлича бўлган. Бу майл феъл ўзагига ғыл,-гил,-қыл,-кил,-ын,-ин /лар/ каби қўшимчаларни қўшиш билан ҳосил бўлади. Қатығланғыл /Ён,29/, қылғыл /ТТ,27/.

-зун,-су,-су аффиксининг қўшилиши билан Ш шахс буйруқ феъли ҳосил бўлади: барзун /Тўн/, эрмазун /Унг/, йитмэзун /Унг/.

ИСТАК МАЙЛИ. Феъл ўзагига - айын,-эйин,-йын,-йин,-алым,-элим,-лим,-лым,-зун,-зун,-сун,-сун аффиксларининг қўшилиши орқали феълнинг истак майли ҳосил бўлади. Бундай феъл формалари истак, илтимос, хоҳиш ва бошқа шунга ўхшаш маъноларни ифодалайди. Масалан: айын /Тўн/, йоғлатайын, адырылмайын /Оа), өлэлим,сулэлим /Тўн/.

ШАРТ МАЙЛИ. Қадимги туркий тилда феъл -са/р/,-сэ/р/,-за/р/,-зэ/р/ аффиксларининг қўшилиши орқали феълнинг шарт майли формаси ҳосил бўлади. Масалан, эрсэр /Кт/, сулэмэсэр /Тўн/ ысар /Кт/, басмасар /Кт/ ва бошқа шу кабилар. Феълнинг шарт майли формаси иш-ҳаракатнинг бажарилишидаги шартни билдиради.

АНИҚЛИК МАЙЛИ. Аниқлик майли махсус қўшимчага эга эмаслиги билан юқоридаги майл турларидан фарқ қилади. Феълнинг ўтган, ҳозирги ва келаси замон формалари аниқлик майлида бўлади. Феълларда замон эса - ур,-үр,-ар,-эр,-йур,-йур,- ғалыр,-гэлир, -дачы,-дэчи,-йын,-йин,-ғай,-гэй,-ру,-гу,-ғулуқ,-гүлүк,-тур,-түр, -дуқ,-дук,-тыг,-тиг,-эрти,-мыш,-мум эрти,-тучи эрмиш ва бошқалар орқали ҳосил бўлади ва аниқлик майлида бўлади. Масалан: илсират /Кт/, олуртым /Кт/, сулатдимиз /Тўн/ ва ҳ.

## ФЕЪЛ ЗАМОНЛАРИ

Қадимги туркий тилда ҳам феъл замон категориясига эга. Феъл уч замонда ифодаланади:

Ўтган замон феъли

Ҳозирги замон феъли

Келаси замон феъли.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ХОЗИРГИ ЗАМОН ФЕЪЛИ -ур,-үр,-ар,-әр,-йур,-йүр,-ыр,-ир каби аффикслар ва шахс-сон аффиксларини қўшиш орқали ҳосил бўлади:

| | бирлик | кўплик |
|---|---|---|
| I шахс | барурман | барурмыз |
| II шахс | барурсан | барурсыз |
| III шахс | барур | барур |

Бу феъл формаси иш-ҳаракатнинг давом этишини, қандай вақтда содир бўлаётганлигини ифодалайди: сақынурман /Тўн/ мәнгләйүрмән /иб/.

ЎТГАН ЗАМОН ФЕЪЛИ. Феъл ўзакларига -д,-т,-йуқ,-йүк,-йуғ,-йүгәр,-дуқ,-дүк;-дук,-дуғ,-дук /+ эрти/ -дық,-дик,-мыш,-миш /+ эрти/ каби аффиксларни ва шахс-сонни қўшиш билан феълнинг ўтган замон формаси ҳосил бўлади.

| | бирлик | кўплик |
|---|---|---|
| I шахс | қылтым | қылтымыз |
| II шахс | қылтың | қылтыңыз |
| III шахс | қылты | қылты |

Бу аффикслар орқали ҳосил бўлган ўтган замон феъли иш-ҳаракатнинг ўтмишда аниқ бажарилганлигини, сўзловчининг ўзи кўрган ва билгани ҳақидаги аниқ хабарни ифодалайди.

КЕЛАСИ ЗАМОН ФЕЪЛИ. Қадимги туркий тилда келаси замон феълини ҳосил қилиш учун феъл ўзагига - ғу,гү,-қу,-кү,-ғай,-гәй,-қай,-кәй,-дачы,-дәчи,-тачы,-тәчи аффикслари ва шахс-сон аффикслари қўшилади. барғусы /Х/, барғумыз, барғуңыз /ХХ/, йатқай, билмәгәйсән, салғаймыз, сақлағайсыз /Кб/.

## ФЕЪЛ ДАРАЖАЛАРИ

Қадимги туркий тилда феъл даражалари иш-ҳаракатнинг бажарувчига бўлган муносабатини билдиради. Бу муносабат феъл ўзагига махсус аффикслар қўшилиш орқали ифодаланади. Феъл даражалари бош даража, ўзлик даража, мажҳул даража, орттирма даража ва биргалик даражаларга бўлинади.

БОШ ДАРАЖА. Бош даража махсус аффиксга эга эмас. Ҳаракатнинг эга билан ифодаланган шахс ёки предмет томонидан бажарилганлиги ёки бажарилмаганлигини кўрсатади. Ифодаланган маъносига қараб ўтимли ёки ўтимсизлик группаларини ташкил этади. Ўтимсиз феъллар ўтимли феъллар каби тушум келишиги формасида бошқа-

www.ziyouz.com kutubxonasi

риш хусусиятига эга бўлади. Масалан: Кәгмән йыныг аша /Кўгман тоғини ошиб/ /КТ/.

ЎЗЛИК ДАРАЖА. Феъл ўзак-негизларига - н,-ун,-ўн,-ын,-ин аффиксининг қўшилиши билан ўзлик даража ҳосил бўлади. Масалан: корун-,-қылын,-билин- ва б. Ўрни билан ўзлик даража мажҳуллик маъносида ҳам келади.[1]

МАЖҲУЛ ДАРАЖА. Феъл ўзак-негизларига -л,-ул,-ўл,-ыл,-к,-к,-сиқ,-туқ,-тук аффиксларининг қўшилиши билан мажҳул даража ҳосил бўлади. Масалан: әтил- сачыл,-алыл,-йаңыл,-адырыл;- оқсын ва урсукмыш /Оё/ - ўқ билан урилган.

ОРТТИРМА ДАРАЖА. Феъл ўзак-негизларига -т,-ут,-ўт,-ыт,-ит, -р,-ур,-ўр,-ыр,-ир,-тур,-тўр,-дыр,-дир,-дур,-дўр,-гур,- гўр ва бошқа шунга ўхшаш аффиксларнинг қўшилиши билан феълнинг орттирма даражалари ҳосил бўлади. Масалан: йарат,- қачур,-йукунтур,-йоңшур,-туркур,- ва б.

БИРГАЛИК ДАРАЖА. Феъл ўзак-негизларига -ш,-уш,-ўш,ыш,-иш аффикслари қўшилиши билан феълнинг биргалик даражаси ҳосил бўлади. Масалан: сонгушмыш, сақынмыш ва б.

## ФЕЪЛЛАРНИНГ ЯСАЛИШИ

Феъллар аффиксация ва композиция усуллари билан ясалади.

Аффиксация усулида ясалган феъллар.

Отлардан феъл ясаш. Қадимги туркий тилда -ла,-лә,-ад,-әд,-ра,-рә,-қар,-кәр,-а,-ә,-са,-сә,-сын,син,-ық,-ик каби аффикслар отдан феъл ясашда актив бўлган:

-ла,-лә, а,-ә аффикслари билан ясалган феъллар иш-ҳаракатнинг англашилган предмет воситасида бажарилиши, шу предметга эга бўлиши, белгига ўхшаш каби хилма-хил маъноларни ифодалайди Масалан: аша /Унг/ йарлықа /Рабғ./, тәшә /Қб/, манақла /Рабғ./, бәркле /Тафс./, Бәдизлә /Бх/.

- қар,-кәр,-гәр аффикси ўзакдан англашилган предмет ва ҳолатга эгаликни билдиради. Масалан: башқар /ДЛТ/, өткәрур /ДЛТ/, кәнгәр /Тафс./.

-ық,-ик,сын,-син каби аффикслардан ясалган феъллар иш-ҳаракат мавжудлигини ифодалайди. Масалан: йолық /Унг/, ташық /Кт/, йағық /Бх/, йолук /ДЛТ/, улуғсын /Рабғ./.

---

1 Қаранг: Э.Фозилов. Ўзбек тилининг тарихий морфологияси, 124-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

- са,-сә,-ыт,-ит каби аффикслардан феъллар ясалади. Масалан: барыгса /Кт/, сувсаса /Рабғ./, бузәт /Тафс/, бәркит /Рабғ./.

-ай,-әй,-сын,-син аффикслари сифатдан феъл ясашда ҳам кенг қўлланган. Масалан: йашар /Рабғ./, тупәр /Тафс./ өрупәр /Тафс./.

## КОМПОЗИЦИЯ УСУЛИДА ЯСАЛГАН ФЕЪЛЛАР

Композиция усули билан қўшма /жуфт ва такрор/ феъллар ҳосил бўлади. Қўшма феълларнинг ўзига хос хусусиятлари шундаки, уларнинг етакчи компоненти сифатида от,сифат ва отлашган сўзлар қатнашади.

Қадимги туркий тилда қўшма феъллар кўпроқ әрмиш, эринч, әрсар формаси орқали ҳосил бўлади.

Әрмиш форманти сифатдош формалари билан бирикиб қўшма феъл ҳосил қилади. Жумладан, бу формант - ур,-ур сифатдоши билан бирикиб тугалланмаган ўтган замон феълини юзага келтиради. Масалан: ырақ бодунуғ анча йағытур әрмиш /Кт/ - /Йироқдаги халқни шундай қилиб яқинлаштирар экан/.

Ҳудди шундай маъно әрмиш формантининг -мыш,-миш сифатдоши билан бирикишидан ҳам ҳосил бўлади. Масалан: Адығлы тоңузли узә суңушмыш әрмиш /ИБ/- Айиқ билан тўнғиз довон устида учрашган экан.

Әринч форманти аслида әр-ин-ч шаклида морфемаларга бўлинувчи эрмоқ сўзининг ўзлик даражасидаги формасидан ясалган. Чунки шу йўл билан ясалган ва кишининг ҳис-туйғусини, психологик аҳволини англатувчи севинч, қўрқинч, қувонч, ишонч, соғинч, ўкинч каби бир қанча отлар борки, булар ҳам тузилиш жиҳатидан шу сўзгә ўхшайди. Аммо әринч сўзи ҳозирги туркий тилнинг биронтасида учрамайди. Ёдгорликларда ҳам бу сўз қадимги сўз ясаш усулининг қолдиғи сифатида кўзга ташланади. Аммо әринч сўзидаги - ч элементи қанақа аффикс эканлиги ҳозирча аниқ эмас. Әринч сўзи қўшма феъл составида ёки от кесимда боғлама сифатида келиб, ички ҳис-туйғу билан боғлиқ бўлган иш-ҳаракатни ифодалайди. Масалан: Ичикдук учун тәңри "өл" тәмиш әринч /Кт/ - Чекинганинг учун тангри "ўл" деган шекилли.

- сар,-сәр феъл ўзагига қўшилганда, шарт маъносидан ташқари, иш-ҳаракатни бажаришга бўлган интилиш, истак маъноларини ифодалаш учун ҳам хизмат қилади. Шунинг учун ҳам әрсәр форманти билан келган қўшма феъллар иш-ҳаракатининг шартини, истаги-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ни, зарурниятини билдирувчи модал форма сифатида ишлатилади. Масалан: ырақ эрсэр йаблақ ағы бэрур, йағық эрсэр эдгу ағы бэрур /Кт/ - йироқ бўлса, ёмон ипак беради, йақиш бўлса, яхши ипак беради.

Қадимги туркий тилда биринчи компоненти - а,-э,-йу,-йу,-ун,-ун,-упан-упэн каби равишдош формаларига кўмакчи феълларнинг қўшилишидан ҳам қўшма феъллар ҳосил бўлади. Масалан: турэ кэлди /Тафс./, кэлэ башлады /Ун/, Уруп йығлайур /Рабг./.

## ФЕЪЛНИНГ ФУНКЦИОНАЛ ФОРМАЛАРИ

Қадимги туркий тилда феълнинг функционал формалари ҳам ўз ифодасини топган. Бу формалар нинг айримлари келишик, эгалик аффиксларини олиб, от функциясини бажарган, аниқловчи, тўлдирувчи ва ҳол вазифасида қўлланган. Шунинг учун ҳам бундай вазифаларда қўлланган феъл формалари феълнинг функционал формалари дейилади. Аниқроғи, бундай формалар, биринчидан, феъл функциясини, иккинчидан, от /кенг маънода/ функциясини бажаради. Булар ҳаракат номи, равишдош ва сифатдош формаларидир.

ҲАРАКАТ НОМИ. Қадимги туркий тилда ҳаракат номи қуйидагича ҳосил бўлади:

Феълларга - мақ,-мэк,-мағ,-мэг аффикси қўшилиши билан ҳаракат номи ҳосил бўлади: оғрамақ, өлмэк /Қб/. эрмамак, кэчирмэк /ДЛТ/.

-мақ,-мэк аффиксини олган ҳаракат номи бош келишикда келиши мумкин. Бош келишикдаги ҳаракат номи формаси эга ёки составли кесим компонентида келади. Ҳаракат номи баъзан келишик формаларида қўлланиши мумкин. Келишик қўшимчасини олган ҳаракат номи гапнинг иккинчи даражали бўлаклари вазифасида келади. Масалан: Эй, Азиз, бу битиг оқымақда мақсудың на турур?

Феълларга - ыш /-иш,-ыс/-ис,-уш,-үш аффиксининг қўшилиши билан ҳаракат номи ҳосил бўлади. Масалан: сунуш /Кт/, барыш /ДЛТ/ ва бошқалар. Бу форма грамматик хусусиятлари ва англатган маънолари жиҳатидан юқоридаги формага жуда яқин туради.

Феълларга - у,-ув,-үв аффиксини қўшиш билан ҳаракат номи ҳосил бўлади: олув /Кт/, өлү /Кт/ ва бошқалар. Бу формада келган ҳаракат номи гапнинг турли бўлаклари вазифасида қўллана олиши мумкин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Феълларга - ғу,-гу,-қу,-ку,-гу аффиксини қўшиш билан ҳаракат номи ҳосил бўлади. Масалан: урушғу, қылғу,йоғу, тиләгу /ДЛТ/, бәргу ва бошқалар. Бу форма гапда турли келишик формасида келади. Шунинг учун бу формадаги ҳаракат номи ҳам гапнинг турли бўлаклари вазифасида келади.

РАВИШДОШ ФОРМАЛАРИ. Равишдошлар ўзича кесим бўлиб кела олмайдиган, тусланмайдиган, шахсли феълларга қўшимча маъно берувчи феъл формасидир. Равишдошлар шахсли феъл формалари ўрнида қўлланиб, қўшма феълларнинг етакчи компоненти бўлиб келади. Равишдошлар қуйидагича ҳосил бўлади:

Феъл ўзагига -у,-ү аффиксини ёки унли билан битган феъл ўзагига -йу,-йү аффиксини қўшиш йўли билан равишдошлар ҳосил бўлади. Масалан: қазғану /қозона/, сақыну /ўйлай/, ычғыну /чиқариб/, қылу /қила/, көрдү /кўра/, оплайу /ҳамла қилиб/, башлайу /бошлаб/ ва ҳ.

Феъл негизига -а,-ә аффиксини қўшиш билан равишдош ясалади. Масалан: ача /оча/, тикы, эгә, йэлвирә, үчә. Шунингдек, шу турдаги равишдошнинг яна - ы,-и билан ясалган формаси ҳам бор. Масалан: олы /ола/, ити /этиб/.

Равишдошнинг юқоридаги формаларининг баъзилари аста-секин лексик-грамматик жиҳатдан мустақиллик касб этиб, кўмакчи ёки равишларга айланиб қолган. Жумладан, тәги сўзи аслида тегмоқ феълининг ўзагига - и аффиксининг қўшилишидан ҳосил бўлган равишдош бўлиб, кейинчалик равишдошлик хусусиятини йўқотган ва кўмакчи бўлиб қолган. Масалан: Тәмир қапығқа тәги сулэдимиз /Темир дарвозагача бордик/.

Аслида равишдош бўлган тукаты /бутунлай/ сўзи эса равишга силжиган.

Феъл ўзакларига -п, -ып,-ип аффиксини қўшиш йўли билан равишдош ҳосил бўлади. Масалан: алып, артурып, йапып, қазганып, өкүнип, олурып /Кт/. Бу формадаги равишдош шахссиз формада бўлади ва шахсли феъл-кесим билан бирга келади. Масалан: йағы болып... йана ичикмиш /Кт/ - Душман бўлиб... яна қарам бўлди. Ку эсидип, балықдақы тағықмыш, тағдақы инмис /Кт/ - Хабар эшитиб, шаҳардагилар тоққа чиқдилар, тоғдагилар пастга тушдилар.

Феълларга - пан,-пән аффикси қўшилиши билан ҳосил бўлади. Туркологик адабиётларда уни равишдошларнинг юқоридаги формасининг ривожланган формаси деб карайдилар. Масалан: Олурыпан

турк бодунын элин, төр /ус/ин тута бәрмис, ити бәрмиш /Кт/ /Тахтга/ ўтириб турк халқининг элини , давлатини қонун-қоидаларини тутиб турган, амалга оширган.

Феъл ўзагига -маты,-мәти,-мады,-мәтин,-мажин,-мәдин аффиксини қўшиш билан ҳосил бўлади. Мазкур равишдош - п ёки - пан, пән аффикси билан ясалган равишдошга нисбатан бўлишсизлик формаси сифатида ишлатилади. Тун удымаТы, күндуз олурматы, қызыл қаным төкти, қара тәрим йигурти /Тўн/- Тун ухламай, кундуз ўтирмай, қизил қонимни тўкдим, қора теримни оқиздим.

Равишдошнинг юқоридаги формалари шуни кўрсатдики, шу равишдошни ҳосил қилувчи - ты,-ти морфемаси ҳолликни кўрсатувчи морфема ҳисобланади. Чунки бу морфема кўпинча равиш ясовчи аффикс сифатида ишлатилади. Масалан: эдгути /яхшилаб/, тукәти /тугал/.

Феъл ўзагига -йын,-йин аффиксини қўшиш орқали ҳосил бўлади. - йын,-йин билан ясалувчи равишдош инкор формаси ва функцияси жиҳатидан - маты,-мәти,-матын,-мәтин билан ҳосил бўлувчи равишдошга тўғри келади. Бу равишдошнинг бўлишли формаси учун қадимги туркий тилда битта мисол бору бу тәйин сўзидир. Масалан: Турк бодун йоқ болмазун тәйин, бодун болчун тәйин /Кт/ - Турк халқи йўқ бўлмасин деб, халқ бўлсин деб... Сабыантағ: олуруң тәйин тәмиш /Тўн/ - Сўзи шундай: ўтиринг деб айтди.

Феъл ўзагига - ғалы,- ғәли аффиксини қўшиш йўли билан ясалади.- ғалы,-гәли билан ясалган равишдошнинг асосий маъноси иш-ҳаракатнинг бажарилишидан бўлган мақсадни ифодалашдир. Масалан: Өд тәңри йасар, киши оғлы қоп өлгәли төрмиш /Кт/ - Дунёни тангри яратади, одам боласи эса ўладиган бўлиб туғилган.

СИФАТДОШ ФОРМАЛАРИ. Қадимги туркий тилда сифатдошлар ҳам феълнинг, ҳам сифатнинг хусусиятларига эга. Сифатдошлар бўлишли ва бўлишсизликка, ўтимли ва ўтимсизлик,даража формаларига, шунингдек, модаллик ва замон категориясига эга. Сифатдошлар отлашганда эса от категориясига хос бўлган грамматик қонуниятларга эга бўлади, яъни кўплик, келишик ва эгалик аффиксини қабул қилади. Гапда эга, тўлдирувчи ва ҳол бўлиб кела олади. Сифатдошлар феъл вазифасида эса тусланади. Кўмакчи феъллар билан бирикканда сифатдошлар тусланишининг мураккаб формаларини юзага келтиради. Сифатдошлар қуйидаги аффикслар орқали ҳосил бўлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Феъл ўзагига - дачи,-дэчи,-тачы,-тэчи каби аффиксларни қўшиш орқали: өлтэчи /Кт/, олуртэчи /Кт/, көртэчи /Кт/. Бу сифатдошлар ҳозирги-келаси замон маъносида қўлланади: Ол йиргэру барсар, турк бодун, өлтэчисэн /Кт/ - У ерга борсанг, турк халқи,ўлажаксан. Өтукэн йыш өлурсэр, бэңу эл тута олуртачысан /Кт/ - Ўтукан тоғида яшасанг, мангу давлатни сақлаб туражаксан.

Феъл негизига - ур,-ур,-йур,-йур,-ыр,-ир,-ар,-эр аффикслари қўшилиши орқали: сақынур /Бх/, олурур /Кт/, кэлур /Кт/, қазғанур /Кт/, йашайур /Тўн/, тэгэр /Кт/, барыр /Кт/ ва б. Бу формада келган сифатдошлар ҳозирги замонда бўлаётган иш-ҳаракатни ифодалайди.

Феъл негизига - мыш,-миш,-мыс,-мис аффиксини қўшиш орқали: Масалан: басмыс /Унг/, кэлмис /Кт/, тутмыс /Тўн/, қазғанмыш /Кт/, эрмиш /Кт/ ва шу кабилар. Бундай сифатдошлар ўтган замонда эшитилганлик маъносини билдиради. Сифат маъносига эга бўлганда эса, гапда аниқловчи функциясида ишлатилади. Масалан: өгим қатуның көтурмиш тэңри /Кт/—Онам хотин ни кўтарган /улуғлаган/ тангри.

Феъл негизига - ығма,-игма,-уғма,-өгмэ,-ғучи,-гучи,-қучы, -кучи,-сығ,-сиг,-суғ,-суг,-сак,-сэк каби аффикслар қўшиш орқали: Масалан: йаратығма /Кт/, сақынығма /Кт/, кэлигмэ /Тўн/.

## РАВИШ

Қадимги туркий тилда, бошқа сўз туркумлари каби, равишлар ҳам ўз ифодасини топган. Равиш туркуми сўз ўзгартувчи аффикслар қабул қилмаслиги билан характерланади. Бу ҳол равишнинг бошқа сўз туркумларидан фарқланувчи хусусиятларидан биридир. Равишлар иш-ҳаракатнинг бажарилишидаги турли ҳолатларни ва ҳолатнинг белгисини билдиради. Гапда бошқа сўзлар билан битишув йўли билан боғланади. Равишларни қуйидагича группаларга ажратиш мумкин:

а/ соф равишлар: б/ бошқа сўз туркумларидан силжиган равишлар.

Соф равишлар. Ҳозирги ўзбек тилида бўлганидек, қадимги туркий тилда ҳам I/ ҳолатни : йана, тэз,сэкин /Рабғ./, зорға /ҲҲ/; миқдорни: коп, аз /ДЛТ/; 3/ пайтни: кэч, эрта /букун/;

www.ziyouz.com kutubxonasi

4/ масофани: узак, йакын; 5/ уринни: алдида, аркада ва бошка шу каби маъноларни билдирган.

Бошка сўз туркумлардан силжиган равишлар эса отлардан ва феъллардан ўтган равишлардир.

Отлардан ўтган равишлар пайт, микдор, даража, чегара ва ўрин каби маъноларни, феълдан ўтган равишлар эса ҳолат маъносини ифодалайди.

Булар куйидагича ҳолатларда юз беради.

Кадимги туркий тилда курол-восита келишиги формасида бўлган отлар кўп ўринда равиш функциясида ишлатилган. Бундай равишларга йадағын, йалакын /Кт/, йакын /Оё/, /Рабғ./, тунун /ҲҲ/, йарын /Мн/, тэркин /Оё/, кунтузун /Мн/ ва бошка шу кабиларни кўрсатиш мумкин.

Жўналиш келишиги формасида бўлган отлар ҳам кўп ўринларда равиш вазифасида келган. Бундай равишларга йазнқа /Кт/ ичрэ /Кт/,нэру /Кт/, оңару /Тўн/, оңра /Бх/, эсрэ /ДЛТ/ ва бошка шунга ўхшашлар мансуб.

Ўрин келишигида бўлган отлар ҳам равиш вазифасида келади. Бундай равишлар мунта /Тўн/, канта /Бх/, анта /Кт/, ташда /Тўн/, ичинтэ /ҲҲ/, антата /Оё/ ва бошкалардан иборат.

Чикиш келишиги формасида бўлган отлар ҳам равиш функциясида ишлатилади. Бундай равишлар кантан /Кт/, оңтун /Ўн/, кайудын /Кт/ ва бошкалардир.

Кадимги туркий тилда фэълнинг равишдош формасидаги сўзлар /адвербиализация/ равиш функциясида келган. Хусусан, -а,-э,-ы, -и,-у,-у формалари билан ҳосил бўлган равишдошлар ана шундай вазифада ишлатилади. Бундай равишларга сайу /Кт/, тэгрэ /Тўн/, тукэти /Кт/, дағы /Кт/, эдгути /Кт/, ичкэру /Оё/, отру /Оё/, удышуру /Кт/ ва бошкаларни кайд килиш мумкин.

Булардан ташкари эмти /Оё/, тун /Бх/, кунтуз /Кт/, букун /Мон/ ва бошка шу каби мустакил ишлатилган равишлар ҳам ўз ифодасини топган.

Кадимги туркий тилда кардош бўлмаган тиллардан ўзлашган равишлар ҳам ўз ифодасини топган. Бундай равишлар XI-XIУ асрлар тилида учрайди. Кардош бўлмаган тиллардан ўзлашган равишларга аҳиста /Тафс./, харгез /Рабғ./, ҳэмсинэ /Мн/, равак /Мн/, ҳэнуз /Мн/, дамбадам /Хш/ кабиларни кўрсатиш мумкин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қадимги туркий тилда равишлар ҳам ясалиш хусусиятларига эга. Бироқ равиш ясалиши маҳсулдор эмас.

Қадимги туркий тилда равишлар икки усулда - аффиксация ва композиция усулида ясалади.

АФФИКСАЦИЯ УСУЛИДА ЯСАЛГАН РАВИШЛАР. Қадимги туркий тилда қуйидаги аффикслар орқали равиш ясалган:

- ча,-чә аффикси билан: Бу аффикс от, олмош, сифат, сифатдошлардан равиш ясайди ва ҳаракатнинг ҳолати, миқдори, даражаси ва чегарасини билдиради. Масалан: анча /Кт/, субча /Кт/, мунчә /Оё/, ашнуча /Бх/, йанынча /Оё/, өзининчә /Оё/.

- ғача,-гәчә,-қача,-кәчә аффикси орқали. Бу аффикс от, сифат, олмош ва равишларга қўшилиб равиш ясайди. Бу қўшма аффикс бўлиб, биринчиси ға,гә,қа,кә жўналиш келишиги аффикси,-чә,-ча эса равиш ясовчи аффиксдир. Давр ўтиши билан булар бир бутун равиш ясовчи аффиксга силжиб қолган. Бу аффикс билан ясалган равишлар пайт, чегара, миқдор маъносини билдиради.

Қадимги турк тилда, хусусан, УI-Х асрларда -ғача,-гәчә аффикси вазифасини тәги сўзи бажарган. Масалан: Шантуӊ йазыка тәги /Кт/ - Шантунг чўлигача; Тәмир қапығқа тәги /Кт/ - Темир дарвозагача; Әби әсукӊә тәги /Кт/ - уйи ёпинчиғигача ва бошқалар.

Аммо XI-XIУ асрларда -ғача,-гәчә формалари ишлатила бошлайди. Масалан: аннамғача /ДЛТ/, тунгәчә /ХХ/, йиргәчә /Рабғ./.

Қадимги туркий тилда -дәк,-тәк аффикси орқали равиш ясалган. Бу аффикс равиш, ҳаракат номи, сифат, олмош, феъл, равишлардан равиш ясайди ва ўхшатиш, қиёслаш каби маъноларни билдиради. Масалан: андан /Рабғ./, мәнтәк /Мн/, аныӊтәк /Тафс./, қылмыштәк /Рабғ./.

Қадимги туркий тилда - ла,-лә аффикси отларга қўшилиб пайт равишлари ясаган. Масалан: тунлә /Тафс./.

КОМПОЗИЦИЯ УСУЛИДА ЯСАЛГАН РАВИШЛАР. Композиция усулида ясалган равишларнинг асосий хусусиятлари шундаки, унинг компонентлари сон, от, равиш, олмошлардан бўлиб, бундай сўзлар равишга силжиган бўлади. Бу хил равишлар пайт, макон каби маъноларни билдиради. Бундай равишларни тузилишига кўра қўшма, такрор, жуфт равишларга бўлиш мумкин. Масалан: бир кун /Рабғ./, ҳар кәчә /Тафс/, ул кун /Тафс/, бу кәчә /Мн/, қайчағ /Мн/,

www.ziyouz.com kutubxonasi

қатра-қатра /ДЛТ/, кун-тун /Қб/.

Равишларда, сифатларда ўхшатиш, даража формаси ҳам мавжуд. Равишларга -рақ,-рәк аффикси қўшилганда, ҳаракат белгисининг кучли ёки кучсиз эканлиги ифодаланади. Масалан: узә арқурақ /Тафс/, мундын артуқрақ /Ўн/, кәчрәк /Мн/.

## КЎМАКЧИЛАР

Қадимги туркий тилда кўмакчилар ва кўмакчи вазифасида қўлланган сўзлар ўз ифодасини топган.

Ҳозирги туркий тилларда кўмакчилар гапдаги сўзлар ўртасида бўлган турли-туман муносабатларни ифодалашга хизмат қилганлари каби, қадимги туркий тилда ҳам ана шундай маъноларда қўлланган.

Кўмакчилар грамматик маъно ифодалаши жиҳатидан келишикларга яқин туради. Баъзан келишик формаси бажарган функцияни бажаришда хизмат қилади.

Кўмакчилар маъно англатиш жиҳатидан бир эмас. Жумладан, учун, бирлә, сәри ва бошқа шунга ўхшаш кўмакчилар мустақил маъно англатмайди. Лекин аст, оң, ичинтә, сыңар кабилар якка ҳолда ҳам мустақил маъно англатадилар, лекин ўрни билан кўмакчи вазифасида ҳам қўлланади ҳамда келишик аффиксини қабул қилади.

Ана шу нуқтаи назардан қадимги туркий тилдаги кўмакчиларни соф кўмакчилар ва функционал кўмакчиларга бўлиш мумкин.

СОФ КЎМАКЧИЛАР. Қадимги туркий тилда бирлә, учун, ийа /ийә/ киби, йақлыг, узә, сәри, саин каби соф кўмакчилар бўлган.

Булар контекстда бошқа сўзлар билан келганларида қўшимча маъноларни ифодалайди.

Бирлә кўмакчиси. Бу кўмакчи VI-XIV асрлар ёзма обидаларида кенг қўлланган. Лекин XI-XIV асрларда унинг қисқарган билә, бирлә формаси ҳам қўллана бошлаган. Масалан: Көзунтә толу йашы бирлә барып. Киши соз билә қобды боды мәлик ва шу кабилар.

Бирлә /билә/ кўмакчиси контекстда бош келишикда бўлган сўз билан биргаликда қўлланганда бирор иш-ҳаракатнинг бажарилишидаги биргаликни, бирга иштирок этганлигини, алоқадорликни, дахлдорликни, шунингдек, восита-қуролни, иш-ҳаракат процессининг бирин-кетин рўй берганлигини, ҳаракатнинг бажарилишидаги белги, ҳолатни ва бошқа шунга ўхшаш маъноларни ифодалайди.

Масалан: Ачым қаған бирлә илгәру йашыл өгуз Шантуң йазықа тәги суләдимиз. Атымы иишиту бирлә. Йолын бирлә.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бирлә /билә/ кўмакчиси турли келишик формасида келган сўзлар билан қўлланади. Масалан: Қағанын бирлә соңушмуш /Кт/. Ики қолын бирлә өлти ва шунга ўхшашлар.

Учун кўмакчиси. Бу сўз УI-XIУ асрларда тўлиқ формада қўлланилган ва унинг қисқарган формаси бу давр тилида учрамайди. Учун кўмакчиси бош келишик формасида келган сўздан кейин келганда, у контекстда сабаб, важ, боис, иш-ҳаракат процессининг бирор шахсга аталганлиги, предметга тегишлилиги, иш-ҳаракатнинг мақсадини билдиради. Шунингдек, эргашган қўшма гап таркибидаги эргаш гапнинг сабабини ёки натижасини билдириш учун ҳам хизмат қилади. Масалан: Бәгләри бодуны тузсыз учун. Анта кисра тәңри йарлықадуқ учун қағанболтым /Бх/, Азу мун учун.

Учун кўмакчиси тушум, қаратқич, ўрин, восита келишик формаларида келган сўзлар билан кела олади ва келишик формасида келган сўзнинг маъносини конкретлаштиради, таъкидлайди. Масалан: Тәңри йарлықадуқын учун өзүм кутум бар учун. Антағынын учун игидмиш қағанының сабын алматын /Кт/. Сәкиз адағлығ барымыг учун /Ен/.

Узә кўмакчиси. Бу кўмакчи предмет, иш-ҳаракатнинг вертикал йўналишида мавжудлигини билдиради. Масалан: Узә көк тәңри. Бирбир узә уқлатыб. Тоқуз огуз бодун узә қаған олуртн. Ол тынган узә егә.

Узә кўмакчиси контекстда келишик формасини олган сўздан кейин кела олади, у вақтда келишик формасида келган сўзнинг маъносини конкретлаштиради. Масалан: Буларни узә. Кутун узә. Төрүдә узә.

Сәйу, сәру ва ийә кўмакчилари. Ийә кўмакчиси иш-ҳаракатнинг давом этиши ва такрорланиши каби маъноларда қўлланади. Масалан: Айығ қылын ийә барып. Йир сәйу қонтур тимыз.

Ара кўмакчиси. Бу кўмакчи масофа, чиқиш ўрни маъноларини билдиради. Масалан: Тардуш шад ара бады. Экин ара ким оғлы қылынмыс. Кәчмәдиң ара.

ФУНКЦИОНАЛ КЎМАКЧИЛАР. Функционал кўмакчилар барча сўз туркумларидан эмас, балки от, феъл ва равиш сўз туркумлари орқали ифодаланади. Бу сўз туркумлардан бўлган кўмакчиларнинг миқдори бир эмас. От сўз туркумига нисбатан равиш сўз туркумида камроқ, равишга нисбатан феълда камроқ учрайди. Шунга кўра функционал кўмакчиларни уч группага бўлиш мумкин. Булар: 1. От кўмакчилар. 2. Равиш кўмакчилар. 3. Феъл кўмакчилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОТ КЎМАКЧИЛАР. От кўмакчилар юқорида қайд қилинганидек, маълум ўринларда от вазифасида келса, айрим ўринларда эса кўмакчи функцияларида қўлланади. От кўмакчилар жўналиш, ўрин ва чиқиш келишиги аффиксини олиб, контекстда от функциясини йўқотади ва кўмакчи функциясида қўлланади. Ўзидан олдин келган сўзга нисбатан тобелик ҳолатида бўлади.

Қадимги туркий тилда баш, алд, аст, йуз, ичрә, арқа, қат, орта, тәшра, аршы, сыңар, устүнтә, оң, орта, өрту ва бошқа шу каби от кўмакчилар қўлланган.

Баш кўмакчиси. Бу кўмакчи келишик аффиксини олиб, башынта, башыда, башындын, баша, башы каби формаларда қўлланади. Бу формаларда қўлланганда ўрин, йўналиш томон, чиқиш жойи, бирор объектни ажратиб кўрсатиш маъноларида қўлланади. Масалан: Чуш башынта суңуштум. Башда ашну ишләтурләр. Тамғыдуқ башда суңушдымыз.

Қадимги туркий тилда узә кўмакчиси ҳозирги туркий тиллардаги уст,, пастда каби кўмакчилар функциясида қўлланган. Узә кўмакчиси, от кўмакчилар каби, иш-ҳаракатнинг предметнинг устки ёки пастки қисмида бўлганлигини ёки йўналиш томонини билдиради. Масалан: Бурқанлар узә өгитмиш. Тардуш бодун узә шад әртим. Токуз оғуз бодун узә қаған олурти.

Аммо ХШ-ХIУ асрларда узә сўзи билан бир қаторда уст сўзи ҳам қўллана бошланди. Масалан: Тамуғ устундә...көргәйләр. Сол қолының устунтә базды.

Ал, асра, йуз кўмакчилари. Бу кўмакчилар бошқа сўз туркумлари билан омонимик ва айримлари синонимик хусусиятларга эга. Булар бошқа кўмакчилар каби ўз функциясида, баъзан эса кўмакчи функциясида қўлланади.

Ал, асра ва йуз кўмакчилари иш-ҳаракатнинг бирор предметга ёки унинг остки қисмида йўналганлигини, предметнинг пастки қисмида эканлигини кўрсатади. Масалан: асра йир. Қум алына илиңә ир. Йағиз йир йузи йашарды.

Ичи кўмакчиси. Бу сўз тушум, жўналиш, ўрин ва чиқиш келишиги формасида келиб, иш-ҳаракат, предметнинг йўналиш томонини, ўрнини ва чиқиш жойини билдиради. Масалан: Бу арық сәмәк ичиндә. Бир бок ичинә илтип. Битиг ичинә.

Устүнтә кўмакчиси. Бу сўз ҳозирги туркий тиллардаги олдида, олдига каби сўзлар ўрнида қўлланган ва шу маъноларда ишлатилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Масалан: Қуврағ усғунтә бағрын йатып. Аның устунә.

Сиңар кўмакчиси. Бу сўз ҳозирги туркий тиллардаги ён сўзи маъносида қўлланган. Сыңар сўзининг синоними сифатида йығақ, йыңақ, булуң сўзлари ҳам ишлатилган. Масалан: Қанатын сыңар. Булуң йыңақ бәрчә бутуру карарды. Төртәш сыңартын узусуг. Қайдын йыңақ.

Арқа кўмакчиси. жўналиш, ўрин ва чиқиш келишиги формаларида қўлланиши мумкин. Бундай формаларда қўлланганда йўналиш, ўрин ва чиқиш жойи каби маъноларни билдиради. Масалан: Узун сачын кидип арқасынта итип.

ЭСЛАТМА: Ёзма обидаларда арақа сўзи баъзи ўринларда жанубни билдирган.

Оң кўмакчиси жўналиш, ўрин ва чиқиш келишиги формаларида қўлланган. Келишик формаларида қўлланган оң кўмакчиси иш-ҳаракат, предметнинг қаерда, қаерга ва қаердан бўлганлигини ифодалайди. Масалан: Фиръавин оңында масғаралық қылур эрди. Икәгун Фиръаван оңуна кивурди. Қытаний, оңдан тәг.

Орту кўмакчиси. Бу кўмакчи жўналиш, ўрин ва чиқиш келишиги формаларида қўлланганда, кўпроқ масофа маъноси билдиради. Масалан: Биргәру кун ортусыңару. Ол көл ортусында.

РАВИШ КЎМАКЧИЛАР. Қадимги туркий тилда ташқару, тапа, отру, ичрә, сайу /сәйу/, йоғару /йоғару/, кисра, бәру, қоды, нары, кейин, кәдин каби равиш кўмакчилар қўлланган.

Бу кўмакчиларнинг қўлланиши ҳамма даврларда бир хил бўлмаган. Жумладан, кәйин, соң, отру, нәри, кәдин каби кўмакчилар ХП-ХІУ асрларда қўлланилса, қолганлари эса УІ-ХІ асрларда ёзма обидалари тилида ишлатилган.

Равиш кўмакчиларнинг ўзига хос хусусиятлари шундаки, айрим равишлар ҳам равиш функциясида, ҳам кўмакчи функциясида қўлланади. Бундан ташқари, айрим равишлар келишик аффиксларини олиб кўмакчи вазифасини бажаришга силжиб қолган. Равиш кўмакчиларининг ўзига хос характерли хусусияти яна шундаки, баъзилари бир-бирининг синоними сифатида қўлланган. Жумладан, тапа сўзининг синоними сифатида қоды, илгәру, инәру, сайу сўзлари ҳам қўлланган. Лекин илгәру сўзи кун ботар томон /Шарқ/ маъносида ҳам ишлатилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ташқару кўмакчиси. Бу кўмакчи XI асрдан кейин қўллана бошлаган. Масалан: Өлмәклик тәгсиндин ташқару тартыб онтурәйин.

Тапа кўмакчиси. Ҳозирги туркий тиллардаги томон сўзига тўғри келади. Бу сўз бирор томонга йўналганликни ифодалайди. Баъзан қарашлилик ва мақсад маъноларида ҳам қўлланади. Масалан: Оғуз бодун тапа ва ҳ.

Кисрә кўмакчиси. Унинг кәрцин, кәзин, кәйин синонимик вариантлари ҳам бўлган, шунингдек, кисра кўмакчиси отру сўзининг ҳам синонимидир. Кисрә кўмакчиси ҳам УI-ХI асрларда кўпроқ ишлатила бошлаган. Масалан: таңри йарлақазу. Қолган вариантлари эса ХI-ХIУ асрларда қўлланган: Розғәр кәчмиштә кәзин йана бир кун. Мән бу кундә кәзин эрта кеч.

Қоды кўмакчиси. Бу сўз ҳозирги туркий тиллардаги қуйи, паст-ки сўзларини ифодалайди, иш-ҳаракат, предметнинг йўналганлик маъносини ифодалайди. Масалан: Ол суб қоды бардымыз. Тоған куш тәңридир қоды қыдмыш.

Инәру кўмакчиси. Бу сўз ҳозирги туркий тиллардаги илгари, пастга сўзларига тўғри келади. Шулар англатган маъноларда қўлланган. Масалан: Аз инәру бармыш. Букунтә инәру.

Тәги кўмакчиси. Бу сўз ҳозирги туркий тиллардаги - гача қўшимчасига тўғри келади ва чегара маъносини ифодалайди. Масалан: Тәтур қапығ тәги суләдим. Тумән кункә тәги ва ҳ.

Йугәгу кўмакчиси. Бу иш-ҳаракатнинг вертикал йўналишда бўлаётганлигини билдиради. Масалан: Тәңри тәпусунтә тутуп йугәру кәтурмус эринч /Кт/.

Соң,нәри кўмакчилари ҳам қўлланган. Масалан: Андын соң ирти болды. Мәндин соңра.

ФЕЪЛ КЎМАКЧИЛАР. Феъл кўмакчиларининг қадимги туркий тилда қўлланиш доираси от ва равиш кўмакчиларга нисбатан чегараланган. Айниқса феълнинг равишдош формасида бўлган сўзлар кўмакчи функцияларида кўпроқ қўлланган. Бундай кўмакчи феълларга аша, кәрә, өтру кабиларни кўрсатиш мумкин.

Аша кўмакчиси ўрин-жой маъноларида қўлланган. Масалан: Илгәру Қадырқан йышығ аша /Кт/.

Кәрә кўмакчиси. Бу иш-ҳаракат процессининг қаергача бўлганлигини ифодалайди. Масалан: Өгудугә кәрә қыды. Шадын кәрә.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Отру кўмакчиси. Бу сўз ҳозирги туркий тиллардаги кейин, сўнгра сўзлари маъноларига тўғри келади. Отру кўмакчиси келишик формаларида қўлланганда ҳар хил йўналиш томон, ўрин ва чиқиш жойи каби маъноларни ифодалайди. Масалан: Анта отру қағаныма өтунтум. Тамақ өтру кәлүр.

БОҒЛОВЧИЛАР

Қадимги туркий тилда боғловчилар, бошқа ёрдамчи сўзлар каби, тарихан мустақил сўз туркумлари асосида ривожланган. Боғловчи вазифасида қўлланган сўзлар гап бўлакларини ва қўшма гап таркибидаги содда гапларни бир-бирига боғлашда ишлатилган.

Қадимги туркий тилда йәмә, ма, му, азу /әсу/, ара, та/тә/, да/дә/, ким, тақы /дағы/, йәнә, ҳам, йимә, йақа, әгәр, қалы, на каби боғловчи ва боғловчи вазифасида келган сўзлар ишлатилган. Бу боғловчи ва боғловчи вазифасида қўлланган сўзлар турли даврларда ишлатилиши жиҳатидан фарқ қилади.

Агар УI-ХI асрларда яратилган ёзма обидаларда йәмә, ма, му /му/, азу/әсу/, ара, та/тә/, да/дә/, ким йәнә қўлланилган бўлса, ХI-ХIУ асрларда яратилган ёзма обидалар тилида эса юқоридагилар билан бир қаторда ҳам, йа/йә/, инизу, йақа, әгәр, ким, чун, қы/ки/, нaң, туб, қалы кабилар ишлатилган.

Боғловчи ва боғловчи вазифасида қўлланилган сўзларни уч группага бўлиш мумкин: I/ бириктирувчи боғловчилар; 2/ айирувчи боғловчилар; 3/ эргаштирувчи боғловчилар.

БИРИКТИРУВЧИ БОҒЛОВЧИЛАР. Қадимги туркий тилда тақи, дағы, мә, ма, та, тә, да, дә, ҳам каби синонимик характерга эга бўлган бириктирувчи боғловчилар ўз ифодасини топгандир. Бу боғловчиларнинг асосий функцияси гап таркибида бирдан ортиқ сўзларни ва гапларни боғлашдир. Масалан: Оғлы та қаған болмыш әринч /Кт/. Нәчә та кин тимин оғланинг /Оё/.

Туркий бўлмаган ҳам боғловчиси ХI-ХIУ асрларда яратилган ёзма обидаларда учрайди. Масалан: Бәри, тулки, әрслән, айыг ҳам тоңуз.

Шуни ҳам қайд қилиш керакки, қадимдан қўлланиб келган йәмә боғловчиси ўрнида ХI-ХIУ асрларда унинг қисқарган ма ва мә формаси қўллана бошланди: Бағырсақ кәрәк ма, кәзи көңли тоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бириктирувчи боғловчи вазифасида қўлланган тенг боғловчилардан йәмә, тақы, та, тә,ҳам кабилар боғловчи вазифаларидан ташқари, равиш ва кў макчи функцияларида ҳам бемалол ишлатилган. Масалан: Әл йәмә әл болты, бодун йәмә бодун болты. Тун йәмә удусқым кәлмәс әрти /Бх/. Кучушуб тақы қавушдым.

АЙИРУВЧИ БОҒЛОВЧИЛАР. Қадимги туркий тилда ара, азу /әсу/ кабилар айирувчи боғловчи вазифасида қўлланган. Булар гап таркибида бирдан ортиқ сўзларни ёки бирдан ортиқ содда гапларни боғлаш учун ишлатилган. Масалан: Азу бу сабымда игид бармy /Кт/.

Қадимги туркий тилдаги мазкур айирувчи боғловчилар ҳозирги туркий тиллардаги ғоҳ, ёки боғловчиларига тўғри келади.

ЭРГАШТИРУВЧИ БОҒЛОВЧИЛАР. Қадимги туркий тилда ким, тәк, әгәр, қалы, чунки, учун, нaң, тәйин, тубаның, нәгә каби сўзлар эргаш гапларни бош гапга боғлашда қўлланилган. Масалан: Ол айағ қылынч йоқ ким била биз қылмадымыз әрсәр. Йарынға тәги улуғ өгрунч өчирмәк ким өгирди сәвинти. Ку тәңри Рақуқа сәкиртиниш тәк йаруқсиз... боты.

Шуни таъкидлаш лозимки, эргаштирувчи боғловчилардан әгәр, чунки кабилар бошқа тиллардан ўзлаштирилган. Шу сабабли бу каби боғловчилар XI-XIУ асрларда қўллана бошлаган.

## ЮКЛАМАЛАР

Қадимги туркий тилда юкламаларнинг асосий функцияси гап мазмунига қўшимча маъно юклаш ва маънони кучайтиришдир. Қадимги туркий тилда на, нә, ош, чу, кук, ғу, гу, қыа, киз, му, мү, қына, кинә, оқ, өк, ағу, өгу, әгу каби юкламалар қўлланилган. Бундай юкламаларни структурасига кўра икки группага бўлиш мумкин: сўз юкламалар ва қўшимча юкламалар.

Қадимги туркий тилда на, нә, ош, чу, кук каби сўз юкламалар гап маъносини кучайтириш, таъкидлаш, чегаралаш ва айириш каби маъноларда қўлланилган. Масалан: Таң атғынча нә мәлик қылды. Әни нә халайықсевар нә халқ /Тафс./, Қачан нәң әрсәр өлуртәчи көк /Кт/.

- ғу,-гу,-му,-мү,-қыа,-киә,-қына,-кинә,-оқ,-өк,-ағу,-әгу каби қўшимча юкламалар сўроқ, чегаралаш, таъкидлаш, ажратиб кўрсатиш, иш-ҳаракатнинг бирин-кетин бўлганлиги маъноларини ифодалайди. Масалан: Қағанмy қисайын тәдим /Тўн/.

www.ziyouz.com kutubxonasi

## УНДОВЛАР

Қадимги туркий тилда а, ай, эй, ой, у, эй, ый кабн ундов сўзлар бўлган. Ундовлар хусусан X асрлардан кейин қўлланила бошлаган.

Қадимги туркий тилда ҳам ундовлар ҳозирги туркий тиллардаги каби, хис-ҳаяжон, туйғу, кишиларнинг турли кечинмалари ва эмоцияларини ифодалайди. Масалан: Билик тадғын, эй дост, биликлик билдур. А, оңра эртмис отда бу Чамбуды /Оё/./анча тэп тэди, эй инилэрим /Оё/.

## МОДАЛ СЎЗЛАР

Қадимги туркий тилдаги модал сўзлар ҳозирги туркий тиллардагидан структура жиҳатидан фарқ қилади. Қадимги туркий тилда эринч, эркэн, эрки, тугэл ва бошқа шунга ўхшаш модал сўзлар қўлланган. Бу сўзлар ҳозирги туркий тиллардаги шекилли, тахмин, балки, эҳтимол, афсус, экан каби сўзларга тенгдир.

Қадимги туркий тилда қўлланилган модал сўзлар нолиш, ачиниш, тахмин гумон қилиш, афсусланиш ва бошқа шу каби маъноларда ишлатилган. Масалан: Адырылтым йыта /Ен/ /ачиниш/. Қаған қуты тапламады эринч /Кт/ /гумон/.

Қадимги туркий тилдаги модал сўзлар синонимик хусусиятга эга.

## СИНТАКСИС

Ҳозирги туркий тиллардаги синтактик категориялар, синтактик алоқалар ва уларнинг турлари, гапларнинг тузилиши ва мазмунига кўра турлари, гап бўлаклари, гап бўлакларининг тартиби узоқ тарихий тараққиёт маҳсулидир.

Текширишлар шуни кўрсатадики, қадимги туркий тилнинг синтактик структураси даврлар ўтиши билан силлиқлашиб, такомиллашиб борган.

Қадимги туркий тилдаги ёзма обидаларнинг синтактик қурилиши ҳозирги туркий тилларнинг синтактик қурилишидан деярли фарқ қилмайди. Фақат қадимги туркий тилнинг синтактик қурилишини белгилашда айрим қийинчиликлар бор. Бу, биринчидан, УI–X асрларда қабр тошларга ёзилган текстлар эпитафия жанрида ёзилганлигига боғлиқ бўлса, иккинчидан, XI–XIУ асрлар яратилган ёзма обидалар асосан, агар Рабғузийнинг асарини ҳисобга олмаганда, шеърий жанрда ёзилганлиги ва, учинчидан, ёзма обидалар тексти-

www.ziyouz.com kutubxonasi

да бирорта тиниш белгилари ишлатмаганлигидадир. Лекин шунга қарамасдан, текстларда сўзларнинг жойлашиш ўринларини ва гапнинг бош бўлакларини белгилаш орқалигина ёзма обидалар тилининг синтактик хусусиятларини аниқлаш мумкин.

Аммо УI-ХIУ асрларда яратилган ёзма обидалар тилининг синтактик хусусиятлари соҳасида кўпгина илмий кузатиш ишлари олиб борилган. Жумладан, тилшунос олим F.Абдураҳмонов ва бошқа айрим тилшуносларнинг бу давр обидаларининг синтактик хусусиятлари тўғрисида яратган ишлари совет туркологиясида салмоқли ишлар ҳисобланади[1].

Кейинги йилларда УI-ХIУ асрларда ёзма обидаларнинг синтактик хусусиятлари у ёки бу даражада ёритилган[2], мақолалар ҳам чоп қилинган[3]. Аммо ўқув-методик планда эса мазкур йўналиш тўлиқ ҳал қилинган деб бўлмайди.

Биз, ёзма обидаларнинг синтактик хусусиятлари тўғрисида ёзилган ишларга таянган ҳолда, уларнинг баъзи жойларини тўлдириш мақсадида фикр юритишни лозим топдик.

## СИНТАКТИК АЛОҚА ВА УЛАРНИНГ КЎРИНИШЛАРИ

Қадимги туркий тилда ҳам синтактик алоқанинг икки тури бор: предикатив алоқа: Масалан: Түрк бодун Табғачқа көрүр эрди /Тўн/;

Қан бэртим /Тўн/; предикатив бўлмаган алоқа, яъни сўз бирикмаси: Масалан: түрк бодун /Тўн/; боз ат /Кт/.

Ҳар бир тилда сўзларнинг муносабатини кўрсатадиган синтактик алоқа воситалари бор, жумладан, қадимги туркий тилда ҳам. Бундай синтактик муносабатлар қуйидагича: предикатив муносабат; атрибутив муносабат, объектли муносабат ва релятив муносабатлар.

---

